

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

11-сон
(823)
2018 йил
17 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

193. «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ–5379-сон Фармони
194. «Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 мартдаги ПҚ–3597-сон қарори
195. «Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПҚ–3603-сон қарори
196. «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ–3606-сон қарори

Учинчи бўлим

197. «Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналаридаги Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 мартдаги 195-сон қарори
198. «Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 мартдаги 200-сон қарори

Бешинчи бўлим

199. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 27 январдаги 3/5-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2678-2*)
201. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 7 февралдаги 335-В-1, 01-02/12-17-сон «Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-1*)
203. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 20 февралдаги 1-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-1*)
206. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 мартдаги 145-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1442-3*)
207. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 9 февралдаги 162-мх, 7, 23-сон «Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисида»

- ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2541-2*)
208. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 20 февралдаги 2018-02-сон «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-6*)
209. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 7 мартдаги 53, 2018-25-сон «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2463-1*)
211. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 14 февралдаги 5, 24-сон «Саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракцион пахта мойини биржа савдолари орқали фақат «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2979*)
213. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 12 февралдаги 20, 348-В-1-сон «Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2980*)
214. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 2, 19-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1655-1*)
215. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87, 20-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги

йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981*)

216. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 12 февралдаги 12, 3, 2/ққ-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кираётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2982*)
218. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 25 январдаги 4-Б-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2983*)
219. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/3-сон «Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-2*)
220. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/6-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-1*)
222. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 9 мартдаги 8/2-сон «Тижорат банкларда юбилей саналарга бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 527-1*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 10 мартдан 16 мартгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

193 Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат тузилмаси ва давлат чегаралари дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этиш, жамиятдаги миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, тинчлик ва осойишталик — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳамда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати мамлакатнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимида алоҳида ўрин тутди.

Шу билан бирга, Миллий хавфсизлик хизматининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари доирасини аниқ белгилаб берувчи қонун ҳужжати яратилмай туриб, унга миллий хавфсизликни таъминлашнинг барча жиҳатлари юклатилгани ушбу идоранинг давлат органлари фаолиятининг барча соҳаларига асоссиз аралашувига шарт-шароит яратиб берди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни самарали амалга ошириш давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати сифатида қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Рес-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 мартда эълон қилинган.

публикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (бундан буён Хизмат деб юритилади) фаолиятини ташкил этишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Хизматнинг махсус ваколатли давлат хавфсизлик органи сифатидаги ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва фаолият йўналишларини аниқ белгилаб берувчи мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш;

бугунги кундаги хавф-хатарлар ва таҳдидларга қарши курашишнинг таъсирчан шакл ҳамда услубларини жорий этиш;

юзага келаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришда мавжуд куч ҳамда воситалардан самарали фойдаланиш имконини берувчи ташкилий тузилмани шакллантириш;

Хизмат фаолиятини давлат хавфсизлигини таъминлаш ишларининг шакл ва услублари, шунингдек, Хизмат ҳарбий хизматчиларининг идоровий мансублиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлишини истисно этувчи конспирация тамойили асосида ташкил этиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оғишмай риоя этилишини кафолатлайдиган таъсирчан механизмларни жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга қодир, ҳар томонлама етук ва ватанпарвар ёшларни Хизматга жалб этишга қаратилган кадрларни танлаш ва тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини яратиш;

меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларни яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш орқали Хизмат ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

3. Хизматнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига тажовузларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ва мудофаа-саноат мажмуасини давлат хавфсизлигига хавф-хатарлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга оширишда иштирок этиш;

терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш;

иктисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва ахборот соҳаларида давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг тарихий-маданий ва бой маънавий меросини ҳимоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш;

телекоммуникация ва транспорт соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда ҳолатларни юзага келтирувчи омилларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Хизмат тергов қилиш ваколатига кирувчи жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов олиб бориш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат сирлари сақланиши, махсус алоқа хавфсизлигининг таъминланиши ҳамда ахборотларни криптографик ҳимоя қилишни ташкил этиш устидан назоратни амалга ошириш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

Хизматнинг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги ҳолатини такомиллаштириш ва сақлаб туриш, куч ва воситаларни фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳамда ҳарбий ҳолат жорий қилингандаги ҳаракатларга тайёрлаш.

4. 2018 йил 1 апрелдан қуйидаги функциялар:

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришга рухсат бериш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига;

режимли мудофаа объектларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш учун лицензия талабгорларига рухсат этилганлиги ҳақида маълумотнома бериш — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ўтказилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига маз-

кур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасини қайта ишлаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хизмат билан биргаликда бир ой муддатда 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари учун арзон уй-жойларни қуриш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг байроғи ва эмблемаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, байроқ ва эмблемадан фойдаланиш тартиби Хизмат раиси томонидан тасдиқланади.

8. Хизмат икки ой муддатда:

Хизмат фаолиятини ташкил этиш;

Хизматнинг таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш тизимининг самарадорлигини оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хизмат ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 март,
ПФ-5379-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 14 мартдаги
ПФ-5379-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик
хизмати байроғининг
ТАВСИФИ**



Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроғи барқарорлик, матонат, содиқлик, фидоййлик ва мардликни ифода этувчи тўқ кўк рангли тўғри бурчакли мато кўринишига эга.

Байроқ марказида геральдик белги — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг эмблемаси тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроғининг узунлиги — 250 см, эни — 125 см.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 14 мартдаги
ПФ–5379-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати
эмблемаси — геральдик белги
ТАВСИФИ**



Геральдик белги — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати эмблемаси тўқ кўк рангли айлана тасмаси бўлган кумуш ранг доирадан иборат.

Айлана тасманинг юқори қисмида оқ рангли бош ҳарфлар билан латин алифбосида: «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI», пастки қисмида: «DAVLAT XAVFSIZLIK XIZMATI» деб ёзилган. Ушбу ёзувлар ҳурлик маъносини англатувчи саккиз қиррали иккита юлдуз билан ажратилган.

Доира марказида давлат ва жамиятни ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш рамзини англатувчи, пастки қисми чўзилган, юқори бурчаклари кесилган учбурчак кўринишига эга қалқон тасвирланган. Қалқон юзаси кумуш рангда. Қалқоннинг марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидан қалқоннинг камбар хошияларига қадар қуёш нурларини ифодаловчи тўғри чизиқлар тортилган.

Қалқоннинг кесилган икки юқори ва пастки бурчакларида шахс, жамият ва давлат манфаатлари муҳофазасини англатувчи учта халқа тасвирланган.

Қалқон ортида симметрия ўқи бўйича тиғи пастга йўналтирилган қилич жойлашган. Қилич куч, шаън, адолат, жасорат ва ҳушёрликни англатади.

Қилич кумуш рангда. Қилич дастаги еттита халқадан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий тамойилларини англатади.

Қалқон ва қилич ортида симметрик равишда икки томонга ҳилпираётган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг қалқон ва қилич ортида жойлашуви конституциявий тузум, суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлигини англатади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

194 **Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида***

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини ташкил этишда самарали ҳамкорликни таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда қарздорликни ундириш чораларининг тезкорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида:

1. Бош прокуратуранинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида (кейинги ўринларда — Бюро) қўйидагиларга мўлжалланган Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини (кейинги ўринларда — Ягона электрон ҳамкорлик тизими) яратиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

қарздор-жисмоний шахслар ва уларнинг мол-мулклари, шунингдек, олиб берилиши лозим бўлган болани қидиришда Бюро ва давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш;

давлат ижрочиларининг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари, билдиришномалари ва бошқа хабарномаларини, шунингдек, уларга жавобларни тегишли давлат органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилотларига электрон ҳужжат кўринишида юбориш (қабул қилиш);

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган қарздорларга, шу жумладан уларнинг мол-мулклари ва мулкий ҳуқуқларига нисбатан чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида қўллаш.

2. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда Бюро билан электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат орган-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 мартда эълон қилинган.

лари ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар) рўйхати 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бюрога мазкур рўйхатни бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан кенгайтириш, шунингдек, улар бўйича қарздорликларни ундириш масалалари бўйича идоралараро электрон ҳамкорлик схемасини келишилган ҳолда белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Бюро ва ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар ўртасидаги қарздорликларни ундириш бўйича идоралараро электрон ҳамкорлик:

2 — 19-иловаларга* мувофиқ схемалар бўйича;

мавжуд маълумотларнинг тезкорлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни кўрган ҳолда рухсатсиз фойдаланишга имкон бермайдиган ҳимояланган телекоммуникация тармоқлари орқали;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри уланиш ёки ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг маълумотлар базаларини Бюронинг ахборот тизимида такрорлаш ва мунтазам янгилаб бориш ёхуд ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларини Бюронинг ахборот тизими билан интеграция қилиш йўли билан;

Бюро ва ҳамкорлик қилувчи ташкилот ўртасида тузиладиган электрон ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва технологик йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Белгилансинки, ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларидаги ёки маълумотлар базаларидаги такомиллаштиришлар ёхуд электрон ҳамкорлик тўғрисидаги технологик йўриқноманинг ўзгаришига олиб келаётган ҳар қандай ўзгартириш Бюро билан келишилган ҳолда амалга оширилади ва Ягона электрон ҳамкорлик тизимига интеграция қилинади.

5. Бюро Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар:

ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар билан электрон ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва технологик йўриқномалар тузилишини;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилишни инobatга олган ҳолда Ягона электрон ҳамкорлик тизими ишга туширилишини таъминласин.

Белгилансинки, ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш бўйича ишлар, шу жумладан дастурий таъминотни яратиш, ўз ходимларини электрон рақамли имзо билан таъминлаш Бюро ва ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

* 1 — 19-иловалар берилмайди.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 март,
ПҚ-3597-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**195 Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-
тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда қоракўл маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва уларнинг турларини кўпайтиришга қаратилган кенг кўламли таркибий ўзгартиришлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида қоракўл зотли қўйларнинг бош сони қарийб 2 бараварга кўпайиб, соҳада олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қоракўл қўйларининг янги турлари ва чўл озуқабоп экинларининг янги навлари яратилди.

Шу билан бирга қўйидагилар қоракўлчилик соҳасининг жадал ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда:

биринчидан, қоракўл зотли қўйларнинг ирсий хусусиятлари бузилиши, қўйлар тана ҳажмининг кичиклашиши;

иккинчидан, чўлда озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг илмий ва амалий асослари яратилмаганлиги, чўл озуқабоп ўсимликлари истиқболли навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилмаганлиги;

учинчидан, яйловларни ривожлантириш ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган илмий ва инновацион ишланмаларнинг жорий этилмаганлиги, яйловлардаги мавжуд сув иншоотларининг эскирганлиги;

тўртинчидан, қоракўлчилик билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан етиштирилган қўй териси, қоракўл териси ва жунини харид қилиш, уларга озуқа маҳсулотлари етказиб беришнинг ягона тизими мавжуд эмаслиги;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 мартда эълон қилинган.

бешинчидан, қорақўлчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг модернизация қилинмаганлиги, ушбу соҳада янги замонавий технологиялар асосида фаолият юритувчи корхоналарнинг барпо этилмаганлиги;

олтинчидан, қорақўлчилик соҳасида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизмнинг мавжуд эмаслиги ҳамда уларнинг қўнимсизлиги.

Қорақўлчилик соҳасини янада ислоҳ қилишни таъминлаш, соҳада наслчилик ишларини илмий асосда йўлга қўйиш ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган сифатли қорақўл териларини етиштириш, Бухоро қорақўли нуфузини қайта тиклаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, қорақўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва яйловлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Бухоро вилояти ҳокимлигининг:

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг Бухоро филиалини (кейинги ўринларда — Филиал);

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига қарашли Бухоро чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Филиалнинг тузилмаси 1-иловага* мувофиқ ва Марказнинг тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директориغا, зарур ҳолларда, Филиалнинг ва Марказнинг тузилмаларига ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қўйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: наслчилик ва сунъий уруғлантириш ишларини илмий асосда тизимли ташкил этиш, бунда қимматли, экспортбоп ярим доира қаламгул, қовурғасимон, ясси гул типларидаги сур ва қора рангли қорақўл қўйлари селекциясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

Бухоро вилоятининг қорақўлчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан илмий ишланмаларни амалиётда синаш ва унинг ижобий натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш;

насли қўчқорларнинг ранги ва типи бўйича ҳудудлар ҳамда хўжаликлар кесимида алмашинувини ташкил этиш;

қорақўлчилик соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси ва қорақўлчиликда олиб борилаётган наслчилик ва селекция ишларини ўрганиш ва бу борада эришилган илғор ютуқларни жорий этиш.

4. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

чўл ҳудудларида озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг ил-

* 1-2-иловалар берилмайди.

мий ва амалий асосларини яратиш, чўл озуқабоп ўсимликлар истиқболли навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш;

чўл озуқабоп экинлари уруғликлари етиштириладиган майдонларда илгор агротехник тадбирларни жорий қилиш, ушбу майдонларни сифатли уруғликлар билан таъминлаш ва уруғлик етиштириш ҳажмини ошириш;

яйловлар тупроқ иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда мос навларни танлаш ва уларнинг уруғларини жадал кўпайтириш;

инкирозга учраган яйлов майдонларини аниқлаш ва уларни тиклаш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш учун чўл озуқабоп экинларни экиш ишларини ташкил этиш;

қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг талабига асосан озуқабоп экинлар уруғларини етказиб бериш.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси билан биргаликда Марказ томонидан чўл озуқабоп ўсимликлар уруғларини етиштириш мақсадида Бухоро вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб 4 та участка ташкил этиб, уларга жами 1 000 гектар яйлов ер майдонлари ажратиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Филиал ва Марказни бир бинода жойлаштириш чораларини кўрсин.

Марказ республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ўз филиалларини ташкил этиши ва келгусида Марказ ҳамда унинг филиаллари фаолиятини давлат-хусусий шерикчилик асосида йўлга қўйиши мумкинлиги белгилансин.

6. Қуйидагилар Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт), Филиал ва Марказ фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Институт, Филиал ва Марказни сақлаш, шу жумладан ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятдан олинадиган даромадлар;

халқаро молиявий ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грант маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ажратиладиган грант маблағлари қоракўлчилик соҳаси бўйича амалга оширилаётган аниқ ишланма ва лойиҳа ташаббускорларини рағбатлантириш мақсадлари учун йўналтирилиши белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Институт, Филиал ва Марказни сақлаш, ходимлар учун бюджет ҳисобидан иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни 2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрлари доира-

сида ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Марказнинг чўл яйлов ўсимликларнинг уруғликларини етиштириш ва уларни чўл ҳудудларда экиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, шу жумладан 2018 йилда 2,5 миллиард сўм миқдорда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси инкирозга учраган яйлов майдонларининг тикланиш даврида яйлов сифатида фойдаланилмаслиги устидан доимий назорат ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Филиал ва Марказда замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораториялар ташкил этиш ҳамда Марказни қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш учун зарур маблағлар ажратилишини;

бир ой муддатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Қорақўлчилик» уюшмаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб қорақўлчи селекционер ва чўл ўсимликлари яйловшуноси йўналишида сиртки бўлимни ташкил этиш юзасидан асосланган таклифлар, шунингдек, Институт тuzилмасини мақбуллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

10. Белгилансинки:

а) 2023 йил 1 январга қадар қорақўлчилик билан шуғулланаётган субъектлар ва қорақўлчилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари қорақўлчилик учун зарур бўлган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича импорт қилинадиган материаллар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади;

б) қорақўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи ставкалари 2023 йил 1 январга қадар ўзгаришсиз қолдирилади;

в) республика ҳудудида қорақўл териси ва жунини тайёрлаш ҳамда харид қилиш «Ўзбекчармпойабзали» ва «Қорақўлчилик» уюшмалари тизимидаги корхоналар томонидан олдиндан 50 фоиз бўнак тўлаш орқали амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АК, «Ўзпахтаёғ» АЖ, Республика товар хом ашё биржаси, «Ўзбекчармпойабзали» ва «Қорақўлчилик» уюшмалари билан биргаликда бир ой муддатда қорақўлчилик билан шуғулланаётган субъектлар томонидан етиштирилган қўй териси, қорақўл териси ва жунини харид қилиш, шунингдек, уларга омихта ем, арпа, пахта шроти ва шелухасини

етказиб бериш тизими жорий этилишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятларида қоракўлчилик соҳасида наслчилик селекция ишларини такомиллаштириш, жаҳон бозори талабларига мос бўлган рақобатбардош қоракўл териси ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Қоракўл» уюшмаларининг Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки филиалларида очиладиган махсус ҳисоб-рақамлар шаклида Қоракўлчиликни ривожлантириш жамғармалари (кейинги ўринларда — Жамғармалар) ташкил этилсин.

13. Жамғармаларнинг асосий вазифалари этиб:

жаҳон бозорида қоракўлчилик махсулотига бўлган талаб ва таклифларни, қоракўлчилик соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, малака ошириш масалалари бўйича маҳаллий қоракўлчи мутахассисларнинг хизмат сафарларини ташкил этишни;

республика миқёсида насли қоракўл кўчқорларини хўжаликлараро алмаштириш бўйича кўргазмали семинарлар ташкил этиш харажатларини;

қоракўлчилик соҳасида маҳаллий ва чет эл мутахассислари иштирокида кўргазмали ўқув семинарлари ўтказишни;

республикада қоракўлчилик махсулотларини экспорт қилишда қоракўлчилик корхоналарини қўллаб-қувватлашни;

қоракўлчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ва наслчилик корхоналарининг моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда қоракўлчилик махсулотларини қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки филиаллари орқали 3 йил муддатга 3 фоизли имтиёзли йиллик ставка бўйича кредит линияларини очишни молиялаштириш ҳисоблансин.

14. Қўйидагилар Жамғармаларни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, хайрия жамғармаларининг грантлари, ихтиёрий бадаллари, хорижий донорларнинг маблағлари;

Жамғармаларнинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳамда Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳокимликларининг маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан мазкур қарорнинг 3-иловасига* мувофиқ Жамғармаларнинг дастлабки маблағларини шакллантириш тўғрисидаги ташаббуслари маъқуллансин.

Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари 2019-2020 йиллар давомида Жамғармалар маблағларининг ўзлаштирилишидан келиб чиқиб, заруратга кўра, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан тегишли маблағлар ажратиш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкига «Қо-

* 3-илова берилмайди.

рақўлчилик» уюшмаси таркибига кирувчи Бухоро вилояти худудида қорақўлчилик билан шуғулланаётган корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларидида мавжуд қорақўл қўйларининг зотини яхшилаш мақсадида четдан насли қўйлар сотиб олиш ҳамда вилоятда қорақўл териси, жунини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш лойиҳаларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича 30 млрд сўм миқдоридида имтиёзли кредит маблағларини ажратиш тавсия этилсин.

16. Қорақўлчилик билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида сунъий уруғлантириш пунктларини модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, четдан насли қўйлар, қорақўлчиликка ихтисослашган корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун зарур технологик асбоб-ускуналарни харид қилиш, қорақўл териси ва жунини қайта ишлаш, чўл озуқабоп ўсимликларни етиштиришга мўлжалланган яйловларни ривожлантириш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ лойиҳаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан ресурс маблағлари ажратилишига, кафилликлар берилишига ҳамда кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар тўланишига рухсат берилсин.

17. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки 2018 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ–2718-сон «Озиқ-овқат, чармпойабзал ва фармацевтика саноатидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридида назарда тутилган кредит линиялари ҳисобидан Бухоро шаҳрида қорақўл териси хом ашёсини чуқур қайта ишлаш корхонаси ташкил этилишини таъминласин.

18. «Ўзагротехсаноатхолдинг» ва «Ўзагролизинг» акциядорлик жамиятлари қорақўлчилик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларга чўл яйлов озуқабоп ўсимликларнинг уруғликларини етиштириш ва уларни чўл худудларида экиш билан боғлиқ агротехник тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган техникаларни лизинг асосида етказиб бериш чораларини кўрсин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари мазкур қарорнинг 4- ва 5-иловаларига* асосан 2018 — 2020 йилларда узок чўл худудларида қорақўл қўйларини суғориш иншоотлари (тик ва шахтали қудуқлар)ни таъмирлаш ва янгиларини қуриш билан боғлиқ харажатлари учун маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 45 млрд сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, заруратга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг сўровига

* 4-5-иловалар берилмайди.

асосан йил якунига қадар қайтариш шарти билан ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан бюджет ссудалари ажратилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг суғориш иншоотларини таъмирлаш ва қуриш ишларининг мақсадга мувофиқлиги бўйича ўрнатилган тартибда гидрогеологик хулосалари ҳамда қудуқларни энг мақбул жойларда қазиш бўйича таклифлари асосида суғориш иншоотларини таъмирлаш ва янгиларини қуриш ишларини амалга ошириш ҳамда уларнинг сақланиши юзасидан назорат ўрнатиш бўйича масъул этиб белгилансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Республика «Қорақўлчилик» ва «Ўзбекчармпойабзали» уюшмалари билан биргаликда бир ой муддатда қорақўл терисини халқаро мўйна ким ошди савдоларида реализация қилиш ва салоҳиятли чет эллик шерикларни топиш орқали ташқи бозорларга чиқиш, ўзбек қорақўл терисининг халқаро миқёсдаги брендини тиклаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимларига, қўшни давлатларга чегарадош туманлар ҳокимларига қорақўлчилик маҳсулотларини республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳудудий тузилмаларининг бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари қорақўлчилик маҳсулотларининг республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетилиши ҳолларининг ўз вақтида олдини олиш бўйича ишларнинг аҳволи учун шахсий жавобгарлиги белгилансин.

22. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Қорақўлчилик» уюшмаси билан биргаликда қорақўлчилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади, моҳияти ва мазмуни аҳоли орасида мунтазам равишда кенг ёритилишини таъминласин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев, «Қорақўлчилик» уюшмаси раиси Н.Э. Юлдашов ва Бухоро вилояти ҳокими Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 март,
ПҚ-3603-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**196 Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Аҳолининг рухий соғлиғини текширувдан ўтказиш, рухий ҳолати бузилган шахсларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, парваришлаш ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклаш тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ушбу йўналишда зарур ҳуқуқий ва моддий-техника базаси яратилди, малакали врач-психиатрлар билан таъминланган ҳамда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерлари (кейинги ўринларда — психиатрия муассасалари) қурилди, аҳолига сифатли ва ўз вақтида психиатрия ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш бўйича чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги ишлар ҳолатини комплекс ўрганиш ақлий ривожланишдаги бузилишнинг сабаблари ва шарт-шароитларини эрта аниқлашга, тиббий хизматларнинг сифатига салбий таъсир қилувчи қатор тизимли камчилик ва муаммолар мавжудлигини аниқлади.

Хусусан, психиатрия муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш, шахс рухий соғлиғининг ҳисобини юритиш, унинг текширувдан ўтказилишини ташкил этиш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини ўз вақтида кўриш мақсадида психиатрия хизматини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинади.

Психиатрия муассасаларида врач-психиатрларнинг кескин етишмаслиги кузатилмоқда, бу эса беморларга барча зарур хизматлар турларини кўрсатиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш, мазкур соҳадаги хусусий тиббиётни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида ривожлантиришга имкон бермаяпти.

Психиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни замонавий диагностика ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, беморларни парваришлаш ва даволаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинганлигига қарамай уларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланмаган.

Рухий ҳолатлар бузилишининг олдини олиш ва даволаш бўйича ишни янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, малакали врач-психиатрлар тайёрлаш мақсадида:

1. Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 мартда эълон қилинган.

даволаш, профилактика ишлари ва руҳий ҳолатнинг бузилишини эрта аниқлашни ташкил этишнинг вертикал яхлит тизимини шакллантиришни таъминлаш орқали психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини самарали бошқариш механизминини жорий этиш;

мамлакатнинг ҳар бир аҳоли пунктида аҳолининг барча тоифалари, айниқса, болалар ва ўсмирлар учун сифатли ва қулай психиатрия ёрдами таъминлаш, шунингдек, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш учун дори воситаларига сарфланадиган харажатларнинг ягона мажбурий нормативларини белгилаш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, психиатрия муассасаларининг врач-психиатрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларнинг малакасини мунтазам равишда, шу жумладан, хорижнинг етакчи клиникалари ва тиббиёт ташкилотларида ошириб бориш;

Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати муассасаларининг айрим функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун инвестициялар жалб қилиш;

ўз жонига қасд қилишга уринган шахсларга туну кун шошилиш ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, шу жумладан, ўз жонига қасд қилишнинг асл сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, ўз вақтида ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш, ўз жонига қасд қилишнинг ҳар бир ҳолати ҳақида психиатрия муассасаларини зудлик билан хабардор қилиш;

психиатрия соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, уларнинг натижалари ва ютуқларини руҳий ҳолати бузилишининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирларни такомиллаштиришга хизмат қиладиган амалий фаолиятига кенг жорий этиш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимининг самарали фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, психиатрия муассасаларининг, шунингдек, улар бўлинмаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни тиббиётнинг замонавий асбоб-ускуналари ва техникалари билан жиҳозлаш.

2. 2018 йил 1 майдан бошлаб хусусий тиббиёт ташкилотларига руҳий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича аҳолига айрим хизматлар кўрсатишга рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда руҳий ҳолати бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқласин.

3. 2018 йил 1 октябрдан бошлаб диспансер кузатуви остидаги шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг психиатрия муассасаларида қанча муддат бўлганликлари, берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хиз-

матлар ва тақдим қилинган имтиёзлардан иборат бўлган, шунингдек, бу соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида тезкор ахборот олиш имконини берувчи ушбу шахсларнинг ягона электрон реестри юритилиши амалиётга жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда диспансер кузатуви остида бўлган шахсларнинг ягона электрон реестрини яратиш ва ушбу бандда белгиланган муддатларда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишга туширишни таъминласин.

4. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ички ишлар органлари ўз жонига қасд қилинган ҳар бир ҳолат тўғрисида психиатрия хизмати муассасаларига зудлик билан хабар бериши белгилаб қўйилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 майга қадар бўлган муддатда психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, шунингдек, аҳоли ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалаларини ўргансин ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиб борсин.

5. Рухий ҳолати бузилган шахсларнинг, шу жумладан, ногиронларнинг меҳнат терапияси, уларни янги касбларга ўқитиш ва ишга жойлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги психиатрия муассасалари ҳудудида давлат-хусусий шериклик шартларида даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари тузилсин.

Даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари 2018 йил 1 июлдан 2023 йил 1 январгача ер солиғи, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва мулк солиғидан, шунингдек, ягона солиқ тўловидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу бандни амалга ошириш бўйича зарур ташкилий чоралар кўрсин.

6. Қўйидагилар:

Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга доир биринчи галдаги чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

Психиатрия муассасаларини 2018 йилда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)га доир чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ;

2018 — 2020 йилларда республика психиатрия муассасаларининг биноларини қуриш ва реконструкция қилишга доир чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмонов,

* 1 — 3-илвалар берилмайди.

вазирлик ва идоралар раҳбарлари кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар дастурларида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилансин.

Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағларни ажратишни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

чора-тадбирлар дастурлари бажарилишининг боришини ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб борсин;

муҳокамалар якуни бўйича топширилган вазифаларнинг муддатлари бузилиши ва бажарилиши узилиб қолишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин;

икки ой муддатда 2018 — 2020 йилларда врач-психиатр тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва хорижнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт муассасаларида малакасини ошириш дастурини тасдиқласин;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб давлат гранти асосида «психиатрия» йўналиши бўйича магистрларни тайёрлаш юзасидан олий тиббиёт таълим муассасаларига, жумладан Тошкент тиббиёт академиясига — 15 нафар, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институтига — 10 нафардан қабул квоталарини оширишни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси таркибида вазирликнинг умумий бошқарув ходимлари сони доирасида 3 бирлик миқдорда психиатрия ёрдами масалалари бўйича бўлим тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта муддатда янги тузилаётган бўлимни юқори малакали кадрлар, биринчи навбатда, тажрибали врач-психиатр ва невропатологлар билан тўлдирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Андижон давлат тиббиёт институтларида базавий тиббиёт маълумотига эга бўлган врачлар учун уларнинг ўртача ойлик иш ҳақини сақлаган ва хизмат сафари харажатларини қоплаган ҳолда «психиатрия» ва «суицидология» йўналишларида ихтисослашув курсларини ташкил қилсин;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали, Андижон давлат тиббиёт институти ва Самарқанд давлат тиббиёт институтида «психиатрия» йўналиши бўйича клиник ординатурада ўқиш учун ўринлар сонини 10 нафаргача оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2863-сон қарори иловасининг 2-бандидаги рус

тили матнидаги «психических заболеваний» сўзлари «отдельных психических заболеваний» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 16 март,
ПҚ-3606-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

197 Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналаридаги Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида*

Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 январдаги 24-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг инновацион технологияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналаридаги Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналари раҳбарларига ушбу қарор билан тасдиқланган намунавий низомга мувофиқ Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири Б.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 март,
195-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 мартда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 12 мартдаги 195-сон қарорига
ИЛОВА

**Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат
корхоналаридаги Инновацион фаолиятни қўллаб-
қувватлаш жамғармаси тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 январдаги 24-сон қарорига мувофиқ хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналаридаги Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналарида (кейинги ўринларда хўжалик юритувчи субъект деб аталади) илмий-амалий тадқиқотларни, инновацион ишланмаларни, тажриба-конструкторлик ишланмаларни молиялаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ташкил этилади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

3. Жамғарма хўжалик юритувчи субъектнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтириладиган маблағларини жамғариб боради.

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

хўжалик юритувчи субъект соф фойдасидан 10 фоиз миқдордаги ажратмалар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Мазкур Намунавий низомнинг 4-бандида кўрсатилган Жамғарма маблағлари хўжалик юритувчи субъект томонидан унга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидан бирида очиладиган махсус ҳисоб рақамида жамланади.

**3-боб. Жамғармани бошқариш ва Жамғарма маблағларидан
фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш**

6. Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун тақдим этилган илмий-амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар ва тажриба-конс-

трукторлик ишлари лойиҳалари (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) хўжалик юритувчи субъектнинг Илмий-техник кенгаши (кейинги ўринларда Илмий-техник кенгаш деб аталади) томонидан кўриб чиқилади.

7. Илмий-техник кенгашга кўриб чиқиш учун лойиҳалар хўжалик юритувчи субъектнинг инновацияларга буюртмалар портфелини шакллантириш ва яратилган технологияларнинг тажриба-саноат синовини ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш, маҳсулотнинг тажриба партияларини ишлаб чиқариш ва сериялаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ташкил қилишга масъул бўлими томонидан киритилади.

8. Илмий-техник кенгаш Жамғарма маблағларидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг илмий-техник экспертизасини ўтказди ва қуйидагилар бўйича қарор қабул қилади:

лойиҳани Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга қабул қилиш ёки лойиҳани молиялаштиришни рад этиш;

лойиҳани қайта ишлашга ёки қўшимча экспертизага юбориш.

Зарур ҳолларда тегишли соҳада етарли даражадаги билим ва малакага эга бўлган олим ва мутахассислар эксперт сифатида жалб этилади.

Муҳокамада иштирок этиш учун лойиҳа раҳбари ва ижрочилари таклиф этилиши мумкин.

Илмий-техник кенгаш қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва унинг раиси имзоси билан баённома тарзида расмийлаштирилади.

9. Жамғарма маблағлари Илмий-техник кенгашнинг ижобий хулосаси олингандан сўнг, хўжалик юритувчи субъект раҳбари қарори асосида Жамғарманинг тасдиқланган даромадлари ва харажатлари сметаси доирасида махсус ҳисоб рақамидан сарфланади.

10. Жамғарма маблағларини бошқариш хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан амалга оширилади, унинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

11. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг илм-фан ва инновациялар бўйича ўринбосари:

а) Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этади ва уни ташкил этиш мақсадларига эришиш учун масъулдир;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш чораларини кўради;

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ижро этилиши бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг юритилишини, шунингдек, уларнинг ишончлилигини таъминлайди;

б) Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда ҳар йили қуйидагиларни шакллантиради:

илмий-техник, инновацион лойиҳалар ва ишлаб чиқилган технологияларнинг тажриба-саноат синовларини ўтказиш ишларини, маҳсулотнинг тажриба партияларини ишлаб чиқаришни ва серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун буюртмалар портфели;

мос йўналишдаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан илмий-тадқиқот ишларини бажариш бўйича тузилган шартномалар рўйхати;

моддий-техник, илмий-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, тажриба тадқиқотларини ўтказиш, илмий ишланмаларни жорий этиш, илмий-техник кадрларни моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг малакасини оширишни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун мос йўналишдаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг рўйхати;

в) ажратилган маблағлардан фойдаланиш ва келгуси ҳисобот даврида қутилаётган харажатлар тўғрисида хўжалик юритувчи субъект раҳбарига ҳар чорақда маълумот киритади.

12. Илмий-техник, инновацион лойиҳалар учун буюртмалар портфелини шакллантириш ва ишлаб чиқилган технологиялар бўйича тажриба-саноат синовларини ўтказиш, маҳсулотнинг синов партияларини чиқаришни ва серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун шартномалар рўйхатини шакллантириш меъёрлари қуйидагилар ҳисобланади:

лойиҳаларнинг хўжалик юритувчи субъект эҳтиёжларига мувофиқлиги; иқтисодий ва экологик самарадорлик;

меҳнат сарфи ва ресурсларни мақбуллаштириш;

маҳсулотнинг энергия самарадорлиги ва рақобатбардошлиги;

илмий ҳажмдорлик, импорт ўрнини қоплаш ва экспортга йўналтирилганлик;

маҳаллий хом ашё асосида технологияларни ишлаб чиқиш.

4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

13. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, зарур тажриба-саноат синовларини ўтказиш, маҳсулотларнинг тажриба партияларини ишлаб чиқариш ва сериялаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёрлаш чора-тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш;

мос йўналишдаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан илмий-тадқиқот ишларини бажариш бўйича тузилган шартномаларни молиялаштириш;

мос йўналишдаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг моддий-техник ва илмий-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, уларни экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, илмий ишланмаларни жорий этиш, илмий-техник ходимларни моддий рағбатлантириш ва малакасини оширишда молиявий қўллаб-қувватлаш.

14. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари қайтариб олинмайди ва мазкур Низомда белгиланган тартибда келгусида фойдаланиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг махсус ҳисоб рақамида сақланади.

5-боб. Яқунловчи қоида

15. Жамғарма маблағларини тўғри шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва унинг илм-фан ва инновациялар бўйича ўринбосари зиммасига юкланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

198 Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон Фармониға мувофиқ ҳамда туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталарининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон Фармониға мувофиқ 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрниға тегишли штат бирликларини туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари тузилмасиға ўтказган ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис (кейинги ўринларда мутахассис деб аталади) лавозимини жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар мутахассиснинг асосий вазифалари этиб белгилансин: хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 мартда эълон қилинган.

уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш;

хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда иш олиб бориш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик қилиш;

оилаларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш ва тиббий маданиятини ошириш;

оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўриш.

3. Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядларини 7-разряд қилиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 март,
200-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 14 мартдаги 200-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда
маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш
бўйича мутахассис тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталарининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисининг (кейинги ўринларда мутахассис деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилайди.

2. Мутахассис ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

3. Мутахассис ўз вазифа ва функцияларини давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шу жумладан, туман (шаҳар) ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг туман (шаҳар) бўлимлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари (кейинги ўринларда ФХДЁ органлари деб аталади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан фаол ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Мутахассиснинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қўйидагилар мутахассиснинг асосий вазифалари ҳисобланади:

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга мухтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш;

хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда иш олиб бориш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг иж-

тимойй реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик қилиш;

оилаларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш ва тиббий маданиятини ошириш;

оилавий кадрятларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўриш.

5. Мутахассис ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш соҳасида:

хотин-қизларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашади, шу жумладан, уларга қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳуқуқларини тушунтиради, уларни рўёбга чиқариш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатади;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилувчи аёлларнинг манзилли рўйхатини юритади;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, оилалар ва болаларга кўрсатилиши зарур бўлган ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам турларини аниқлайди, уларнинг кўрсатилишини таъминлаш чораларини кўради, шу жумладан ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш юзасидан давлат органлари ва муассасаларига мурожаат қилади;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилалардаги қизларнинг таълим олиши, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиши, зарур тиббий ва психологик ёрдам олиши учун тизимли чора-тадбирлар кўради;

хотин-қизларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш эҳтимоли мавжуд оилаларда профилактик тушунтириш ишларини олиб боради, бундай ҳолатлар аниқланганда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашади;

чет элга ишлаш ёки ўқиш учун кетган ва у ердан қайтиб келган хотин-қизларга, шу жумладан одам савдосидан жабрланганларга ижтимоий ҳаётга мослашишлари учун ҳар томонлама кўмак беради;

б) хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш соҳасида:

фуқаролар йиғини кенгаши ҳамда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этилишини ташкил этади;

хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва

хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш чораларини кўради, уларга давлат хизматларидан фойдаланиш, кредит ва бошқа ресурсларни жалб қилиш масалаларида тушунтиришлар беради;

хотин-қизлар, айниқса, таълим муассасалари битирувчилари, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларнинг бандилигини таъминлашга қаратилган ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўради, тадбиркорлик, шу жумладан хунармандчилик ва касаначилик фаолиятини ташкил этишда хотин-қизлар ўртасида ўзаро тажриба алмашишни ташкил этади;

хотин-қизларга уларнинг қизиқишларига мос келадиган касб-хунар таълими, олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари ҳақида, шу жумладан уларга қабул қилиш тартиби ва сиртқи таълим олиш шартлари ҳақида тушунтиришлар беради;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан ушбу мақсадда кредит ресурсларини ажратишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи кафиллигини бериш юзасидан фуқаролар йиғинига таклифлар киритади;

туман (шаҳар) ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, бандликка кўмаклашиш марказлари, давлат хизматлари марказлари ва тижорат банклари филиаллари билан ҳамкорликда тегишли ҳудудда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар иштирокида хотин-қизлар учун меҳнат ярмаркалари, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган тадбирларни ташкил этади;

в) хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик қилиш соҳасида:

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этишга қаратилган тадбирларни ташкил этади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш чораларини кўради, улар ўртасида миллий маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради;

ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан якка тартибда иш олиб боришда ички ишлар органлари ходимлари ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари билан доимий равишда ҳамкорлик қилади;

жазони ижро этиш муассасаларидаги озодликдан маҳрум этилган хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятларни профилактика инспекторлари билан биргаликда таҳлил қилиб боради ва уларни хотин-қизлар кўмиталари ҳамда фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида афв этиш бўйича таклифлар киритади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, махсус ўқув-тарбия, ижтимоий мослашиш ва реабилитация қилиш муассасаларидан қайтган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашишини ташкил этишда иштирок этади, уларни турар жой ва иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш масалаларида давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка чалинган хотин-қизларни тиббий кўриқдан, шу жумладан текин ва аноним тарзда ўтказиш, уларни даволаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса мажбурий даволаш чоралари кўрилишини таъминлашга кўмаклашади;

хотин-қизлар ўртасида турли салбий ижтимоий ҳаракатлар, айниқса, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш каби ҳолатларнинг сабабларини чуқур ўрганади, натижалари бўйича фуқаролар йиғини кенгаши, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни амалга оширади;

турли сабабларга кўра (вафот этиш, ажралиш, чет элга ўқиш ёки ишлаш мақсадида кетиш, мавсумий ёки бошқа ишлар юзасидан республиканинг бошқа ҳудудларига узоқ муддатга кетиш ва ҳ. к.) ёлғиз яшаётган аёллар ва болаларнинг муаммоларини ўрганади, уларда оилавий муҳитни тўғри ташкил этиш юзасидан тавсиялар беради, васийлик ёки ҳомийликка, хусусан тўлиқ давлат таъминотига, фарзандликка, оила тарбиясига (патронат) олишни талаб этадиган ҳолатлар юзасидан дарҳол васийлик ва ҳомийлик органларига муурожаат қилади;

г) оилаларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш ва тиббий маданиятини ошириш соҳасида:

«Оила — жамиятнинг асосий бўғини», «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» деган конституциявий принципларни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига сингдириш, оилавий муносабатлар инсонлар ўртасидаги энг муқаддас восита эканлигини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирлар олиб боради;

ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш мақсадида фуқаролар йиғини ҳузурида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари» фаолиятига кўмаклашади;

тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорликни таъминлашда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизминини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуаси амалга оширилишига кўмаклашади;

хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб этиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида ўсмир қизлар ва фертил ёшидаги аёллар учун ташкил этиладиган «аёллар маслаҳатхоналари» билан доимий ҳамкорлик қилади;

д) оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўриш соҳасида:

ФХДЁ органлари билан никоҳни қайд этиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади, оила қуриш ёшига етган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан оила ва никоҳ муносабатларига масъулият билан ёндашиш юзасидан тушунтиришлар олиб боради;

миллий, диний урф-одатлар ва маросимларнинг ихчам ва замонавий, кенг аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишида фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашади;

оила ва никоҳ муносабатларининг фақат қонуний асосларда йўлга қўйиш бўйича тушунтиришлар олиб боради;

яраштирув комиссиялари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги бошқа тузилмалар билан биргаликда оилавий низоларни эрта аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўради;

ФХДЁ органлари билан уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган фаолияти юзасидан доимий ҳамкорлик қилади;

ФХДЁ органлари ва судлар томонидан никоҳдан ажрашишга доир масалалар кўриб чиқилишида оилаларни сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўради;

хотин-қизларнинг оила аъзолари, шу жумладан ота-оналар ва фарзандлар билан муносабатларни тўғри йўлга қўйиш бўйича психологик маданиятини ошириш чораларини кўради;

нотинч ва муаммоли оилаларда хотин-қизлар билан соғломлаштириш ва низоли ҳолатларни бартараф этиш бўйича амалий ишлар олиб боради, оила аъзолари ва қариндош-уруғлар ўртасидаги оилавий муносабатларни яхшилашга қаратилган тушунтириш ишларини ташкил этади;

эрта никоҳ ва эрта ҳомиладорлик, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳамда кутилмаган ҳомиладорлик ҳолатларининг олдини олиш, туғруқлар орасидаги интергенетик интервални сақлаш бўйича хотин-қизлар, ота-оналар ўртасида тушунтиришлар беради.

6. Мутахассис ўз зиммасига қонун ҳужжатлари билан юкланган бошқа вазифа ва функцияларни ҳам бажаради.

Мутахассис зиммасига мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган вазифа ва функцияларни юклаш, шу жумладан уни ўз вазифалари ва функциялари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Мутахассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

7. Мутахассис ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади:

давлат органлари ва ташкилотларидан ўз зиммасига юклатилган вазифалар билан боғлиқ зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотларни, шу жумладан ФХДЁ органлари ва судлардан ўзи фаолият кўрсатаётган ҳудудда доимий истиқомат қилаётган хотин-қизлар иштирокида кўрилатган никоҳни ва

никохдан ажрашишни қайд этиш билан боғлиқ ишлар юзасидан маълумотлар сўраб олиш, қонунга асосан тарқатилиши тақиқланган ёки чекланган ахборотлар бундан мустансо;

фуқаролар йиғини кенгашида иштирок этиш, ўз фаолиятини самарали ташкил этиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилган ҳуқуқлар ва имкониятлардан фойдаланиш;

жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустақамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларни «Муўтабар аёл» кўкрак нишонига тақдим этиш учун номзод этиб кўрсатиш;

давлат органлари ва ташкилотлари билан муносабатларда хотин-қизлар манфаатларини ифода этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга, шу жумладан халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан таклифлар киритиш, уларнинг кўриб чиқилишида иштирок этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз малакасини ошириш.

8. Мутахассис ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида қуйидагиларга мажбур:

ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни тўлиқ ва сифатли бажариш;

фуқаролар билан муносабатларда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш, вазмин бўлиш, зарур ҳолларда тактик усуллардан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида ўзига маълум бўлган ахборотларнинг қатъий сир сақланишини таъминлаш.

9. Мутахассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятларни олиши мумкин.

4-боб. Мутахассиснинг фаолиятини ташкил этиш

10. Мутахассис лавозими оилалар сони 2000 гача бўлган фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан жорий этилади.

11. Мутахассис фуқаролар йиғини биносида жойлашади, лавозими бўйича фуқаролар йиғини кенгашининг таркибига киради ва фуқаролар йиғини билан яқин ҳамкорликда ўз фаолиятини амалга оширади. Бунда, мутахассисга иш ҳақи лавозим маошига фуқаролар йиғини маслаҳатчиси лавозимига бериладиган қўшимча рағбатлантиришлар миқдори ва шартлари (алоҳида шароитлар учун устама, рағбатлантириш коэффиценти, мукофот ва моддий ёрдам) сақланади.

12. Мутахассис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тавсиясига

асосан туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

13. Мутахассис лавозимига, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлган, камида беш йил тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида доимий яшаётган, оиласи, турмуш-тарзи, хулқ-одобига кўра ижобий тавсифланадиган хотин-қизлар тайинланади.

Судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар мутахассис лавозимига тайинланиши мумкин эмас.

5-боб. Мутахассис фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари

14. Мутахассис ўз фаолияти самарадорлиги юзасидан туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси олдида ҳисобдор бўлади.

15. Мутахассис фаолиятининг самарадорлиги ҳар йили ўтган йил натижаларига кўра туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг туман (шаҳар) бўлими, ички ишлар ва ФХДЁ органлари, бандликка кўмаклашиш марказлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида баҳоланади.

16. Мутахассис фаолиятининг самарадорлиги қуйидаги асосий кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш орқали баҳоланади:

иш билан таъминланмаган меҳнат ёшидаги хотин-қизлар сони;

тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланишга жалб этилган хотин-қизлар сони;

ажрашишлар сони;

ажрашишдан сақлаб қолинган оилалар сони;

17 (16) ёшга тўлмасдан турмушга чиққан, шундан фарзандли бўлган қизлар сони;

хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар, шунингдек ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари сони.

17. Баҳолаш жараёнида ҳар бир кўрсаткич ўтган йилги кўрсаткичлар билан солиштирган ҳолда, шу жумладан ҳар бир кўрсаткичнинг алоҳида турлари, хотин-қизларнинг тегишли ёш контингенти кесимида таҳлил қилинади.

18. Баҳолаш натижаларига кўра мутахассисга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган рағбатлантириш ва лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

6-боб. Яқуний қоида

19. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 14 мартдаги 200-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 71-модда) 2-банди, шунингдек қарорга 12-илова ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган Посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг, шунингдек шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллалари фуқаролар йиғинлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядларидан «Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» позицияси чиқариб ташлансин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

199 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2678-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 декабрдаги ПФ–5276-сон «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/6-сон қарори (рўйхат рақами 2678, 2015 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 296-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 январь,
3/5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
27 январдаги 3/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани
Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга
рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ жисмоний шахслар-резидентларга 5000 АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан ошган нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатнома бериш тартибини белгилайди.».

2. 1-банддаги «Марказий банкининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар бўйича бош бошқармасининг (бундан буён матнда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари асосида ҳукумат делегациялари таркибида хорижий давлатларга чиқиш учун;».

4. 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «Марказий банкка» деган сўзлар «Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«г» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) нақд хорижий валюта келиб чиқишининг манбасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари кўрсатилган ҳолда уларнинг нусхалари (илгари нақд хорижий валюта сотиб олинганлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси, жисмоний шахс — резидентнинг тижорат банкида очилган ҳисобварақларига хориждан келиб тушган валюта маблағларини ечилганлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси ёки нақд хорижий валютани хорижий давлатлардан олиб келганлигини тасдиқловчи божхона декларацияси);».

5. 5-банднинг биринчи хатбошидаги ва 6-банддаги «Марказий банк» деган сўзлар «Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «Марказий банк» деган сўзлар «Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«09006-1-сон шакл рухсатнома қатъий ҳисобот бланки ҳисобланиб Марказий банкнинг тегишли ҳудудий Бош бошқармаси буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» ДИЧБда тайёрланади ва зарур ҳимоялаш даражаларига эга бўлади. Бунда ҳар бир бланк ягона серия ва тартиб рақамига эга бўлган икки нусхадан ташкил топади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рухсатнома жисмоний шахслар — резидентлар доимий яшаб турган жойдаги Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланади ҳамда олиб чиқиладиган жами суммага берилади.»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Рухсатноманинг расмийлаштирилиши ва берилиши учун тўлов ундирилмайди.».

7. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Рухсатнома икки нусхада расмийлаштирилади, биринчи нусхаси жисмоний шахс — резидентга берилади, иккинчи нусхаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасида қолдирилади.

Рухсатнома аризада кўрсатилган нақд хорижий валютани бир марта Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ҳуқуқини беради ва у фақат унда кўрсатилган муддат мобайнида амал қилади.».

8. 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
томонидан жисмоний шахслар-резидентларга
нақд хорижий валютани Ўзбекистон
Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб
чиқишга рухсатномалар бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
томонидан жисмоний шахслар-резидентларга
нақд хорижий валютани Ўзбекистон Респуб-
ликаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга
рухсатномалар бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Shakl: 09006-1

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING

(O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining Qoraqalpog'iston Respublikasi,
viloyatlar va Toshkent shahridagi bosh boshqarmasi nomi)

_____ -sonli **RUXSATNOMA**

20__ yil «__» _____

Xorijga jo'nab ketayotgan _____ ga

(familiyasi, ismi va otasining ismi)

ushbu hujjat bo'yicha xorijga chiqish ruxsati bo'lgan pasporti _____

(seriyasi, nomeri)

_____ ko'rsatilganda

(berilgan vaqti, kim tomonidan berilgan)

(summasi raqam va so'z bilan yozilsin)

(xorijiy valyutaning to'liq nomi)

miqdoridagi naqd xorijiy valyutani xorijga olib chiqishga ruxsat etiladi.

Ushbu ruxsatnoma bojxonaga topshirilishi shart.

Bosh boshqarma
boshlig'i _____

(imzo)

M.O'.

QALBAKILASHTIRISH QONUNGA
MUVOFIQ TA'QIB QILINADI
TUZATISH KIRITISH MUMKIN EMAS

BOSHQA SHAXSLARGA BERISH
TAQIQLANADI UCH OY DAVOMIDA
HAQIQIYDIR.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

201 Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ–4954-сон «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 12 июндаги 335-В, 02-02/12-26-сон қарори (рўйхат рақами 2694, 2015 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 365-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 февраль,
335-В-1-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. ТОХИРИЙ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 февраль,
01-02/12-17-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Давлат
божхона қўмитасининг 2018 йил
7 февралдаги 335-В-1,
01-02/12-17-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда
транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
қимматликлар — миллий валюта ва касса ҳужжатлари;

кунлик ҳужжатлар — операцион кун давомида расмийлаштирилган
миллий валютада амалга оширилган операциялар ҳисобини юритиш ҳужжат-
лари;

инкассация хизмати — махсус кассанинг кунлик нақд пул тушумла-
рини инкассация қилиш ва қимматликларни ташиш билан боғлиқ бўлган хиз-
мат.».

2. 2-банддаги «хорижий валютада» деган сўзлар «миллий валютада» деган
сўзлар билан алмаштирилсин;

3. 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Йиғимларни ундириш учун тегишли божхона постида тижорат бан-
ки томонидан миллий валютада тўловларни қабул қилувчи банк кассаси
(бундан буён матнда махсус касса деб юритилади) ташкил қилинади.».

4. 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Махсус касса тижорат банки томонидан ёнмайдиган темир шкаф
(сейф), телефон алоқаси, қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси,
миллий валютани нақд пулсиз шаклда қабул қилувчи тўлов терминали,
компьютер, принтер, ҳисоблаш техникаси, пул санаш машинкаси, пулларни
ўраб-боғлаш учун бандероль, тизимча ва пломбалар, кассир учун бирикти-
рилган махсус пломбир, амалиёт кассасининг номи ёзилган ёки унинг тар-
тиб рақами кўрсатилган муҳр ва штамплар ҳамда бланкалар билан таъмин-
ланган бўлиши шарт.».

5. 7, 8, 22-бандлардаги «ваколатли банк» деган сўзлар «тижорат банки»
деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 9, 12 — 18, 24, 26, 29-бандлар ва 3-илова ўз кучини йўқотган деб
топилсин.

7. 10 ва 11-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Йиғимлар ундирилганлиги ҳақида кассир томонидан мазкур Низом-
нинг 1-илласига мувофиқ шаклда кирим ҳужжати расмийлаштирилади. Бунда
кассир ҳужжатда миқдорнинг имзоси қўйилганлигини ҳамда тўғри ва тўлиқ
тўлдирилганлигини текшириши шарт.».

11. Кириш хужжати бир нусхада тайёрланади. Кириш хужжатнинг маълумотнома қисми кунлик касса хужжатларига тикиб қўйилади, квитанция қисми нақд пулни топширган мижозга тақдим этилади.».

8. 19-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«19. Кассир томонидан операцион кун якунида махсус кассада қимматликлар асосида амалга оширилган операциялар бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда ҳисобот тузилади ва имзоланади.».

9. 20-банддаги «ваколатли банкка» деган сўзлар «тижорат банкига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 21-банддаги «ваколатли банкнинг» деган сўзлар «тижорат банкининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 23-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«23. Йиғимлардан тушган маблағлар (бундан буён матнда маблағлар деб юритилади) тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг шахсий газна ҳисобварағига ўтказилади.».

12. 25-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«25. Операцион кун якунида махсус касса томонидан қабул қилинган маблағлар тегишли тижорат банкига инкассация хизмати орқали топширилади. Маблағлар кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда Жамғарманинг тегишли шахсий газна ҳисобварақларига ўтказиб берилади.».

13. 27-банддаги «Ваколатли банк» деган сўзлар «Тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг 1-иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

15. 2-илова мазкур ўзгартиришларнинг 2-иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

16. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Республика йўл жамғармаси
ижрочи директори*

М. АЛЛАБЕРГАНОВ

2018 йил 7 февраль

Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги
ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Хорижий давлатлар автотранспорт
воситаларининг Ўзбекистон Республикаси
ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун
йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

МАЪЛУМОТНОМА — CERTIFICATE

(тижорат банкнинг номи)	(кассир штампи)
20__ йил «__» _____	
(мижознинг фамилияси, исми, шарифи client's name, surname)	
қабул қилинди.	
(миллий валютанинг қиймати, суммаси — рақам ва сўз билан ёзилади value of national currency, amount in figures and in words)	
(автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтган давлат номи, the name of the country, where the vehicle is registered)	
(тўлов тури — type of payment)	
(мижознинг имзоси — client's signature)	(кассирнинг имзоси — cashiers signature)

КВИТАНЦИЯ — RECEIPT

(тижорат банкнинг номи)	(кассир штампи)
20__ йил «__» _____	
(мижознинг фамилияси, исми, шарифи client's name, surname)	
қабул қилинди.	
(миллий валютанинг қиймати, суммаси — рақам ва сўз билан ёзилади value of national currency, amount in figures and in words)	
(автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтган давлат номи, the name of the country, where the vehicle is registered)	
(тўлов тури — type of payment)	
(мижознинг имзоси — client's signature)	(кассирнинг имзоси — cashiers signature)

Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги
ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Хорижий давлатлар автотранспорт
воситаларининг Ўзбекистон Республикаси
ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун
йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Махсус касса томонидан амалга оширилган операциялар тўғрисида
ҲИСОБОТ**

20 ____ йил « ____ » _____

Нақд пулда амалга оширилган операциялар мазмуни	кирим	чиқим
Олинган бўнақ:		
Кунлик айланмалар:		
Жами айланмалар		
Банк кассасига топширилиши керак		
Баланс:		

Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган операциялар мазмуни	кирим	чиқим
Кунлик айланмалар:		
Жами айланмалар		
Банк кассасига топширилиши керак		
Баланс:		

(ҳисобот тузувчининг Ф.И.О., имзоси)

Ҳисоботни текширди:

_____ (тижорат банк бош бухгалтерининг Ф.И.О., имзоси)

20 ____ йил « ____ » _____ ».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

203 «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
тини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-1*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни 5¹-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 февралдаги 81-сон қарори билан тасдиқланган 2018 йил учун Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 9 ноябрдаги 6-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2956, 2017 йил 19 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2017 й., 10/17/2956/0429-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 февраль
1-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил
20 февралдаги 1-мб-сон қарорига
ИЛОВА

**«2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банддаги «103» рақами «105» рақами билан алмаштирилсин.
2. 18-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.
3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасига инвестициялар ва Ўзбекистон Республикасидан чет элга йўналтирилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот шакли (104-илова) ва Республикадаги маданий мерос объектлари тўғрисида ҳисобот шакли (105-илова) билан тўлдирилсин.

«2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг
2017 йил 9 ноябрдаги 6-мб-сон қарорига
18-сон ИЛОВА

ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ
ГОСУДАРСТВЕННАЯ СТАТИСТИЧЕСКАЯ ОТЧЕТНОСТЬ

очик обуна — қимматли қоғозларни сони чекланмаган инвесторлар орасида рекламадан фойдаланган ҳолда жойлаштириш, шу жумладан қимматли қоғозларни оммавий таклиф этиш орқали жойлаштириш;»;

йигирма учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозларнинг янги чиқарилиши — акциядорлик жамиятининг илгари чиқарилган қимматли қоғозлари тўлиқ жойлаштирилгандан сўнг номинал қийматининг камайиши, ҳуқуқларнинг ўзгариши, йириклаштириш ёки майдалашда қимматли қоғозларни пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«айирбошланадиган қимматли қоғозлар (бундан буён матнда АҚҚ деб юритилади) — эмитентнинг оддий акцияларига айлантирилиши мумкин бўлган имтиёзли акциялари, корпоратив облигациялари.».

2. 35-банддаги «Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 74-банд «в» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги «айирбошланётган қимматли қоғозларни» деган сўзлар «АҚҚ» деган қисқартмага алмаштирилсин.

4. 85¹-банд қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) битта чиқарилишдаги АҚҚ қисман айирбошланганда.».

5. 91-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агарда:

ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинган бўлса, тегишли акциядор қарорининг нусхаси тақдим этилади;

ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар аввал чиқарилган АҚҚни айирбошлаш билан боғлиқ бўлса, қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун топшириладиган ҳужжатлар билан бир вақтда мазкур банднинг «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек айирбошлаш амалга ошириладиган АҚҚ эгаларининг эмитент томонидан тасдиқланган аризалари нусхалари (мавжуд бўлган тақдирда) тақдим этилади.».

6. 100-банд қуйидаги мазмундаги «е» кичик банд билан тўлдирилсин:

«е) битта чиқарилишдаги барча АҚҚ айирбошланганда.».

7. 102-бандда:

«а» кичик бандда:

биринчи хатбошидан «акциялар» деган сўз чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «эмиссия» деган сўз «депо» деган сўз билан алмаштирилсин;

«б» кичик банднинг бешинчи хатбошиси ва «г» кичик банднинг учинчи хатбошидаги «эмиссия» деган сўз «депо» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банд билан тўлдирилсин:

«ж) битта чиқарилишдаги барча АҚҚни айирбошлаш амалга оширилган тақдирда:

АҚҚ чиқарилиши тўғрисидаги қарор (қарорлар) ва рисола (рисолалар), шунингдек уларга киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг

(ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган тақдирда) асли (асллари). Кўрса-тиб ўтилган ҳужжатларнинг асллари йўқотилган тақдирда йўқотиш тўғри-сида оммавий ахборот воситаларидаги ва Корпоратив ахборот ягона порта-лидаги эълонларнинг нусхалари тақдим этилади;

барча АҚҚ эгаларининг уларга тегишли бўлган АҚҚни айирбошлаш тўғрисидаги аризаларининг эмитент томонидан тасдиқланган нусхалари (мавжуд бўлган тақдирда).

8. 7-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Хусу-сийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан кели-шилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 16 февраль

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2018 йил 19 февраль

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига
7-ИЛОВА

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

Облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги тўғрисидаги БИЛДИРИШНОМА

_____ манзил бўйича жойлашган: _____, қимматли қоғозлар
(эмитентнинг тўлиқ номи)

чиқарилиши тўғрисидаги қарор (_____ йил, рўйхат рақами _____) асосида чиқарилган _____ облигацияларнинг _____ дона ёки
(ҳақиқатда жойлаштириш тугаган сана)

_____ фоизи тўлиқ (қисман) жамият томонидан сўндирилганлигини (сотиб олинганлигини) маълум қилади.

1. Облигацияларни тўлиқ сўндиришда номинал қиймати тўловини амалга ошириш санаси: _____

2. Харид қилинган облигациялар (муддатидан олдин қайтариб сотиб олинганда) бўйича амалга оширилган охириги тўловнинг санаси: _____

3. Эмитент депо ҳисобварағига облигацияларни охириги ўтказиш санаси: _____. Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (_____ йил, рўйхат рақами _____) кўра _____ чиқарилган.
(эмитентнинг номи) (қимматли қоғозларнинг тури, кўриниши, номинал қиймати ва сони)

Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (_____ йил, рўйхат рақами _____) кўра облигацияларни сўндириш тугаган сана (муддат): _____.

Кузатув кенгашининг раиси _____
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Эмитент раҳбари _____
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер _____
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Мухр».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

209 Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2463-1

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 26 апрелдаги 41 ва 2013-24-сон қарори (рўйхат рақами 2463, 2013 йил 31 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 299-модда) билан тасдиқланган Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
53-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
2018-25-сон

Б. ПАРПИЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2018 йил 7 мартдаги 53 ва
2018-25-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини
амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган
солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 9-банддаги «25» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.
2. 1-иловада:
«Паспорт маълумотлари» деган сўзлар «Паспорт ёки истиқомат гувоҳномаси маълумотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
эслатманинг 3-бандидаги «25» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.
3. 2-иловада:
«Паспорт» деган сўз «Паспорт ёки истиқомат гувоҳномаси маълумотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
«жисмоний шахснинг паспорти» деган сўзлар «жисмоний шахснинг паспорти ёки истиқомат гувоҳномаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

211 Саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракцион пахта мойини биржа савдолари орқали фақат «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2979*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги ПҚ–3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 мартда эълон қилинган.

1. Саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракцион пахта мойни биржа савдолари орқали фақат «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 февраль,
5-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 февраль,
24-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия
вазирлигининг 2018 йил 14 февралдаги
5, 24-сон қарорига
ИЛОВА

Саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракцион пахта мойини биржа савдолари орқали фақат «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги ПҚ–3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракция усулида олинган пахта мойини (бундан буён матнда экстракцион пахта мойи деб юритилади) фақат «Ўзпахтаёғ» АЖ тизимидаги корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси (бундан буён матнда биржа деб юритилади) томонидан ташкил этиладиган биржа савдолари орқали сотиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
маҳсулот — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан хар йили тасдиқланадиган ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ва

истеъмолчиларга етказиб бериш параметрларига (бундан буён матнда параметр деб юритилади) мувофиқ сотиладиган экстракцион пахта мойи;

биржа савдоларининг электрон тизими (бундан буён матнда БСЭТ деб юритилади) — биржа аъзоларига биржа савдоларида бевосита биржа савдо залида аниқ вақт режимида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат ахборот тизими;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан буён матнда ҲККП деб юритилади) — клиринг электрон тизими орқали биржа битимлари бўйича клиринг, ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи биржанинг таркибий бўлими;

брокер — миждонинг (сотувчи ёки харидорнинг) топширигига асосан ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузувчи юридик шахс — биржа аъзоси;

дилер — биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи юридик шахс — биржа аъзоси;

сотувчи — биржа савдоларида маҳсулотни сотишни амалга оширувчи ёғ-мой корхоналари;

харидор — биржа савдоларида маҳсулот харид қилувчи «Ўзпахтаёғ» АЖ тизимидаги экстракцион пахта мойини саноатда қайта ишлаш эҳтиёжлари учун ишлатадиган корхоналар (саломас, саломас ёғи кислоталари ёки перезетрификацияланган ёғ маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар);

аванс — биржанинг воситачилик йиғимларини, шунингдек, тарафларнинг закат пулларини ўз ичига олувчи сотувчи ва харидорлар томонидан киритиладиган молиявий маблағлар.

2-боб. Маҳсулот ҳажмларини шакллантириш ва сотиш

2. Биржа савдолари Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва биржа савдолари қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

3. Маҳсулотни сотиш БСЭТдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

4. Сотувчи ва харидорлар биржа савдоларида мустақил равишда биржа билан тузилган шартнома асосида дилер сифатида ёки брокерлар ёрдамида уларнинг трейдерлари орқали иштирок этадилар.

5. Биржа аъзолари республика ҳудудининг қайси нуқтасида жойлашган бўлишидан қатъи назар биржа аъзоларининг электрон биржа савдоларида иштирок этиши биржа томонидан таъминланиши шарт.

6. Параметрда белгиланган ҳажмлар доирасида, маҳсулотни қайта ишловчи ёғ-мой корхоналарининг маҳсулотга бўлган талаби ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналардаги мавжуд ҳажмлар тўғрисидаги маълумотларга асосан «Ўзпахтаёғ» АЖ томонидан ҳар бир кейинги ой бошланишидан 5 кун олдин, кейинги ойда биржа савдоларига қўйиладиган маҳсулот ҳажмлари ва савдо иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар биржага тақдим этилади.

7. Харидор ва сотувчиларни аванс суммасига мувофиқ биржа савдосига қўйиш ёки уларни четлаштириш, биржа савдоларининг голибини аниқлаш

ва биржа битимини рўйхатга олиш автоматик равишда БСЭТ томонидан амалга оширилади.

8. Қарама-қарши буюртмаларни бирлаштириш натижаси бўйича БСЭТ биржа битимларини шакллантиради ва рўйхатга олади, шундан сўнг амалга оширилган биржа битимлари реестрини шакллантиради.

9. Олди-сотди шартномаси расмийлаштириш учун биржа битими тузилган кунда биржа савдоларининг қоидаларига мувофиқ биржа аъзоларига тақдим этилади.

10. Биржа битими рўйхатга олингандан сўнг харидор олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда биржа битими бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун қўшимча маблағларни ўтказиши лозим. Бунда, закат сифатида киритилган маблағлар ҳисобга олиниши мумкин.

11. Биржа савдоларида сотилмаган ва бекор (аннуляция) қилинган биржа битимлардаги маҳсулот ҳажмлари автоматик равишда БСЭТ томонидан кейинги биржа савдоларига қўйилади.

12. Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун комиссия йиғим харидорлар ва сотувчилардан биржа битими суммасидан келиб чиқиб ҳар бир тарафдан ундирилади.

3-боб. Нархларни белгилаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизми

13. Маҳсулотни биржа савдоларига қўйишнинг бошланғич нархи сотувчи томонидан эркин сотиладиган нарх даражасида белгиланади.

14. Биржа савдоларида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоб ҲККП орқали амалга оширилади.

15. Биржа клиринг натижалари ва маблағларининг ҳолати ҳақидаги маълумотларни миқдорларнинг шахсий кабинети орқали ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди.

16. Сотувчи ва харидорлар ўзларининг ҲККПдаги шахсий ҳисоб рақамларига биржа савдосига қўйилган маҳсулот умумий қийматининг ва харид қилиниши кўзда тутилаётган маҳсулот ҳажмининг 2 фоизи миқдордаги закат пул маблағларини жойлаштирадilar.

17. Харидорлар аванс билан таъминланган ҳажмларда маҳсулотни харид қилиш учун битимлар тузишга ҳақли.

18. ҲККП харидордан маблағлар келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида, тўлов ўтказилган битимлар рўйхатини сотувчининг шахсий кабинетига юбориши шарт.

19. Агар сотувчи ёки харидор маҳсулот ҳақини тўлаш, танлаб олиш, етказиш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса, биржа битимни бекор қилади ва жабрланган тарафга мажбуриятни бажармаган тарафдан бўнак маблағини жарима сифатида ўтказиши. Бунда ундириладиган жарима суммаси тузилган олди-сотди шартномасининг умумий қийматидан аниқланади.

20. ҲККП тақдим этган тўлов ўтказилган битимлар рўйхати сотувчининг маҳсулотни харидорга юклаб жўнатишига асос бўлади.

21. Маҳсулот жўнатилганлиги ва олинганлиги далилини харидор билан сотувчининг (ёки улар ваколатли вакилларининг) имзолари қўйилган юк хатининг нусхаси тасдиқлайди.

Тақдим этилган юк хатининг нусхаси ҲККП томонидан бир иш куни мобайнида харидорнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағларни сотувчининг тижорат банкидаги ҳисобварағига ўтказишга ва битимни ёпишга асос бўлади.

4-боб. Яқуний қоидалар

22. «Ўзпахтаёғ» АЖ Иқтисодиёт вазирлигига ҳисобот чорагидан кейинги ойнанинг 5-санасидан кечиктирмай, мазкур Низомга мувофиқ ёғ-мой корхоналари томонидан маҳсулотни биржа савдоларига қўйиш, сотиш ҳажмлари ва ҳақиқатда етказиб берилган миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

23. Биржа савдолари жараёнида вужудга келувчи шартномавий мажбуриятларни бажаришга, ҳисоб-китоб клиринг хизматига оид низо ва келишмовчиликлар биржанинг арбитраж, интизом комиссиялари ёки шартноманинг судга оидлилик шартларига мувофиқ ҳакамлик суди ёки суд томонидан кўриб чиқилади.

24. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

25. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзпахтаёғ» АЖ ҳамда «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси» АЖ билан келишилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 14 февраль

*«Ўзпахтаёғ» акциядорлик
жамияти бош директори*

М. САЛИХОВ

2018 йил 14 февраль

*«Ўзбекистон Республикаси
товар-хом ашё биржаси»
АЖ бошқарув раиси в. в. б.*

А. НАГАЕВ

2018 йил 14 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

213 Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат
Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пен-
сионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни
тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш
хақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2980*

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги ПК-2826-сон «Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 февраль,
20-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 февраль,
348-В-1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Марказий банки
бошқарувининг 2018 йил 12 февралдаги
20, 348-В-1-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат
Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган
пенсияларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа
тўловлар тўлашни ташкил этиш тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ–5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 мартдаги ПҚ–2826-сон «Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки (бундан буён матнда Халқ банки деб юритилади) бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар тўланишини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади: **пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар** — давлат пенсиялари, шунингдек зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар, бола туғилганда бериладиган нафақалар, дафн этишга нафақалар, уй-жой-коммунал хизматлари тўловлари ҳамда автобензин сотиб олиш харажатлари учун пул компенсация тўловлари, Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларга ва 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланманинг ўртача қийматига тенг компенсация тўловлари, Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларга ва ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга йиллик бир йўла моддий ёрдам пуллари, 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлиги бўлган шахсларга йиллик бир марталик пул муқофотлари, пенсия ва нафақалардан алимент тўловлари, ўрнатилган тартибда тугатилган ташкилотлар

ходимларига уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар суммалари;

етказиб бериш (топшириш) даври — пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) амалга ошириладиган жорий тўлов ойининг тўртинчидан йигирма еттинчи санасигача бўлган давр (дафн этишга нафақа бундан мустасно);

етказиб бериш участкаси — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бинолари, пенсия ва нафақа олувчилар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни олиши учун қулай бўлган бошқа маъмурий бинолар;

яшаш жойи — турар жой, квартира, хизмат турар жойи, ихтисослаштирилган уйлар (ётоқхона, пансионат, ёлғиз кексалар учун махсус уй, ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар учун уй-интернат ва бошқалар), шунингдек пенсия олувчи мулкдор сифатида, ижарага олиш шартномаси (иккиламчи ижара), ижара шартномаси ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича доимий яшайдиган (доимий рўйхатдан ўтган) турар жой, доимий яшаш жойи мавжуд бўлмаган (доимий рўйхатдан ўтмаган) ҳолда — вақтинча яшаш (вақтинча рўйхатдан ўтиш) жойи;

пенсия ва нафақа олувчи — пенсионер, нафақа ва бошқа тўловларни олувчи, қонуний вакил ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар суммаларини олиш ҳуқуқига (ваколатига) эга бошқа жисмоний шахс;

ахборот тизими — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади) ва Халқ банки ўртасида ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

сайёр касса — касса тармоғидан ташқарида, банкнинг махсус автомашинаси ёрдамида аҳоли яшаш жойига чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тарқатиш ҳамда коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш учун ташкил қилинган Халқ банки филиали кассаси;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истикомат учун берилган гувоҳномаси.

2. Пенсия ва нафақа олувчиларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари ва Халқ банки ҳудудий филиаллари ўртасида тузиладиган шартномалар (келишувлар) асосида сайёр кассалар томонидан етказиб берилади (топширилади).

2-боб. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш)ни ташкил қилишнинг умумий шартлари

3. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топши-

риш) ҳар ойда мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузиладиган пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларнинг тўлов қайдномаларига (бундан буён матнда қайдномалар деб юритилади) асосан амалга оширилади.

4. Қайдномалар пенсия ва нафақа олувчиларнинг яшаш жойлари бўйича жойлашган сайёр кассалар учун ҳақиқий ҳисобланади.

5. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар қайдномаларга мувофиқ ҳар ойда етказиб бериш (топшириш) даври мобайнида пенсия ва нафақа олувчиларнинг яшаш жойи бўйича шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда нақд пул шаклида топширилади.

Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни қайдномада кўрсатилмаган шахсларга ишончномасиз топшириш, шунингдек пенсия ва нафақа олувчиларга улар яшаш жойларидан рўйхатдан чиқарилгандан кейин топшириш, пул-буюм лотереялар ва бошқа маҳсулотларни пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар пуллари ҳисобидан сотиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги давлатга доимий яшаш учун кетилган кунгача тайинланган пенсия турар жойидан рўйхатдан чиққан ойнинг охиригача тўланади.

6. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва мустақил ҳаракатланиш ҳамда пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни сайёр кассалардан олиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар Халқ банки филиали томонидан бевосита уларнинг яшаш жойига етказиб берилади.

Халқ банки филиали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ҳар ойнинг йигирма еттинчи санасига қадар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва мустақил ҳаракатланиш ҳамда пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни сайёр кассалардан олиш имкониятига эга бўлмаган шахслар рўйхатини шакллантириб, тегишли Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси бўлими деб юритилади) электрон ва ёзма шаклда тақдим этади.

Пенсия жамғармаси бўлимлари ҳар ойда Халқ банки филиали томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ва мустақил ҳаракатланиш ҳамда пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни сайёр кассалардан олиш имкониятига эга бўлмаган шахслар қайдномаларига тегишли ўзгартириш киритиб боради.

Халқ банки филиаллари мазкур бандда кўрсатиб ўтилган шахслар учун пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни белгиланган муддатлардан олдин етказиб бериш (топшириш) чораларини кўради.

7. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан қайдномалар пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларнинг қуйидаги турларига мувофиқ алоҳида тузилади:

давлат пенсиялари, шунингдек зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар;

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар;

бола туғилганда бериладиган нафақалар;

дафн этишга нафақалар;

уй-жой-коммунал хизматлари тўловлари бўйича компенсация пул тўловлари;

автобензин сотиб олиш харажатлари учун пул компенсация тўловлари; пенсия ва нафақалардан алимент тўловлари;

тугатилган ташкилотлар ходимларига уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар суммалари;

бошқа тўловлар — Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқароларга ва 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланманинг ўртача қийматига тенг компенсация пул тўловлари, Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқароларга ва ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга йиллик бир йўла моддий ёрдам пуллари, 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлиги бўлган шахсларга йиллик бир марталик пул мукофотлари.

8. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) санаси ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кесимида белгиланади ва шу асосда пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар етказиб бериш (топшириш) жадвали тасдиқланади.

Пенсия ва нафақа олувчиларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар суммаси ҳар ойда уларнинг яшаш жойи бўйича ёки сайёр кассаларда пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) даврида топширилади. Бу ҳақда пенсия ва нафақа олувчига биринчи марта пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар етказиб берилганда (топширилганда) маълум қилинади.

9. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) муддатлари дам олиш ва байрам кунларига тўғри келганда, уларни тўлаш муддатидан олдин амалга оширилиши лозим.

10. Халқ банки филиали томонидан пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар уларни етказиб бериш (топшириш)нинг тасдиқланган жадвалига асосан ҳар ойнинг йигирма еттинчи санасига қадар узлуксиз етказиб берилади (топширилади), дафн этишга нафақа бундан мустасно.

11. Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлаш учун маблағларни Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаларининг тегишли ҳисобварағига ўтказди, улар кўрсатилган маблағларни талабномалар асосида Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимларига ўтказадилар.

Пенсия жамғармаси бўлимлари, ўз навбатида, келиб тушган маблағларни Халқ банки филиалларида очилган махсус ҳисобварағига ўтказадилар.

Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаси Халқ банки филиаллари томонидан пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларини етказиб бериш (топшириш) бўйича хизмат ҳақи учун маблағларни Пенсия жамғармасининг

худудий бошқармаси ва Халқ банки худудий филиаллари ўртасида имзоланган солиштирма далолатнома ва ҳисоб-фактураларга асосан ўтказиб беради.

12. Туман (шаҳар) худудида Халқ банки филиали мавжуд бўлмаган ҳолларда Пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар учун маблағлар ушбу туман (шаҳар) худудига хизмат кўрсатётган Халқ банки филиалига ўтказиб берилади.

13. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) уларнинг ҳар бир тури бўйича Халқ банки филиалининг махсус ҳисоб-варағига маблағлар келиб тушишига қараб етказиб бериш (топшириш) даврида амалга оширилади.

14. Халқ банки филиаллари ва Пенсия жамғармасининг бўлимлари ўртасида қайдномалар ва тўловлар тўғрисидаги ҳисоботларни жўнатиш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

15. Пенсия жамғармасининг худудий бўлинмалари мустақил равишда ёки Халқ банки худудий филиаллари билан биргаликда пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида ва тўғри етказиб берилишини (топширилиши) доимий мониторинг қиладилар.

3-боб. Қайдномаларни расмийлаштириш

16. Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан қайдномалар ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кесимида шакллантирилади ва Халқ банки филиалларига тўлов ойининг тўртинчи санасига қадар ахборот тизими орқали тақдим этилади.

17. Қайдноманинг варақлари ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича рақамланади. Қайдноманинг ҳар бир варағига қайднома рақами ва каср чизиғи орқали ушбу қайднома варағининг тартиб рақами ёзилади.

18. Қайдномада қуйидагилар ёзилади:

шахсий ҳисобварақ (пенсия йиғмажилди)нинг рақами;

пенсия ва нафақа олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи ва телефон рақами, паспорт серияси ва рақами;

ўтган давр учун сумма, жорий тўлов оyi учун сумма, тўланиши керак бўлган умумий сумма;

етказиб берилган (топширилган) сана, пенсия ва нафақа олувчининг имзоси, етказиб берган (топширган) шахснинг имзоси кўрсатилган ҳолда устунлар, бир операция кунда ва тўлов оyi бошидан етказиб берилган (топширилган) сумма кўрсатилган ҳолда ҳисоб сеткаси.

19. Ўтган тўлов оyiда олинмаган пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар суммаси жорий тўлов оyининг қайдномасига киритилади.

20. Кейинги тўлов оyига қайдномалар аввалги тўлов оyi қайдномалардаги барча пенсия ва нафақа олувчилар бўйича тўланган (тўланмаган)лиги тўғрисидаги маълумотлар Пенсия жамғармаси ахборот тизимига келиб тушганидан сўнг шакллантирилади.

Қайдноманинг ҳар бир варағида пенсия ва нафақаларни олувчиларнинг

сони, шунингдек етказиб берилиши (топширилиши) керак бўлган умумий сумма кўрсатилади.

21. Шакллантирилган қайдномалар Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ахборот тизими орқали Халқ банки филиалларига юборилади. Қабул қилинган қайдномалар тўғрисида маълумот Халқ банки филиали томонидан Пенсия жамғармасининг бўлимига ахборот тизими орқали юборилади.

4-боб. Халқ банки филиаллари томонидан пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) ва назоратини ташкил қилиш

22. Халқ банки филиалларида пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар тўланишини назорат қилиш Халқ банки филиалининг Пенсия ва нафақа тўловлари билан ишлаш бўлими (бундан буён матнда масъул бўлим деб юритилади) ва Якуний назорат бўлими томонидан амалга оширилади.

Масъул бўлим Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ахборот тизими орқали юборилган қайдномаларни қоғозга чоп этади.

Якуний назорат бўлими ходимлари қўйидаги вазифаларни амалга оширадilar:

ишламайдиган пенсионерлар, шунингдек нафақа олувчиларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар тўланишини текшириб бориш;

масъул бўлим фаолиятини назорат қилиш ҳамда қайдномалар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб бориш;

пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар тўланишини банк электрон базаси маълумотлари асосида кунлик мониторинг қилиб бориш;

Халқ банки филиалида амалиёт куни охирида пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар бўйича бухгалтерия ва касса ҳужжатларининг бажарилган операцияларга мослигини назоратга олиш ҳамда йиғмажилдларга тикилган ҳужжатларни текшириш;

сайёр кассалар томонидан пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) жараёни устидан ўрганишлар ўтказиб туриш;

доимий равишда мониторинг натижалари бўйича Халқ банки филиали бошқарувчисига ва Халқ банки Бошқарувига маълумотлар тақдим этиб бориш.

23. Қайдноманинг ҳар бир варағи Халқ банки филиалининг бошқарувчиси, бош бухгалтери ва масъул бўлим бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Қайдномаларни расмийлаштиришда ўчиришлар ва тузатишларга йўл қўйилмайди.

Қайдномалар ва уларга илова қилинган ҳужжатларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кесимида сайёр кассаларга жўнатишдан аввал масъул бўлим бошлиғи қайдноманинг ҳар бир варағи имзоланганини текшириши лозим.

24. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) етказиб бериш участкасининг жойлашган жойини ҳисобга олган ҳолда

пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) жадвалига мувофиқ уларни етказиб бериш (топшириш) санасида масъул бўлим қайдномалар ва уларнинг варақлари рақамларини Қайдномаларни ҳисобга олиш махсус китобига ёзади ва тегишли сайёр касса ходимига ушбу китобга имзо қўйдирган ҳолда топширади.

25. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш)да сайёр касса ходими пенсия ва нафақа олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси ва рақамини қайдномада кўрсатилган маълумотлар билан солиштиради.

Пенсия ва нафақа олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси ва рақамининг бири қайдномада кўрсатилган маълумотлар билан мос келмаган ҳолда, Халқ банки филиали томонидан Пенсия жамғармаси тегишли бўлимига ёзма ёки ахборот тизими орқали маълумот берилади.

26. Пенсия ва нафақа олувчи пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни олганда қайдномада олган санасини кўрсатади ва ўз фамилияси, исми ва отасининг исми қаршисидаги қаторга имзо қўяди.

Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар етказиб берилмаган (топширилмаган) ҳолларда, сайёр касса ходими етказиб берилмаганлик (топширилмаганлик) сабаби тўғрисида далолатнома тузади. Ушбу далолатномада пенсия ва нафақа олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар қайси ой учун етказиб берилмаганлиги (топширилмаганлиги), шунингдек етказиб берилмаганлик (топширилмаганлик) сабаби кўрсатилади.

27. Пенсия ва нафақа олувчи бошқа шахсга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома асосида пенсия ёки нафақани олиш учун ваколат бериши мумкин.

28. Ишончнома бўйича пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар биринчи марта етказиб берилган (топширилган)дан кейин, ишончноманинг асл нусхаси Халқ банки филиалида қолдирилади ва сақланади.

Бунда Халқ банки филиаллари ишончнома берган шахс томонидан ишончнома тақдим этилган санадан бошлаб ўн кун муддатда Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига Халқ банки филиалининг асосий муҳри изи ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланган ишончнома нусхасини юбориши шарт.

29. Пенсия ва нафақа олувчиларга хизмат кўрсатувчи Пенсия жамғармаси бўлими ходими ва Халқ банки филиали ходимига ишончнома орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) қатъий тақиқланади.

30. Қайднома ёки унинг айрим варақлари йўқотилган ҳолларда, сайёр касса ходимлари томонидан унинг сабабини кўрсатган ҳолда икки нусхадаги далолатнома тузилади ва Халқ банки филиалига юборилади (берилади).

31. Далолатнома асосида Халқ банкининг филиали йўқотилган қайднома ёки унинг варағи ўрнига янги қайднома ёки унинг тегишли варағини беради, унинг олд томонида «дубликат» деб ёзиб қўяди. Қайднома дублика-

тида қайднома рақами ва каср чизиғи орқали йўқотилган қайднома варағининг тартиб рақами кўрсатилади. Дубликат Халқ банки филиалининг раҳбари, масъул бўлими ходими томонидан имзоланган, шунингдек муҳр изи билан тасдиқланган бўлиши керак.

32. Халқ банки филиалида операция куни яқунлангандан сўнг масъул бўлим ходими қайдномаларнинг барча варақларини кўриб чиқади, жорий операция кунида етказиб берилган (топширилган) суммаларни ҳисоблаб чиқади ва қайднома варақларининг ҳисоб сеткасидаги биринчи жамлама устунини тўлдиради. Бунда сана ва операция куни давомида ушбу варақ бўйича етказиб берилган (топширилган) сумма, шунингдек ушбу қайдноманинг варағи бўйича тўлов ойининг бошидан бери етказиб берилган (топширилган) сумма ёзилади. Операция кунида барча қайдномалар бўйича етказиб берилган (топширилган) умумий сумма масъул бўлим ходими томонидан касса ҳужжатларига киритилади. Қайдномалар ҳисоб сеткасининг тўғри расмийлаштирилганлиги, етказиб берилган (топширилган) суммаларнинг ҳисоби ва уларнинг касса ҳужжатларидаги ёзувларга мос келиши масъул бўлим ходими томонидан кунлик текширилади.

33. Жорий тўлов ойи учун пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) тугаганда, сайёр касса ходими қайдномаларни тўлдиришда қуйидагиларни амалга оширади:

қайдноманинг ҳар бир варағидаги «Етказиб бериш санаси ёки етказиб берилмаганлик сабаби» устунда етказиб берилган (топширилган) сана (кун, ой) ёки етказиб берилмаган (топширилмаган)лик сабаби (коди)ни рақамлар билан кўрсатиш;

етказиб берилмаган (топширилмаган)лик сабаби (коди)ни мазкур Йўриқноманинг 34-бандида назарда тутилган тартибда тўлдириш;

қайдноманинг пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар етказиб берилмаганлиги (топширилмаганлиги) сабаби (коди) қўйилган ҳар бир варағида етказиб берилмаган (топширилмаган) пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларнинг сони ва уларнинг суммасини ҳисоблаб чиқиш ҳамда уларни сайёр касса ходимлари имзоси ва маҳсус штамп изи билан тасдиқлаш.

Қайдномалар сайёр касса ходими томонидан масъул бўлим бошлиғига текшириш ва имзолаш учун топширилади.

34. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар етказиб берилмаган (топширилмаган)лиги сабаб (код)лари қуйидагилардан иборат:

1 — вафот этиш;

2 — туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун кўчиб кетиш;

3 — яшаш жойида вақтинча бўлмаслик;

4 — бошқа сабаблар.

35. Етказиб берилмаганлиги (топширилмаганлиги) сабаби тўғрисидаги далолатнома қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда қайднома билан бирга сақланади ва йўқ қилинади.

36. Халқ банки филиалида қайдномалар ва ҳисоботларни расмийлаштириш масъул бўлим ходими томонидан амалга оширилади.

37. Халқ банки филиалида масъул бўлим ходими куйидагиларни текширади:

қайдномадаги барча қатор ва устунларнинг маълумотларини ҳисоблаш йўли билан тўғри тузилганлиги (ҳисоботга мувофиқ пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар сони ҳамда суммаси тўғри ҳисобланганлиги, Халқ банки филиали раҳбари имзоси ва банк муҳри изининг мавжудлиги);

ҳисоботда ёзилган етказиб берилмаган (топширилмаган) пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар сони ҳамда суммасининг қайдномалар бўйича етказиб берилмаган (топширилмаган) пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар сони ҳамда суммасига мослиги.

38. Халқ банки филиаллари ҳар куни тўланган (тўланмаган) пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар суммалари тўғрисида маълумотларни Пенсия жамғармаси бўлимига ахборот тизими орқали тақдим этадилар.

Кунлик тўланган (тўланмаган) пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар суммалари тўғрисида маълумотларни Пенсия жамғармаси бўлимига ахборот тизими орқали тақдим этиш устидан назоратни Халқ банки филиали раҳбари амалга оширади.

Тўлов оғи учун пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни топшириш (етказиб бериш) якунлангандан сўнг Халқ банки филиаллари тўланган (тўланмаган) пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар суммалари тўғрисида якуний маълумотларни, шунингдек ҳисоботларни ахборот тизими орқали Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этадилар.

39. Ҳар бир сайёр касса бўйича пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларнинг етказиб берилганлиги (топширилганлиги) тўғрисидаги ҳисобот, қайднома кузатув рўйхати ҳисоботининг битта нусхаси Халқ банки филиалида назорат учун қолдирилади.

5-боб. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни солиштириш

40. Ҳисобот оғи учун Халқ банки филиали томонидан пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) бўйича тақдим этилган ҳужжатлар (қайдномалар комплектларининг кузатув рўйхати, пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) тўғрисидаги ҳисоботлар) текширилганидан кейин Пенсия жамғармаси бўлими ҳар оғи ҳисобот оғидан кейинги оғининг еттинчи санасигача ҳисоб-китобларни солиштиради.

41. Ҳисоб-китобларни солиштириш натижалари мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ҳар оғи тўрт нусхада тузиладиган солиштирма далолатнома билан расмийлаштирилади. Солиштирма далолатномалари Пенсия жамғармаси бўлимининг бошлиғи ва бош бухгалтери, шунингдек Халқ банки филиалининг раҳбари, бош бухгалтери ва масъул бўлим бошлиғи томонидан имзоланади. Имзолар Пенсия жамғармаси бўлими ва Халқ банки филиалининг муҳр излари билан тасдиқланади.

42. Солиштирма далолатномасининг икки нусхаси Халқ банки филиалига топширилади, далолатноманинг қолган нусхалари Пенсия жамғармаси бўлимида қолади.

Бунда Пенсия жамғармаси бўлими ва Халқ банки филиали ўртасида тузилган ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасининг икки нусхасидан бирини Халқ банки ҳудудий филиалига ҳар ой ҳолати бўйича асосий фаолият ҳисоботи билан бирга юборади.

43. Ҳисобот ойининг охирида Халқ банки филиали Йўриқноманинг 34-бандида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мавжуд бўлганида етказиб берилмаган (топширилмаган) пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар бўйича суммасини Пенсия жамғармаси бўлимига қайтариши шарт.

44. Халқ банки филиалларидан олинган солиштирма далолатномалари Халқ банки ҳудудий филиали масъул бўлими томонидан ҳар ойда таҳлил қилинади, шундан сўнг Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаси ва Халқ банки ҳудудий филиали ўртасида ҳисобот ойдан кейинги ойнинг еттинчи санасига қадар тўрт нусхада мазкур Йўриқномага 3.1 — 3.4-иловалардаги шакл бўйича умумий солиштирма далолатномаси тузилади. Умумий солиштирма далолатномаси Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаси ва Халқ банки ҳудудий филиали раҳбари ва бош бухгалтери ҳамда масъул бўлим бошлиғи томонидан имзоланади, шунингдек муҳр излари билан тасдиқланади.

45. Халқ банки филиалида қоладиган қайдномалар, пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларнинг етказиб берилганлиги (топширилганлиги) тўғрисидаги ҳисоботлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

6-боб. Якуний қоидалар

46. Ушбу Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

47. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан келишилган.

Акциядорлик тижорат

«Халқ банки» Бошқаруви раиси

А. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 12 февраль

Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари фаолиятини

мувофиқлаштириш бўйича

республика кенгаши раисининг

биринчи ўринбосари

Ш. ЖАВЛОНОВ

2018 йил 12 февраль

Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинмалари орқали
ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни
ташқил этиш тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

213-Молда

— 96 —

II (823)-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2018 й.

Варақ № _____

20__ й. _____ ойи учун пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) учун
_____ -сон ҚАЙДНОМА

АТ Халқ банки _____ филиали
Ўзини ўзи бошқариш органи номи _____
Тўлов тури _____

QR код


Т/р	Шахсий ҳисоб варағи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Манзил ва телефон рақами	Паспорт (гувоҳнома) серияси ва рақами	Ўтган давр учун сумма	Жорий ой учун сумма	Тўлов учун жами	Етказиб бериш (топшириш) санаси	Олувчининг имзоси	Етказиб берилмаганлик (топширилмаганлик) (коди)	Тўловчининг имзоси
1.											
2.											
3.											
4.											
5.											
6.											
7.											
8.											
9.											
10.											
...											

Ҳисобланди: сони — ____ суммаси — _____
(рақамлар ва сўзлар билан)

Халқ банк филиали бошқарувчиси _____

Бош бухгалтер _____

Пенсия ва нафақа тўловлари билан ишлаш бўлими бошлиғи _____



M.Ū.

Ҳисобланди:
сони:
сумма:

Етказиб берилмади:
сони:
сумма:

Кассир: _____
Бухгалтер-назоратчи: _____
Пенсия ва нафақа тўловлари билан ишлаш бўлими бошлиғи: _____

Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинулари орқали
ишламайдиған пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни
ташқил этиш тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

АТ Халқ банки _____ филиали томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларнинг тўланиши тўғрисида бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармаси _____ бўлими билан _____ .201__ йил ҳолатига тузилған

СОЛИШТИРМА ДАЛОЛАТНОМА

сўмда

Т/р	Тўлов тури	Ҳисоб рақам	Молиялаштирилған маблағ миқдори	Нақд пулда тўланған маблағ миқдори	Банк хизмат ҳақи	Қайтарилған маблағ миқдори	Қолдиқ
1.	Давлат пенсиялари, шунингдек зарур иш стажига эга бўлмаған кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга берилдиған нафақалар	22632%001					
2.	Болалиқдан ногиронлиги бўлған шахсларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаған ОИВ инфекциясига чалилған шахсларга нафақалар	22632%002					
3.	Дафн этишга нафақалар	22632%003					
4.	Бола туғилганда берилдиған нафақалар	22632%004					
5.	Уй-жой-коммунал хизматлари тўловлари харажатлари бўйича компенсация пул тўловлари	22632%005					
6.	Тугатилған ташкилотлар ходимларига уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилған зарар суммалари	22632%006					
7.	Автобензин сотиб олиш харажатлари учун пул компенсация тўловлари	22632%007					
8.	Бошқа тўловлар	22632%008					
Жами:				0,00	0,00	0,00	0,00

АТ Халқ банки _____ филиали бошқарувчиси:

(М.Ў.)

АТ Халқ банки _____ филиали бош бухгалтери:

АТ Халқ банки _____ филиали Пенсия ва нафақа тўловлари бўлими бошлиғи:

(М.Ў.)

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси _____ бўлими бошлиғи:

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси _____ бўлими бош бухгалтери:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

214 «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1655-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/2 ва 3-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1655, 2007 йил 15 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 31-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 февраль,
2-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 февраль,
19-сон

Келишилган:

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2018 йил 23 февраль

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

215 Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий суд раиси

Тошкент ш.,
2018 йил 23 февраль,
11-87-сон

К. КАМИЛОВ

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 23 февраль,
20-сон

П. БОБОЖОНОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг
2018 йил 23 февралдаги 11-87,
20-сон қарорига
ИЛОВА

Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ судлар, суд процесслари ва улар иштирокчилари ҳамда яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчилари ҳамда яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

2. Алоҳида ҳолларда хавфсизликни таъминлаш чоралари қонун ҳужжатларига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

3. Ушбу Йўриқномада қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

суд биноси — судьялар, суд аппарати ходимларини доимий асосда жойлаштириш учун мўлжалланган бино ёки унга бириктирилган ҳудуд;

судга ташриф буюрувчи шахс — суд биноси ёки унинг ҳудудига вақтинча (суд мажлиси иштирокчиси сифатида, ўз ихтиёри ёки хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан) келган ҳар қандай жисмоний шахс.

4. Ўн олти ёшга тўлмаган шахслар, башарти улар суд процессида иштирок этувчи шахс бўлмасалар суд мажлиси залига киритилмайди.

5. Судга ташриф буюрувчи шахслар суд биносига шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида кириб чиқади.

2-боб. Судлар хавфсизлигини таъминлаш

1-§. Суд биноларини қўриқлашга қабул қилиш

6. Судлар хавфсизлигини таъминлаш суд биноларини қўриқлашдан иборат. Суд биноларини қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 январдаги 16-сон «Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолияти билан шуғулланишни тартибга солиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ички ишлар органларининг қўриқлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) судлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида суд биноларининг қўриқланишини ташкил этиш учун ички ишлар органларининг қўриқлаш бўлинмалари ходимларини қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича тузиладиган шартнома асосида жалб этади.

2-§. Суд биноларини қўриқлашни таъминлаш

8. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари қўриқлаш бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий қўриқлаш бошқармалари деб юритилади) Департамент билан тузилган қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича шартнома асосида суд биноларини қўриқлаш ишини ташкил этади.

9. Суд биноларини қўриқлаш ишини ташкил этиш учун ҳудудий қўриқлаш бошқармалари қўриқлашни амалга ошириш учун шахсий таркиб (бундан буён матнда қўриқлаш хизмати ходимлари деб юритилади) ажратади.

10. Қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан суд биноларини қўриқлаш кеча-кундуз амалга оширилади.

11. Қўриқлаш хизмати ходимлари қўриқланаётган суд биносини ўзига хослигини, сигнализация ва ёнғин ўчиришнинг бирламчи воситалари жойлашган жойларни ва улардан фойдаланишни билиши ҳамда уларни соз ҳолатда эканлигини мунтазам текшириб, аниқланган барча камчиликлар бўйича дарҳол суд раисига хабар бериши лозим.

3-боб. Суд биноларида ички ва кириб-чиқиш тартибини таъминлаш

1-§. Суд биносидаги ички тартиб-қоидалар

12. Суд биносида иш тартиби:

иш вақти — соат 09:00 дан 18:00 гача;

тушлик вақти — соат 13:00 дан 14:00 гача;

дам олиш кунлари — шанба, якшанба;

дам олиш ва байрам кунлари суд ходимларининг иш вақти ҳамда масъул ходимларнинг навбатчилиги суд раиси буйруғига асосан амалга оширилади ҳамда буйруқ нусхаси назорат ўтказиш пунктига топширилади.

13. Суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида трансляция қилинишига суд мажлисида раислик қилувчининг (бундан буён матнда раислик қилувчи деб юритилади) рухсати билан йўл қўйилади.

14. Суд биносига мобил телефон, аудио, фото ва видео қайд этиш воси-

талари ҳамда электрон маълумот ташувчи ва узатувчи ускуналарни раислик қилувчининг рухсатисиз олиб кириш тақиқланади.

15. Суд биносига ўқотар қурол, портловчи, захарли, радиоактив ҳамда бошқа кучли таъсир этувчи кимёвий моддалар, қўлланилиши (фойдаланилиши) атрофдагилар хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа буюм ва воситаларни олиб кириш тақиқланади, бундан конвой ва фельдъегер махсус почта хизмати ходимлари ҳамда судьянинг ўқотар қуроли мустасно.

16. Судга ташриф буюрувчи шахслар ўзлари томонидан олиб келинган суд биносига олиб кириш тақиқланган буюмларни (мобил телефон, аудио, фото ва видео қайд этиш воситалари ҳамда электрон маълумот ташувчи ва узатувчи ускуналар) суд маъмурияти томонидан махсус ажратилган жойларда қолдириб кириши ҳамда суд биносидан чиқишида ўзи билан олиб кетиши лозим.

17. Суд биносининг назорат ўтказиш пунктида хавфсизликни таъминлаш мақсадида хизмат олиб бораётган қўриқлаш хизмати ходимлари судга ташриф буюрувчилар ва уларнинг буюмларини металлдетекторлардан фойдаланган ҳолда текшириши мумкин.

18. Моддий товар бойликларини (мебель, компьютер ва х. к.) олиб кириш ва олиб чиқиш суднинг масъул ходими томонидан имзоланган махсус рухсатнома асосида амалга оширилади.

Махсус рухсатнома билан моддий товар бойликларини олиб кириш ва олиб чиқиш рухсатнома ёзиб берилган кунда бир мартаба амалга оширилади.

19. Судга ташриф буюрувчи шахслар суд биносига суднинг масъул ходимлари томонидан расмийлаштириб берилган бир марталик рухсатнома асосида кириб чиқишлари мумкин, бундан мазкур Йўриқноманинг 20, 21, 24, 25-бандларида кўрсатилган ҳоллар мустасно.

20. Суд мажлиси ўтказиладиган вақтда судга ташриф буюрувчи шахслар суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва суд мажлисига чақирилган шахсларнинг рўйхати кўрсатилган рухсатнома (бундан буён матнда рўйхат деб юритилади) асосида суд биносига киритилади.

Рўйхат судья томонидан тасдиқланади ва қўриқлаш хизмати ходимларига суд мажлиси бошланишидан олдин тақдим этилади.

Суд ходими суд мажлиси бошланишидан олдин, суд мажлисига чақиртирилган шахсларни рўйхат асосида суд биносига олиб киради.

21. Судга чақирув қоғози билан чақирилган шахслар чақирув қоғози асосида суд биносига киритилади.

22. Суднинг чақирув қоғози бўлмаган ёки рўйхатга киритилмаган шахслар суд биносига бир марталик рухсатнома асосида киритилади.

23. Бир марталик рухсатнома, рўйхат ҳамда судга чақирув қоғози судга ташриф буюрувчи шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати кўрсатилганда ҳақиқий ҳисобланади.

Судга ташриф буюрувчи шахс суд биносидан чиқаётган вақтда бир марталик рухсатномани қабул қилган мансабдор шахснинг имзоси билан тасдиқлатиб, қўриқлаш хизмати ходимига топширади.

24. Судга ташриф буюрувчи шахслар очиқ суд мажлисига шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киришлари мумкин.

25. Қўйидаги шахслар суд биносига назорат ўтказиш пункти орқали хизмат гувоҳномасини очиқ ҳолда кўрсатган ҳолда кириш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг масъул ходимлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман);

вазирликлар ва давлат қўмиталарининг раҳбарлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва ҳудудий бўлимларнинг масъул ходимлари;

судьялар ва суд ходимлари;

фельдъегер хизматининг махсус алоқа ходимлари.

26. Суд биносига қўйидаги шахслар киритилмайди:

катта ҳажмли сумка, чемодан, кути, тугун ва ҳайвонлар билан кириш истагини билдирган шахслар;

қўл юкини кўриқдан ўтказиш ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатишдан бош тортган шахслар;

спиртли ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида бўлган шахслар.

4-боб. Суд процесси хавфсизлигини таъминлаш

27. Суд процесси хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

28. Суд процессини ўтказишда тўсқинликлар вужудга келиши эҳтимолини тасдиқловчи асослар мавжуд бўлганида раислик қилувчи ёки суд раиси суд мажлиси ўтказилишига камида уч кун қолганда, суд процесси хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларига ёзма хабарнома жўнатади.

29. Туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари суднинг ёзма хабарномасини олганидан сўнг, хабарномада кўрсатилган муддатларда суд процесси хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш учун ходимлар ажратади.

30. Суд процесси хавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар органи ходимлари томонидан қуйидаги чоралар амалга оширилади:

раислик қилувчи ёки суд раиси билан келишувга биноан суд мажлиси хонаси ва маслаҳатхона хавфсизлиги таъминланади;

суд мажлисидан олдин суд мажлиси хоналари ва маслаҳатхона уларда эгасиз ашёлар, ёнувчи, портловчи, заҳарловчи ва бошқа хавфли буюмларни аниқлаш юзасидан текширилади;

ташқи кўриниши ёки юриш-туришидан шубҳа туғдирувчи шахслар текширилади.

31. Суд мажлиси вақтида хавфсизликни таъминлаш учун жалб этилган ички ишлар органи ходимлари доимий равишда суд мажлиси залида бўлади. Суд мажлиси залини тарк этиш фақатгина раислик қилувчининг руҳсати билан амалга оширилади.

32. Ички ишлар органи ходимлари суд процесси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида раислик қилувчининг фармойишига асосан суд мажлисида тартибни бузган шахсларни суд мажлиси залидан чиқариб юборади.

33. Суд процессида хавфсизликни таъминлашда ички ишлар органи ходимлари раислик қилувчи ёки суд раисининг суд мажлиси вақтида ва суд биносида тартибни таъминлаш билан боғлиқ бўлган фармойишига бўйсунishi ва суд мажлисида жамоат тартибини таъминлаши шарт.

34. Зарур ҳолларда, ички ишлар органи ходимлари раислик қилувчи ёки суд раисининг фармойишига асосан суд девонхонасидан суд мажлиси ўтказиладиган жойга ёки судья хонасига суд ишлари ва ашёвий далиллар етказиб берилишида уларнинг қўриқланиши ва сақланишини таъминлайди.

35. Ички ишлар органи ходимлари суд мажлиси якунида қилинган ишлар, суд раиси ёки раислик қилувчи томонидан келиб тушган кўрсатмалар, шунингдек суд залидаги барча ҳодисалар ва кўрилган чоралар ҳақида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига ёзма ҳисобот тақдим этади. Ички ишлар органи ходимларининг суд мажлиси якунланганлиги ҳақидаги ёзма ҳисоботи суд раиси ёки раислик қилувчи томонидан имзоланади.

5-боб. Суд процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш

1-§. Хавфсизлик чораларини қўллаш асослари ва тартиби

36. Суд процесси иштирокчилари, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг (бундан буён матнда қўриқланаётган шахслар деб юритилади) ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриш тўғрисидаги ёзма топшириғи асосида ички ишлар органлари томонидан уларнинг хавфсизлиги таъминланади.

37. Суднинг ёзма топшириғида қўриқланаётган шахсларга нисбатан қўлланилаётган аниқ хавфсизлик чоралари ва уларни амалга ошириш вақтлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Бунда ички ишлар органи хавф таҳдид солаётган қўриқланаётган шахс-

ларга доир ишидаги маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тутилган хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатларидан хабардор этилиши зарур.

38. Қўриқланаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўриш тўғрисидаги суднинг ёзма топшириғи туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига, нусхаси қўриқланаётган шахсга юборилади.

39. Ички ишлар органлари суднинг ёзма топшириғини олиши билан дарҳол қўриқланаётган шахсларга нисбатан хавфсизлик чораларини кўришлари шарт.

40. Ички ишлар органларининг ўз ваколатлари доирасида қўриқланаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қабул қилинган қарорлари қўриқланаётган шахслар томонидан ўз вақтида бажарилиши шарт.

41. Қўриқланаётган шахсларга таҳдид солаётган хавф бартараф этилганда ёки хавфсизлик чораларини бекор қилиш учун бошқа асослар вужудга келганда суд томонидан ички ишлар органлари бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади. Ушбу хабарнома туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига, нусхалари эса қўриқланаётган шахсларга юборилади.

2-§. Қўлланиладиган хавфсизлик чоралари

42. Қўриқланаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилиш мақсадида қуйидаги хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин:

қўриқланаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш — қўриқланаётган шахсларнинг розилиги билан уларнинг шахси, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари, яшаш жойи ва улар ҳақидаги бошқа маълумотларни беришга вақтинчалик чеклов қўйиш;

қонунда белгиланган тартибда ёпиқ суд мажлисини ўтказиш;

шахсни, уй-жой ва мол-мулкни ҳимоя қилиш.

Қўриқланаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкига етказилиши кутилаётган зарарнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, бошқа ўзига хос хавфсизлик чоралари қўлланилиши мумкин.

43. Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқотар қурол берилади.

Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

6-боб. Яқуний қоида

44. Мазкур Ўқриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

216 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
академик лицейларига ўқишга кираётган ўқувчилар-
ни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2982*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академик лицейларининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кираётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 12 февраль,
12-сон

П. БОБОЖОНОВ

Соғлиқни сақлаш вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 12 февраль,
3-сон

А. ШАДМАНОВ

**Касб-хунар таълими
маркази директори**

Тошкент ш.,
2018 йил 12 февраль,
2/ққ-сон

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
хамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Касб-хунар таълими марказининг
2018 йил 12 февралдаги
12, 3, 2/ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқишга кираётган ўқувчиларни тиббий
кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академик лицейларининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига (бундан буён матнда академик лицейлар деб юритилади) ўқишга кираётган ўқувчиларни (бундан буён матнда ўқувчилар деб юритилади) тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг тиббиёт бўлимларидаги (бундан буён матнда тиббиёт бўлимлари деб юритилади) ҳарбий-тиббий комиссиялар (бундан буён матнда ХТК деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

2. ХТК таркиби тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

3. ХТК фаолиятига услубий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тиббиёт бошқармасида ташкил этиладиган Марказий ҳарбий-тиббий комиссияси (бундан буён матнда МХТК деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

4. Назорат қилиш тартибида қайта тиббий кўрик ёки ХТК қарорини қайта кўриб чиқиш МХТК томонидан амалга оширилади.

2-боб. Ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш

5. Ўқувчилар бирламчи ва якуний тиббий кўрикдан ўтказилади.

6. Тиббий кўрик мазкур Низомнинг 1-илоvasида келтирилган услубий кўрсатмалар асосида ўтказилади.

7. Тиббий кўрик даврида академик лицейларда ўқишга тўсқинлик қилувчи

касалликлар ва жисмоний нуқсонлар (бундан буён матнда касалликлар ва жисмоний нуқсонлар деб юритилади) мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ аниқланади.

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар мазкур Низомнинг 3-илоvasида кўрсатилган касалликлар ва жисмоний нуқсонларни қўллаш бўйича изоҳлар ёрдамида аниқланади.

8. Бирламчи тиббий кўрикда ўқувчининг шикоятлари, соғлиги ҳолати ҳақидаги амбулатор беморнинг тиббий картаси (025 ҳ.ш.), ўқувчи ва унинг ота-онаси ҳақидаги асосий анамнестик маълумотлари (касалликлари, жароҳатлари, ривожланиши, феъл ва хулқ-атвори) ўрганилади ҳамда мазкур Низомнинг 4-илоvasидаги рўйхатда белгиланган тиббий таҳлиллар ва текширувлар асосида ўқувчилар лаборатор-инструментал текширувлардан ўтказилади.

Ўқувчи ва унинг ота-онаси соғлиги ҳолати ҳақидаги амбулатор беморнинг тиббий картаси (025 ҳ.ш.) ҳамда асосий анамнестик маълумотлар ХТК томонидан ўқувчи рўйхатда турадиган жойидаги тиббиёт муассасаларидан сўраб олинади.

9. Бирламчи тиббий кўрик даврида ХТК томонидан ўқувчига мазкур Низомнинг 5-илоvasига мувофиқ шаклдаги ўқувчини тиббий кўриқдан ўтказиш картаси расмийлаштирилади.

Ўқувчини тиббий кўриқдан ўтказиш картаси ХТКнинг раиси имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

10. Бирламчи тиббий кўрик натижасига кўра ўқишга киришга яроқсиз деб топилган ўқувчилар якуний тиббий кўриқка қўйилмайди.

11. Якуний тиббий кўрик ўқувчининг соғлигида бирламчи тиббий кўриқдан кейинги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

12. Тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида ўқувчилар заруратга қараб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари тасарруфидаги тиббиёт муассасаларининг ихтисослашган соҳалари бўйича мутахассис шифокорлар кўригига тиббий маслаҳат ва текширув учун юборилиши мумкин.

Мазкур тиббий маслаҳат ва текширув натижалари ушбу Низомнинг 6-илоvasига мувофиқ шаклдаги ўқувчининг соғлиги ҳолатини текшириш даволатномасига қайд этилади.

Ўқувчиларнинг амбулатор шароитдаги тиббий текшируви қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Якуний тиббий кўрик натижалари ўқувчини тиббий кўриқдан ўтказиш картасига илова қилинади.

14. Тиббий кўриқдан ўтказишда иштирок этган ҳар бир мутахассис шифокор ўз йўналиши бўйича тиббий кўриқни амалга оширади ва тиббий хулоса беради.

15. ХТК ўқувчининг саломатлиги тўғрисидаги барча зарур маълумотлар ва унинг жисмоний ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ўқувчини ўқишга яроқли ёки яроқсизлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

16. ХТКнинг якуний қарори ХТКнинг барча мутахассис шифокорлари кўриги ва тиббий текширувлари натижаси асосида чиқарилади, бундан ХТКнинг барча мутахассис шифокорлари кўриги ва тиббий текширувлари тўлиқ ўтказилмасдан касаллик ва жисмоний нуқсон аломатлари аниқланган ҳолатлар мустасно.

17. ХТКнинг тиббий кўрик бўйича натижалари ўқувчининг ўқишга яроқлилиги ёки яроқсизлиги ҳақидаги қарори қабул қилингандан кейин, бу ҳақда мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ маълумотнома расмийлаштирилади ва ушбу маълумотнома тегишли академик лицейларга ўқишга қабул қилиш комиссияларига юборилади.

18. Тиббий кўрик натижалари ХТКнинг хулоса ва қарорларини қайд қилиш китобига ҳамда ўқувчининг тиббий кўриқдан ўтказиш картасига киритилади.

ХТКнинг хулоса ва қарорларини қайд қилиш китоби комиссия раиси, комиссия аъзолари ва котиби томонидан текширилади ва имзоланади.

19. Ўқувчилар ХТКнинг қароридан норози бўлган тақдирда МХТКга ёки судга муурожаат қилишга ҳақли.

3-боб. Якуний қоидалар

20. ХТК тиббий кўрик тугагандан кейин 10 иш куни ичида тиббий кўрик натижалари бўйича МХТКга ҳисобот тақдим этади.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги академик лицейларига ўқишга
кираётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Тиббий кўрик вақтида текширувларни ўтказиш бўйича УСЛУБИЙ КўРСАТМАЛАР

1-боб. Умумий қоидалар

1. Тиббий кўриқдан ўтувчиларнинг (бундан буён матнда ўқувчи деб юритилади) яроқлилиқ даражасини аниқлашда касаллик ёки жисмоний нуқсон хусусияти, уларнинг ривожланиш даражаси, ўқув жараёни хусусиятлари ва шароити инobatга олинishi керак.

2. Тиббий кўриқ кундуз куни, махсус ажратилган, ёруғ, илиқ ва кенг хоналарда ўтказилади. Кундузги ёруғликдан фойдаланишнинг имкони бўлмаган ҳолларда тиббий кўриқ мутахассис шифокорларнинг фаолияти учун

етарли даражада сунъий ёритилган хоналарда ўтказилиши керак. Ҳар бир мутахассис шифокорга алоҳида хона ажратилади.

Ўқувчиларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланишини объектив баҳолаш учун уларнинг соғлиги юзасидан шикоят қилиш ёки қилмаслигидан қатъи назар, мақсадли йўналтирувчи саволлар бериш, субъектив аниқланмаган ва яширин касаллик мавжудлиги ёхуд касалликни яширишга, унинг аҳамиятини камайтиришга, шунингдек касаллик мавжудлиги ҳақида нотўғри маълумот берилиши мумкинлигига эътибор қаратилиши лозим.

Ўқувчиларда ятроген касалликларини келтириб чиқармаслик учун тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида шифокорлик одоб қоидаларига (деонтологияга) риоя қилиниши керак.

3. Тиббий кўрик лаборатор-инструментал, рентген-флюорографик, ультратовуш текшируви, фиброгастроскопия ва заруратга қараб бошқа замонавий клиник текширув усулларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Тиббий кўрик вақтидаги текширувларда қўлланиладиган усуллар бошқа тиббий кўрик усуллари (масалан, вестибулометрия), шунингдек офтальмолог томонидан қўлланиладиган мидриатиклар, миотиклар ва бошқа анестетикларнинг таъсири нерв ва юрак-қон томир тизимларини текшириш ишлари ўтказилишида қийинчиликлар туғдириши мумкинлиги инобатга олинади.

Тиббий кўрик жараёнида эътиборни фақат касаллик хусусияти ва жисмоний камчиликларни аниқлашга қаратмасдан, касаллик даражасини ва касалланган аъзолар фаолиятининг компенсатор имкониятларини аниқлаш ҳамда организмнинг мослашиш қобилятини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу маълумотларнинг барчаси мутахассис шифокор хулосасида акс эттирилиши зарур.

4. Тиббий кўрикдан ўтаётган ўқувчининг турмуш шароити, аниқланган жисмоний нуқсон ва касалликнинг хусусияти, ифодаланиши, функционал ўзгаришлар, касалликнинг компенсацияси индивидуал тарзда инобатга олиниб, ўқишга яроқли ёки яроқсизлик даражаси баҳоланиши керак.

Ўқувчиларга ўқишни давом эттиришга яроқлилиги бўйича индивидуал баҳо берилётганда унинг соғлигидаги ўзгаришлар даражасини ҳамда касалланган аъзо ва тизимнинг, умуман организмнинг функционал мослашувчанлиги қай даражада эканлиги ҳарбий-тиббий комиссия томонидан аниқланиши зарур.

5. Саломатлик ҳолати бўйича меъёрий кўрсаткичлардан четга чиқиш ҳолатига шубҳа қилинганда, аниқланган ўзгаришларга мувофиқ чуқурлаштирилган текширувлар ўтказилиши ва тегишли соҳа мутахассис шифокорларининг маслаҳат кўригидан ўтказиш лозим.

Агар амбулатор шароитда ўтказилаётган текширувда диагноз ноаниқ бўлса ёки шубҳа уйғотса, ўқувчи стационар текширувга юборилади.

6. Тиббий кўрикда олдинги шифокорлик кузатувларидаги маълумотлар инобатга олиниб, муайян режага риоя этилган ҳолда қабул қилинган клиник усуллар бўйича ўтказилиши зарур. Шифокорлик текшируви бир-бирини тўлдирадиган қуйидаги усуллар:

сўраб билиш;
кўздан кечириш;

кўшимча (рентгенологик, лаборатория, инструментал ва бошқа) текшириш усулларини қўллаш орқали амалга оширилиши керак.

7. Эксперт хулосаси ўқувчининг ҳаётига оид ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда аниқ қўйилган диагнозга асосланган бўлиши зарур. Касалликнинг келиб чиқиши аъзоларда, тизимларда ёхуд организмда рўй берган морфологик ва функционал ўзгаришлар натижасида аниқланган диагнозда ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Касаллик этиологиясини аниқлаш тўғри диагноз қўйиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Этиологик омил сезиларли даражада патологик жараённинг динамикасини, морфологик ўзгаришларнинг хусусиятини, айрим аъзо ва тизимлардаги функционал бузилишлар даражасини аниқлаб беради.

8. Тиббий кўрик ўқувчи ўзини қандай ҳис қилаётганлигини сўрашдан, яъни текширув даврида вужудга келган ва унинг соғлиғига салбий таъсир этувчи ҳолатлар, қаттиқ чарчаш, уйқусизлик, стресс ва шунга ўхшаш ҳолатларни аниқлашдан бошланиши керак. Салбий таъсир этувчи ҳолатлар борлиги аниқланганда, тиббий кўриқдан ўтказишни бошқа вақтга кўчириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ҳолатлар мавжуд бўлмаса, батафсил сўраб-суриштириш орқали турли сезгиларни, айниқса оғриқни сезиши, унинг интенсивлиги, узлуксизлиги, жойлашиши, қанча вақт давом этиши, бошланиш ва тугаш тезлиги, пайдо бўлиш вақти, турли ички ва ташқи муҳит омиллари билан боғлиқлиги, турли фармакологик воситаларнинг ушбу сезгилар (оғриқлар)га таъсирини аниқлаш зарур. Ўқувчилар шикоятлари, шунингдек сўраб-суриштириш йўли билан пассив шикоятлари аниқланади, аъзоларнинг асосий фаолияти, айрим аъзолар ва тизимлар фаолияти тўғрисида маълумот тўпланади. Шундан сўнг турмуш ҳамда касаллик анамнези ўрганилади.

Тиббий кўриқда анамнезга етарли даражада баҳо берилмаслиги касаллик диагнози ногўғри қўйилишига олиб келиши мумкин.

Мутахассис шифокор ўқувчи билан суҳбат вақтида унинг туғилган ва яшаш жойи, турмуш шароити, овқатланиши, спорт билан шуғулланиши, ирсий касалликлари ва бошқа омиллар тўғрисидаги саволларга жавоб олиши керак.

Тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчига оид хусусиятлар тўғрисида олинган умумий таассурот, ўзини тутиши, ҳаракат реакциялари, имо-ишоралари, гапириши ва бошқа хатти-ҳаракатлари мутахассис шифокор томонидан ўтказилган кузатувлар билан тўлдирилиши лозим.

Тиббий кўрик пайтида мутахассис шифокор томонидан олиб борилган кузатувлар, ўтказилган бошқа текширув натижалари таҳлили эксперт хулосасини чиқариш учун асос ҳисобланади.

9. Тиббий кўриқнинг батафсил сўров ишлари билан қўшиб олиб борилиши оғриқлар қай даражада намоён бўлаётганлиги ва хусусияти ҳамда улар ўқувчининг меҳнат қобилияти пасайишида қандай ўрин тутаётганлигини аниқлашда ёрдам беради. Даволовчи шифокорлар томонидан олиб

борилган кузатувлар ҳам оғриқлар келиб чиқишини аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

10. Аъзо фаолиятининг етишмовчилиги шартли равишда уч даражага: биринчи (бошланғич) — енгил даража; иккинчи — ўртача даража; учинчи — оғир даражага бўлинади.

Касалланган тизимнинг етишмовчилик даражаси унинг жисмоний ёки рухий зўриқишга бўлган реакциясига қараб белгиланади.

11. Сурункали касалликларда ривожланиш даражаси инobatга олиниб, патологик жараён учта босқичга бўлинади. Ҳар бир босқич ифодаланган субъектив сезгилар, морфологик ўзгаришлар ҳамда турли аъзо ва тизимлар фаолиятининг муайян ҳолати билан фарқланади.

Касаллик босқичини аниқлаш учун аъзо ва тизимлардаги зарарланиш босқичлари инobatга олинган ҳолда ҳар бир босқични аниқ ифодалаш учун бемор чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиши ҳамда аъзолар ва касалликнинг клиник кўриниши таҳлил қилиниши лозим. Ўқувчининг ўқишга яроқлилиги масаласи ҳал қилинаётганда, касаллик босқичини аниқлашдан ташқари касалликнинг кечиш тезлиги, қайталаниши, оғирлик босқичи ва асоратлари мавжудлиги инobatга олиниши зарур.

12. Ўқувчининг ўқишга яроқлилигини баҳолашда аниқланган касалликнинг турли босқич ва шакллари ҳамда касаллик аломатларининг намоён бўлиши, ифодаланиши, прогнози, шикастланган аъзо, умуман, бутун организмнинг функционал ҳолатига, шунингдек ўқиш шароити ва хусусиятига боғлиқлиги инobatга олинади.

13. Диагнослар текширув ўтказилаётган кунда амалда бўлган Халқаро касалликларнинг таснифига мувофиқ ифодаланиши, унда касалликнинг келиб чиқиши ва патогенези, касалликнинг шакллари, клиник-морфологик ўзгаришлар, функционал бузилишларнинг хусусияти ва даражаси, компенсация даражалари ёки тиббий кўрикдан ўтиш кундаги касаллик босқичлари акс эттирилиши, касалликлар оғирлик даражасини инobatга олган ҳолда кетма-кетликда ёзилиши лозим.

Диагнозда кўрсатилган терапевтик ёки жарроҳлик муолажаларининг барча турлари кўрсатиб ўтилиши керак. Бунда дастлаб асосий касаллик (жароҳатланиш) кўрсатилади, кейин эса қўшимча аниқланган касалликлар (жароҳатланиш) ва асосий касаллик билан этиопатогенетик жиҳатдан боғлиқ бўлган касалликлар ёзилади, шунингдек бошқа барча қўшимча касалликлар кўрсатиб ўтилади.

14. Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалида касаллик ҳолатининг барча турлари ва шакллари кўзда тутилади ҳамда касалликлар динамикаси тўлиқ ҳолда баён этилмайди.

2-боб. Руҳий ҳолатни текшириш

15. Психиатр-шифокор тиббий текширувининг асосий вазифаси руҳий касаллик ва руҳий касалликка чегарадош ҳолатлар билан касалланганларни

аниқлаш, шунингдек ўқувчилар руҳий касаллигининг дастлабки ҳолатларини эрта аниқлаш, уларни даволаш учун махсус даволаш муассасаларига ўз вақтида юбориш ҳамда ўқишга яроқли ёки яроқсизлиги тўғрисида ҳулоса чиқаришдир.

16. Тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчи танасининг тери қисмига туширилган турли сурат ва ёзувлар (татуировкалар) аниқланган тақдирда, уларнинг келиб чиқиши, маъноси, хусусияти ва ҳажми ҳисобга олинган ҳолда ҳулоса чиқарилади.

Ўқувчи томонидан қасддан ўзига етказилган тан жароҳати аломатлари аниқланганда, унинг ўқишга яроқсизлиги ҳақида ҳулоса чиқарилади.

17. Ўқувчининг руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлашда унинг ўзи билан ўтказилган суҳбатга асосланилади. Яшаш, ўқиш жойидаги даволаш муассасаларидан, психоневрологик ва наркологик диспансерлардан олинган ҳужжатларда мавжуд бўлган ўқувчининг болалигидаги ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари, ўтказган касалликлари, жароҳатлари, дудуқланиш борлиги ёки йўқлиги, уйқусираб ўрнидан туриб юриши, ваҳима босиш ва бошқа руҳий ҳолатлари ҳақида маълумотларга эътибор қаратиш зарур.

Ўқувчи билан суҳбат вақтида унинг ташқи кўриниши, юзининг ифодаси, имо-ишоралар билан гапириши, юриши, ўзини тутиши каби хусусиятларига, ҳаракатларига, адекват реакциясига, мутахассис шифокор билан ўтказилаётган суҳбатга бўлган муносабатига (тафаккури даражасига, суҳбатлашишга фаол интилаётганлиги ёки суст равишда бўйсуниб ўтиришига, суҳбатдан ўзини олиб қочишга ёки умуман суҳбатдан бош тортишга ҳаракат қилишига, фикрларининг чекланган, чекланмаганлигига, суҳбатга мойиллигига) эътибор бериш лозим.

Объектив, анамнестик маълумотларнинг йўқлиги тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчининг соғлиги тўғрисидаги ҳар бир қўшимча ахборот манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этиб, яқуний эксперт қарори қабул қилинишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундай манба сифатида яшаш, ўқиш жойидаги тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотлар, психоневрологик диспансер маълумотлари, қўшимча тиббий текширувлар (психофизиологик, нейрофизиологик электроэнцефалограмма ва бошқалар) вақтида олинган маълумотлар муҳим ўрин тутишига эътибор қаратилади.

Тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчининг психоневрологик ва наркологик муассасалар кузатувида туриши ёки турмаганлиги тўғрисида ушбу муассасалардан маълумотлар олинади.

Тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчи ўзи яшаш жойини тез-тез ўзгартириб турган ҳолларда, маълумотларни психоневрологик ва наркологик диспансерлардан сўнги беш йиллиги сўраб олинади. Психоневрологик стационарда текширув ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар аниқланган ҳолларда ушбу стационардан касаллик тарихининг батафсил кўчирмаси сўраб олинади.

18. Тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчилар анамнезида руҳий касалликлар ўтказганлиги ҳақидаги маълумотлар аниқланган ҳолларда, ўқишга яроқсиз деб топилади.

19. Тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчига нисбатан шифокор-психиатр хулосаси фақат амбулатор текширув маълумотлари бўйича чиқарилади, заруратга қараб улар текшириш ва диагнозни тасдиқлаш учун психоневрологик муассасаларга юборилишлари мумкин.

20. Тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчида аниқланган рухий ёки чегарадош касалликлар диагнози ўқувчининг кейинги ижтимоий мавқеига таъсир қилмаслиги учун, ушбу маълумотлар фақат ўқувчини тиббий кўриқка юборган ички ишлар органларининг кадрлар бўлимига юборилиши лозим. Ўткир психоз ҳолатларида, соғлиқни сақлаш муассасаларига даволаниш учун керакли маълумотлар берилди. Ушбу маълумотлар бошқа шахсларга берилиши тақиқланади.

21. Рухий касалликка чалинган ва рухий касалликка чегарадош бўлган ҳолатлар аниқланган тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчилар ихтисослаштирилган даволаш муассасасига ётқизиблиб, стационар текширувдан ўтказилгандан кейин психоневрологик кўриқдан ўтказилади.

3-боб. Асаб тизимини текшириш

22. Тиббий кўриқ вақтида невролог-шифокор органик зарарланиш оқибатида асаб тизимида рўй берган ўзгаришларни аниқлашга, зарарланишнинг чегараланган, тарқоқ ёки диффуз тарзда эканлигини аниқлашга, вегетатив зарарланишлар мавжудлигини аниқлашга, касалликнинг кечиш хусусиятини баҳолашга, кучайиб бораётган, қайталанаётган касаллик оқибатларига ёки турғун турган, қолдиқ кўринишларига, функционал бузилишларнинг ифодаланиш даражасини аниқлашга, неврологик симптомларнинг биргаликда келишига, ички аъзолар фаолиятининг бузилганлиги билан боғлиқлигини аниқлашга эътибор бериши керак.

23. Клиник-неврологик текширув тиббий ҳужжатлар билан танишиб, шикоятлар аниқланганидан, умумий анамнез тўпланганидан сўнг амалга оширилади.

Умумий анамнезни аниқлаш вақтида ота-онаси, ака-укалари ва опа-сингилларнинг соғлиғига, наслий ва оилавий анамнезига, оилада юқумли касалликлар (захм, сил ва бошқалар), интоксикациялар, асаб касалликларига чалинганлар бор-йўқлигига эътиборни қаратиш лозим.

24. Неврологик текширувдан ўтувчиларнинг мушакларидаги атрофия, баданидаги кесилган жароҳатлар, чандиқ жойлар, теридаги трофик ўзгаришлар, юриш-туришидаги ва тана тузилишининг ўзгаришларига тўғри баҳо бериш учун тиббий кўриқдан ўтказилишлари керак.

25. Бош-мия нервларини текшириш вақтида, энг аввало, кўз қорачиғига эътибор қаратилади. Қорачиқнинг шакли ва катталиги, нурга (тўғридан ва ён атрофдан тушган нурга) бўлган таъсирланиши, конвергенция ва аккомодация вақтидаги ҳолатлари текширилади. Алоҳида бир симптом сифатида кўз қорачиғининг катталиги ҳар хил бўлиши (анизокория) асаб тизимининг органик касаллиги аломати ҳисобланмайди. Бу ҳол туғма аномалиянинг,

симпатик иннервациянинг нотекислиги ва бошқа ҳолатларнинг оқибати бўлиши мумкин.

Кўз қорачиғининг деформацияси асаб тизимида органик жароҳат бор деган шубҳа туғдириши керак, бироқ кўз қорачиқларининг реакциялари нормал ҳолатда бўлса, бундай деформациянинг аҳамиятини органик симптом сифатида ҳаддан ташқари ошириб юбормаслик лозим. Кўз қорачиғи реакцияларидаги ўзгаришлар кўп ҳолларда марказий асаб тизимидаги органик касаллик аломати ҳисобланади ва шунинг учун кўз қорачиғи реакцияларини текшириш ишлари чуқур, нур манбаи етарли даражада интенсив бўлган шароитда ўтказилиши керак.

Кўз қорачиқларининг аккомодация билан конвергенцияга реакцияси текширилаётган вақтда бир қорачиқнинг қисқариши иккинчи қорачиқ қисқариши билан таққослаб кўрилиши лозим. Кўз қорачиғи реакцияларини текшириш вақтида кўз қорачиқларининг нурга, конвергенцияга ва аккомодацияга бўлган реакциясидаги фарқларга эътибор қаратилади.

Ушбу ҳолатда нафақат кўз қорачиқлари реакциясидаги кўпол бузилишлар (Арчайль-Робертсон симптоми, кўз қорачиғининг реффлекторли ҳаракатсизлиги, конвергенцияга ва аккомодацияга реакциянинг йўқлиги), балки анча нозик бузилишлар (бир кўз қорачиғи реакциясининг бошқа кўз қорачиғи реакциясига нисбатан фарқи, реакциянинг конвергенция ва аккомодацияга нисбатан сустлиги) ҳам аҳамият касб этади.

Кўз қорачиғи реакцияларида ўзгаришлар аниқланган ҳолатларда ҳаракат соҳасининг рефлекслари, сезувчанлиги ва ҳоказолар пухтароқ текширилиши лозим.

Кўз қорачиқлари текшириб бўлинганидан кейин, кўзларнинг ҳолати, гилайлик бор-йўқлиги, кўз ковоқлари тирқишининг кенглиги, кўз соққасининг ҳаракати, диплопия (иккита кўриш) ва нистагмга эътибор берилади.

Гилайлик ҳар доим ҳам кўзни ҳаракатга келтирувчи нервлар жароҳатланганини кўрсатавермайди, гилайлик туғма камчилик бўлиши ёки кўриш аномалиялари сабабли вужудга келиши мумкин. Кўз соққаси ўта ёнға қаратилганда унда айрим нистагмга ўхшаш титрашлар ҳосил бўлиши асаб тизимининг органик жароҳати деб ҳисобланмаслиги керак, аммо ҳар бир нистагмга ўхшаш ҳолатларга алоҳида эътибор беришни ҳамда тиббий кўрикдан ўтаётган ўқувчини неврологик жиҳатдан яна ҳам чуқурроқ текширишни талаб қилади.

Мазкур бандда назарда тутилган текширувлар ўтказилгандан кейин қолган бош мия нервларининг фаолияти текширилади. Юздаги сезгирликнинг ҳар хил турлари, пастки жағ ҳаракатлари, чайнашда қатнашувчи мускулларнинг зўриқиши, корнеал ва конъюнктив рефлекслари, бурун-лаб орасидаги тери бурмаларнинг ифодаланганлиги, тиш оқини кўрсатиши, қошларни чимириши, кўзларни қисиши, пешонани тириштириши (алоҳида симптом сифатида, бурун-лаб тери бурмаларининг озгина ассиметрик шаклда бўлиши аҳамият касб этмайди), юмшоқ танглайнинг ҳаракатчанлиги, ютиниш, фонация (овоздаги ўзгариш), юмшоқ танглай рефлекси, трапециясимон ва тўш-ўмров-сўргичсимон мушакларининг ҳолати ва кучи, елканнинг

қўтарилиши, бошнинг бурилиши, тилнинг ҳаракати (алоҳида бир симптом сифатида тилнинг ён томонга бурилиб кетиши асаб тизими зарарланганлигини ифодаловчи кўрсаткич деб қабул қилинмайди) текширилади.

Тилдаги фибрилляр титраш ва атрофия ҳолатлари алоҳида симптом сифатида органик касаллик аломати ҳисобланмайди.

Кўриш нервининг фаолияти офтальмолог, эшитиш нервининг фаолияти эса оториноларинголог томонидан текширилади.

26. Ҳаракат соҳасини текшириш вақтида оёқ ва қўлларнинг фаол ва суст ҳаракатланиши, умуртқа поғонаси ҳаракати, мушаклар кучи, уларнинг тонуси, мушаклар атрофияси, унинг тарқалганлиги ва ифодаланиши, фибрилляр ва фасцикуляр қисқаришлар, мушак ва нервларнинг механик қўзғалувчанлиги (Хвостек ва Труссо симптомлари), синкинезиялар, гиперкинезлар, қалтираш, хорая, атетоз, торзион спазмлар, тиклар (тана аъзоларининг титраши ва бошқалар), акинезияга эътибор қаратилади.

Ҳаракатлар координациясини текширишда бармоқ-бурун, товон-тизза, кўрсаткич бармоқ синамалари қўлланилади, диадохокинез, Ромберг ҳолатида барқарор туриш ҳамда текширилаётганнинг юришига эътибор қаратилади.

Кўзлар юмилганда қовоқларнинг, тилнинг, узатилган қўл бармоқларининг титрашига эътибор берилади. Нутқдаги бузилишлар (сўзларни тўлиқ талаффуз қилмаслик, димоғ билан гапириш, дизартрия, дудуқланиш, афоник ўзгаришлар) тиббий кўрикдан ўтаётган ўқувчи билан суҳбат ва сўраб-суриштириш жараёнида аниқланади.

Асаб тизимининг айрим органик касалликлари пайлардаги рефлексларнинг ўзгаришлари билан кечади, шу сабабли уларни диққат билан текшириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Тиббий кўрик жараёнида карпо-радиал (переостал), қўл тирсакдан букилган (икки бошли мушакларда), қўл тирсакдан ростланган (уч бошли мушакларда), тизза ва ахилл пайи, қорин, мойк, товон рефлекслари текширилади, патологик рефлекслар (Бабинский, Россолимо, Бехтерев, Оппенгейм ва бошқалар, оғиз мушаклари-назолабиал, хоботли, сўрувчи мушаклардаги патологик рефлекслар) бор ёки йўқлиги текшириб кўрилади.

Бунда рефлексларнинг фақат мавжудлиги эмас, шу билан бирга уларнинг ҳаракатчанлиги ва бир маромда ишлаши ҳам аниқланади. Рефлексларнинг бир маромда эмаслиги ёки уларнинг бир томонлама чақирилмаслиги, кўп ҳолларда периферик ёки марказий асаб тизимининг органик зарарланганидан далолат беради.

Шу сабабли, рефлексларни текширишда эътиборни кучайтириш зарур, акс ҳолда рефлекслар нотўғри фарқланиши мумкин. Мушаклар зўриқиш-таранг ҳолатда бўлганда рефлекслар тўхтаб, қўзғалмай туриши мумкинлиги эътиборга олинади, ушбу ҳолатда тиббий кўрикдан ўтаётганларнинг диққатини чалғитиб туриб, рефлекслар турли ҳолатларда текширилади.

Қўлларда рефлексларнинг йўқлиги туғма аномалия бўлиши ҳам мумкин, шунинг учун рефлексларнинг бир маромда эмаслиги ёки рефлексларнинг бир томонлама йўқлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Тизза ва ахилл пайла-

рида рефлекснинг йўқлиги асаб тизимида органик касалликлар мавжуд бўлиши мумкин.

Тизза ва ахилл пай рефлекслари мавжуд бўлмаган вақтларда кўшимча текшириш усуллари (гавданинг бел-думғаза қисмини рентгенография қилиш, қонни Вассерман реакциясига текшириш ва бошқа усуллар) қўлланилиши лозим.

Агар умуртқада патологик касаллик ва захм аломатлари борлиги аниқланмаса, тизза ва пайларда рефлекслар йўқлигини туғма ҳолат деб ҳисоблаш мумкин.

Рефлексларнинг бир текисда кучайиб бориши, баъзан клонуслар билан ва патологик рефлексларнинг ҳамда жонли қорин рефлексларнинг йўқлиги асаб тизимининг органик зарарланиши аломати бўлмай, рефлексларнинг бир текисда кучайиб ортиб бориши неврозларда ҳам кузатилиши мумкин.

27. Сезувчанлик текширилаётганда оғриқ мавжудлиги, парестезиялар аниқланади, уларнинг хусусияти, ифодаланиш даражаси, жойлашиши, асаб тармоқларининг оғриқ сезиши, оғриқ нуқталари, асаб тармоқларининг таранглашув симптомлари, оғриқ, ҳарорат, тактил ва зарур ҳолларда сезувчанликнинг бошқа турлари, сезувчанликдаги бузилишларнинг хусусияти (анестезия, гипостезия, гиперестезия, гиперпатия) ва унинг жойлашган ҳудуди аниқланади.

28. Вегетатив асаб тизими текширилаётганда юз териси, гавда, оёқ-қўл терисининг рангига (оқариши, қизғишлиги, акроцианоз, вазомотор ўзгаришларга), теридаги трофик бузилишлар мавжудлигига, тер ажралишига ҳамда тери намланиши ва ҳароратидаги ассиметрияга эътибор қаратилади.

Тери-вегетатив рефлекслар, хусусан, маҳаллий дермографизм, рефлекс дермографизм, пилomotor рефлекс ва юрак-қон томир, кўз, юрак, бўйин рефлекслари ва бошқа рефлекслар текширилади. Ортоклик синов, Эрбен синови ҳамда бошқа синовлар ўтказилади. Артериал босим динамикасига эътибор қаратилиши керак.

4-боб. Ички аъзоларни текшириш

29. Ички аъзолар ва тизимларни текшириш тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчининг ташқи кўринишидан бошланади. Бунда тананинг ташқи кўриниши, гавданинг тузилиши, тери-ёғ тўқималарининг ривожланиш даражаси, юз ифодаси, тери сиртининг ранги ва кўриқ турган шиллиқ пардаларга эътибор берилади.

Пайпаслаб кўриш йўли билан лимфатик тугунларнинг ҳолати, мушаклар, тана ҳарорати қандай эканлиги аниқланади. Сўнгра тизимлар бўйича текширувлар ўтказилади.

30. Қон айланиш аъзолари текширилаётганда пульснинг хусусиятлари ва текширилувчининг артериал босими тинч ҳолатда аниқланади.

Юқори артериал босим аниқланган ҳолларда, эмоционал ва жисмоний зўриқишлар, уйқусизлик ва бошқа омиллар бартараф қилингандан сўнг такрорий равишда ўлчаб кўрилади.

Юрак-қон томир тизими бўйича функционал синама ўтказилади, бунда жисмоний зўриқшдан кейин (15 — 20 марта ўтириб туришдан сўнг) юрак уриши қанча вақтда ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиш тезлиги аниқланади. Жисмоний зўриқшдан уч дақиқа ўтганидан кейин ўлчаш бошланади ва дастлабки ҳолатига қайтгунича қанча вақт ўтганлиги қайд этилади.

Периферик қон томирларини текширишда артериялар пульсацияси мавжудлиги ва унинг хусусияти турли жойларда (бўйин веналарида, уйқу артериясида, елка, қорин аортаси пульсацияси ва бошқа жойлардаги артерияларда) текширилади.

Перкуссия ва пальпация йўли билан юрак чегараси, юракнинг тепа ва чўкки қисмидаги уришлари, юрак соҳасидаги систолик ва диастолик тебранишлар аниқланади. Юракни эшитиб кўриш вақтида юрак тонлари ва шовқинларининг тиниқ эшитилишига ва хусусиятига эътибор берилади.

Органик шовқинлар юрак клапанлари зарарланганда ва юракнинг туғма нуқсонларида кузатилади.

Функционал шовқинлар ҳар хил сабаблар, хусусан асабийлашиш, асабий зўриқш, юқумли касалликлар, камқонлик, пубертат давридаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

Юрак шовқинлари хусусиятини аниқлаш учун қўшимча текшириш усулларида, хусусан турли ҳолатларда (тик турганда, ётганда, жисмоний зўриқшдан кейин) юракни эшитиб кўриш, қизилўнғачга контраст модда юбориб юракни уч проекциядаги рентгенография, электрокардиография, фонокардиография, эхокардиография, ангиография усуллардан фойдаланиш мумкин.

Диққат билан йиғилган анамнез юрак касалликлари диагностикасида катта аҳамият касб этади.

31. Ўқувчиларнинг кўкрак қафаси аъзолари рентгенографик текширувдан ўтказилади. Бунда рентгенографик текширув сифатига алоҳида аҳамият берилади.

Юзнинг ташқи кўринишини ўрганишда, юз терисида ҳамда кўриниб турган шиллиқ пардаларда цианоз мавжудлигини аниқлашга аҳамият берилади.

Аниқланган цианоз ўқувчида кислород алмашуви қийин кечаётганини кўрсатади, нафас олиш вақтида бурун қанотларининг сезиларли ҳаракати нафас қисиши касаллигидан, икки юз ёноқларидаги қизариш ва бошқа аломатлар ички аъзоларда касаллик борлигидан далолат беради.

Чуқур нафас олганда ва тинч ҳолатда кўкрак қафасининг шакли, симметрияси, деформацияси, нафас олишнинг тури ва хусусияти, тезлиги ҳамда чуқурлиги текширилади.

Пальпация йўли билан кўкрак қафасининг иккала симметрик томонларида овоз титраши қай даражада ифодаланишига қараб плеврал бўшлиқларда тўпланиб қолган суюқлик ва ўпкада инфильтрат бор-йўқлиги аниқланади.

Перкуссия ва аускультация кўкрак қафасининг иккала симметрик томонларида ўтказилади. Топографик перкуссия йўли билан ўпканин чегаралари

ва ўпка ҳаракатчанлиги аниқланади. Нормал ҳолатда ўпка чегараларининг ҳаракатчанлиги 6 — 8 см ни ташкил этади.

Перкутор тимпаник товуш, плеврал бўшлиқда ҳаво йиғилиб қолганлиги (пневмоторакс) ҳамда кўкракнинг девор қисмига яқин жойлашган, ўпкада патологик ҳаво ёки суюқлик бўшлиғи (каверна, абсцесс) борлигини билдиради.

Перкуссия пайтида бўш қути товуши аниқланиши эмфизема касаллиги, ўпка тўқималарида ҳаво меъёрдан ортиқ тўпланганлиги ва ўпка тўқималарининг эластик чўзилувчанлигининг камайганлиги ҳақида маълумотлар беради.

Ўпкани аускультация йўли билан эшитиб кўриш вақтида нафас олишнинг хусусияти, унинг интенсивлиги, нафас олишнинг нафас чиқаришга бўлган нисбати кўшимча шовқин ёки хириллашлар мавжудлиги аниқланади.

32. Қорин бўшлиғи аъзолари текшириладиганда ошқозон-ичак тракти касалликларини аниқлаш учун анамнезни тўғри йиғиш муҳим аҳамиятга эга. Шикоятлар таҳлил қилинганда диспептик бузилишларнинг хусусияти, оғриқларни сезиши, уларнинг овқат истеъмол қилиш билан боғлиқлиги, оғриқнинг даврийлиги ва мавсумий қўзғалишига эътибор берилади.

Кўрик вақтида оғиз бўшлиғидаги тишлар, милқлар, тил, юмшоқ танглай ва ҳалқум текширилади. Сўнгра қорин аъзоларини кўриш ва пайпаслаб аниқлаш усули билан текширишга ўтилади. Мутахассис шифокор текширилувчи ўқувчининг ўнг томонида туриб унинг қорнини дастлабки пальпация қилади ва ундаги оғриқли жойларни, қорин деворчаси мушакларининг таранглиги, қориннинг оқ чизиғи чурраси, қориннинг сиртки қисмида ўсмалар ва шунга ўхшаш бошқа ўзгаришлар бор йўқлигини текшириб кўради.

Образцов усули бўйича чуқур, сирғанувчи пальпация йўли билан жигар, қораталоқ, буйрак, ичаклар текширилади, ундан кейин чуқур жойлашган ўсмалар бор йўқлиги аниқланади.

Қорин бўшлиғи аъзоларида касаллик борлигини кўрсатувчи аломатлар аниқланганда кўшимча лаборатор, инструментал ва рентгенологик текширувлар ўтказилади.

Тиббий кўриқдан ўтаётган ўқувчилар мажбурий равишда қизилўнгач, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак тизими эндоскопияси, қорин бўшлиғи, қоринпарда орқаси соҳаси аъзолари ультратовуш текширувидан ўтказилади.

5-боб. Жарроҳлик текширувлари

33. Тиббий кўриқни ўтказиш вақтидаги жарроҳлик текширувининг вазифаси кўриқдан ўтаётган ўқувчининг умумий жисмоний ривожланишини, шунингдек жарроҳлик касалликлари ва таянч-ҳаракати тизимидаги меъёрдан фарқланадиган ҳолатларни ҳамда улардаги ўқишга тўсқинлик қиладиган ўзгаришларни аниқлашдан иборат.

34. Текширишни бошлашдан олдин жарроҳ шикоятларни эшитади, ўтказилган жароҳатлар, касалликлар ва жарроҳлик амалиётлари тўғрисида маълумот олинади.

35. Жисмоний ривожланишни аниқлаш антропометрик кўрсаткичларни текширишдан бошланади.

Текширилаётган ўқувчининг бўйи, вазни, кўкрак қафаси айланасининг ўлчами аниқланади, қўл панжалари ва гавда кучини ўлчаш динамометрияси ўтказилади. Зарур ҳолларда оёқ-қўлларнинг симметрик соҳалари айлана ўлчами оёқ-қўлларнинг узунлигини ўлчаш йўли билан аниқланади.

Антропометрик ўлчовлар оддий усулда ўтказилади. Қўл панжаларининг кучи қўлни узатиб туриб максимал куч билан динамометрни қисиш йўли билан ўлчанади. Текширилаётган ўқувчи гавда кучини ўлчашда гавда динамометри ёрдамида, текширилаётган ўқувчи оёқларини букмасдан тизза бўғинлари баландлигида жойлашган динамометр дастагини юқорига тортиши орқали амалга оширилади.

36. Кўриқдан ўтаётган ўқувчи ёруғ хонада текширилади, ушбу шароитда тери қавати, суяк-мушак тизими ҳамда периферик қон-томирлари тизими ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади.

Дастлаб умумий кўриқ ўтказилади, бунда тананинг қад-қомати сагиттал ва фронтал томондан ўрганилади, гавда тузилишига, тери ва тери остидаги ёғ қатламига, мушакларга ва лимфатик тугунлар ҳолатига баҳо берилди. Сўнгра бош, бўйин соҳаси, қўл-оёқлар, умуртқа поғонаси, қорин девори, периферик қон томирлари, чот ораси ва анал тешиги, сийдик ва жинсий аъзолар тизими текширилади.

37. Тери қоплами текширилаётганда унинг ранги, ҳарорати, қуруқ ёки нам эканлиги, юпқалиги, пигментлари, китикланиши ва бошқа трофик бузилишлари, тирноқлар ва тери ости ёғи қатламининг аҳволига эътибор берилди.

Чандиқлар мавжуд бўлган ҳолларда уларнинг хусусиятига, кўринишига баҳо берилди ва келиб чиқиши аниқланади. Пальпатор йўл билан лимфа (қулоқ ёнидаги, жағ остидаги, бўйин, қўлтиқдаги, човдаги) тугунларнинг ҳолати аниқланади.

Катталашган лимфа тугунлари аниқланган ҳолларда, уларнинг локализацияси, катталиги (сантиметрлар билан ўлчанган диаметри), консистенцияси, ҳаракатчанлиги, оғриқ мавжудлиги ва бошқа ўзгаришлар кўрсатиб ўтилади. Бир вақтнинг ўзида қалқонсимон без ҳам текширилади.

38. Суяк-мушак тизими текширилаётганда бўғимларнинг шакли ва ҳажмига, уларнинг ҳаракатчанлиги, кўкрак қафаси, умуртқа поғонаси, тос ва оёқ-қўлларнинг деформациясига эътибор берилди.

Бўғимлар ҳаракатининг чекланиш даражасини аниқлаш учун бурчак ўлчагичдан фойдаланилади. Суяк патологияси аниқланган ҳолларда, патологик ўзгаришнинг даражаси ва хусусиятини аниқлаш учун рентгенографик текширувлардан ўтказилади.

39. Окма яралар мавжуд бўлган ҳолларда уларнинг хусусиятини аниқлаш мақсадида фистулография қилинади.

40. Периферик қон-томирлари тизимини текширишда, уларнинг топографик ривожланиши хилма-хил бўлиши эҳтимоли борлигини инобатга олган ҳолда, товон ва болдир орқа артериялари пульсацияси текширилади (ка-

саллик бўлмаган ҳолатда ҳам оёқ кафтада пальпацияда томир уриши аниқланмаслиги мумкин).

Зарурат бўлган ҳолларда тизза ости, болдир ва бошқа артерияларда пульсация текширилади. Қон айланишида етишмовчилик борлигини кўрсатувчи симптомлар, хусусан оғриқ, совуқни сезиш, тез чарчаш, ранги ўзгариши (оқариши ва цианоз), пульснинг сусайиши ёки мавжуд эмаслиги, теридаги трофик ўзгаришлар (пигментация, юқалашиш, яралар) аниқланганда периферик қон айланиш ҳолатини қўшимча текшириш усуллари (реовазография, ангиография, доплерография ва бошқалар) қўллаб ўрганиш лозим.

Веналар тизими текшириляётганда, вена қон томирларида веноз етишмовчилиги бор ёки йўқлиги ва унинг ифодаланиш даражаси аниқланиши керак.

41. Чурранинг дўппайиб чиқишларини аниқлаш учун чурра ҳосил бўлиш эҳтимоли бўлган барча жойлар текшириб кўрилади. Қорин девори, текшириляётган ўқувчи тик турган ва ётган ҳолатда, қорин мушакларини бўшаштирган, шунингдек уларни таранглаштириб ва йўтал турткиси белгиси орқали текширилади.

42. Думғаза-дум суяги соҳалари, чот ораси ва анал соҳаси текширилганда бавосил, парапроктит, думғаза эпителиал йўллари, тўғри ичакнинг ташқарига чиқиши ва бошқа касалликлар бор-йўқлигига эътибор қаратилади.

Тўғри ичак одатда бармоқ билан текшириб кўрилади, зарур ҳолларда ректороманоскопия, колоноскопия ва бошқа текширувлар ўтказилади.

43. Таносил аъзолари тизими текшириляётганда мойк халтачасида мойклар бор-йўқлигига, мойк ҳосиласи ҳолати, уруғ тизимчасидаги вена томирларига эътибор берилади. Шунингдек, олат сийдик чиқарув тешиги жойлашуви текширилади.

Сийдик-тоши касаллиги ва бошқа урологик касалликларга гумон қилинган ҳолларда, махсус урологик текширувлар ўтказилади ва унинг натижаларига асосланиб эксперт қарори чиқарилади.

6-боб. Қулоқ ва юқори нафас йўллари текшириш

44. Тиббий кўрик жараёнида шикоятлар аниқланади ҳамда анамнез ўрганилади. Қулоқ, томоқ ва бурун аъзолари фаолиятини текширишда керакли тиббий-инструментал текширув усулларидадан фойдаланилади.

45. Анамнез тўплаш вақтида кўриқдан ўтказилаётган ўқувчидан унда илгари қулоқ, томоқ, бурун касалликлари мавжудлиги, анамнезда қулоқдан йиринг оқиши, томоқ оғриши, тез-тез ёки узоқ вақт бурун шамоллаши, чайқалганда кўнгли беҳузур бўлиши, бош айланиши, бурундан нафас олиши ҳолати аниқланади.

Бир вақтнинг ўзида нутқидаги нуқсонлар, уларнинг ифодаланиши ва хусусияти аниқланади.

46. Объектив текширувлар узунлиги камида 6 м бўлган, шовқиндан муҳофаза этилган, қоронғулаштирилган хонада сунъий ёруғлик манбалари

ёрдамида ўтказилади. Олдин ташқи кўрикни амалга ошириб, сўнгра ички ва функционал текширувлар ўтказилади. Қулоқ эшитиш ўткирлигини аниқлаш метрлар ва ярим метрли масофалар ўлчанган хонада бажарилади.

47. Эшитув аъзоларини текшириш кулоқ супраси ва кулоқнинг сўрғичсимон ўсимтасини текширишдан ва уларнинг сезувчанлигини аниқлашдан бошланади. Ташқи эшитув йўли текшириляётганда кулоқ супраси юқорига ва орқага чўзилади, чунки бу ҳолатда ташқи эшитиш йўлининг бошланғич қисми бироз тўғриланади. Сўнгра махсус асбоб ёрдамида кулоқнинг ногора пардаси текширилади.

48. Дудуқланиш аниқланганда шифокор-невролог, психиатр маслаҳатидан, зарур ҳолларда эса логопед маслаҳатидан фойдаланилади.

49. Ҳидни сезиш, тўртта стандарт сирка кислотасининг 0,5 фоизли эритмаси (кучсиз ҳид), тоза вино спирти (ўртача ҳид), оддий валериан эритмаси (кучли ҳид), нашатир спирти (ўта кучли ҳид) ёрдамида текширилади.

Бунда ушбу суюқликлар шакли ва ранги бир хил бўлган рақамланган идишларда сақланиши керак.

Диссимилияцияни аниқлаш учун тоза сув тўлдирилган шундай шаклдаги флаконлар тайёрлаб қўйилиши зарур.

Ҳид билиш хусусияти кескин даражада пасайиб кетган ўқувчиларнинг бурун бўшлиғида бошқа касалликлар аниқланмаганлигидан қатъи назар неврологик текширувидан ўтказилади.

50. Томоқни текшириш (фарингоскопия) қуйидаги икки қисмга бўлинади: биринчи қисмида, текширилувчи, тилини тишлар четига чиқармасдан, томоқ мушакларини бўшаштириб сокин нафас олиши;

иккинчи қисмида, «э» деб товуш чиқариши лозим, шу пайтда унинг юмшоқ танглайи юқорига кўтарилади ва бу билан унинг ҳаракатчанлик даражаси белгиланади.

Оғиз бўшлиғида ётган тил оҳиста шпател билан босилиб томоқ кўрилади. Томоқ кўриляётганда шиллиқ пардалар, бодомсимон безлар ҳамда бўйин лимфатик тугунлари текширилади. Зарур ҳолларда ларингоскопия текшируви ўтказилади.

51. Ўқувчининг пичирлаб айтилган сўзлар ёрдамида эшитиш ўткирлиги аниқланади. Бунинг учун ҳар бир кулоқнинг эшитиш фаолияти алоҳида текширилади. Текширилмайдиган кулоқ тешиги кулоқнинг кичик супрасини бармоқ билан босиб туриш йўли билан беркитиб турилади.

Текширув камида 6 метрлик масофадан туриб бошланади. Текшириляётган ўқувчи мутахассис шифокор пичирлаб айтаётган сўзлардан кўп қисмини 6 тадан 5 тасини ёки 5 тадан 4 тасини такрорлаган масофа эшитиш ўткирлигининг аниқланган даражаси ҳисобланади.

Эшитиш даражасининг пасайиши объектив текширув маълумотлари билан мос келмаганда ва барча гумонли ҳолатларда эшитиш қобилияти ва бошқа кулоқ, томоқ ва бурун аъзолари ҳар томонлама текширилади.

Карлик даражасини аниқлаш мақсадида аудиометрия ўтказилади, барофаолиятларни текшириш учун кулоқ манометридан фойдаланган ҳолда вестибуляр фаолият текширилади.

7-боб. Юз-жағ соҳаси ва оғиз бўшлиғи аъзоларини текшириш

52. Юз-жағ соҳаси ва оғиз бўшлиғи аъзоларини текшириш шикоятларни аниқлаш, анамнез тўплаш, олдинги ва йўлдош касалликлар, юз-жағ соҳасидаги жароҳатлар, ўтказилган жарроҳлик амалиётларини аниқлаш, клиник, антропометрик, рентгенологик ва функционал текширувлардан иборат.

53. Объектив текширувлар юз-жағ соҳаси аъзоларини кўришдан бошланади. Кўрик давомида юз ва бўйин соҳаси тери қопламига, лаб қизил ҳошияси ҳолатига, шиш, ассиметрия, нуқсон ва деформациялар мавжудлигига эътибор берилади.

Нуқсонлар ҳажми, деформациялар хусусияти аниқланади. Зарур ҳолларда антропометрик текширувлар ўтказилади.

Лимфатик аппаратни текшириш учун бир қўлни текширилувчининг бошига қўйиб, бошни энгаштирган ҳолатда тутилади, иккинчи қўл билан бўйин, жағ ости соҳаларидаги лимфатик тугунлар пайпаслаб кўрилади.

Лимфатик тугунлар текшируви бошни аввал бир томонга, кейин иккинчи томонга бурган ҳолатда ўтказилади. Пайпаслаш усули билан лимфатик безлардаги оғрик, уларнинг консистенцияси, ҳажми ва тери билан бирикканлиги аниқланади.

Чакка-пастки жағ бўғимлари фаолияти оғиз очиқ ҳамда пастки жағнинг ҳар икки ёнга ва олдга ҳаракатлантириб текширилади. Оғиз очилиши даражаси кесувчи тишлар орасида уч бармоқ кенглигида ўлчанади, икки ёки бир бармоқ кенглигидаги оғиз очилиши мос равишда учдан бир ёки учдан икки даражада чегараланганлигини кўрсатади.

54. Оғиз бўшлиғи ва тишларни объектив текшириш уларни кўриб чиқиш, пайпаслаб ушлаб кўриш, зондлаш ва дукиллайтиб уриб кўришдан иборат бўлади. Зарур ҳолларда электроодонтодиагностика ва тишлар, жағлар ҳамда бурун олди бўшлиқларининг рентгенологик текширувлари ўтказилади.

Оғизни текшириш бошни бироз орқага эгиб, икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқичда жағларни юмган ҳолатда лаблар, оғиз даҳлизи, тиш қаторлари жипслашуви текширилади.

Иккинчи босқичда оғиз бўшлиғининг ўзи, тишлар, пародонт, шиллик пардаси, танглай ва тил текширилади.

Тишлар касалликлари, пародонт ҳолати, алвеоляр ўсимтанинг атрофия даражаси, жағларнинг юмшоқ ва қаттиқ тўқималаридаги патологик ўзгаришлари, шиш ва оқма яралар мавжудлиги аниқланади.

Тишларнинг зарарланиш даражаси доимий тишлардаги кариес жадаллиги (кариес билан зарарланган, пломбаланган ва олинган тишлар сонларининг йиғиндиси) билан белгиланади.

Тишларнинг ранги, шакли ва ҳажмига эътибор берилади. Олинган ва йўқ тишлар, олиб ташланадиган тишлар миқдори ва тишсизлик тури аниқланади.

Пародонт ҳолати текширилганда милкларнинг ранги, бўртиши, емирилиши, қонаши, шиш ва яралар мавжудлигига эътибор берилади.

Тугмачали пародонтологик зонд ёрдамида патологик тиш-милк чўнтаги чуқурлиги ўлчанади. Тишларнинг қимирлаш даражаси пинцет билан тебратиб аниқланади.

I даражали патологик қимирлашда тиш оғиз-дахлиз йўналишида 1 mm гача тебранади, II даражали патологик қимирлашда оғиз-дахлиз ва ён йўналишларида 2 mm гача тебранади, III даражали патологик қимирлашда оғиз-дахлиз, ён ва тик йўналишларда 2 mm дан ортиқ тебранади.

Пародонтит касалликларида рентгенологик текширувлар асосида алвеоляр ўсимтанинг атрофия даражаси аниқланади. Алвеоляр ўсимтанинг I даражали атрофиясида тиш илдизининг учдан бир қисмигача, II даражали атрофиясида иккидан бир қисмигача, III даражали атрофиясида иккидан бир қисмидан ортиқ суяк тўқимасининг емирилиши кузатилади.

Лаблар, лунжлар, танглай, тил ва тил ости соҳалари шиллиқ пардаси кўрилади ва улардаги ранг, намлик даражаси, тошмалар, шиш, бўртиш, чандик, ўсмалар, эрозия ва яралар мавжудлиги аниқланади.

Чандик мавжудлигида унинг хусусияти, шакли, ўлчамлари ва оғиз бўшлиғи аъзолари фаолиятларининг бузилишига алоқадорлиги аниқланади.

Танглайни кўриш давомида туғма ва орттирилган нуқсонлар мавжудлиги текширилади.

Орттирилган нуқсонларда уларнинг ҳажми, шакли, чандикли ўзгаришлар мавжудлигига эътибор берилади ва ўлчамлари аниқланади.

Туғма нуқсонларда уларнинг тури белгиланади.

Тиш қаторларининг жипслашуви марказий окклюзия ҳолатида бир-бири билан ўзаро перпендикуляр бўлган уч йўналишда (сагиттал, вертикал, трансверзал) текшириб кўрилади.

Тишлов аномалияларида унинг тури, патологик окклюзия ва чайнов фаолиятининг бузилиши мавжудлиги аниқланади, шунингдек тиш қаторларининг сурилишидаги ўзгаришларни чизикли ўлчаш ёрдамида аномалиялар даражаси белгиланади.

Тиш қаторлари бир йўналишда ораликда 5 mm гача сурилган ҳолларда I даражали тишлов аномалияси, 5 mm дан 10 mm га қадар сурилганда II даражали, 10 mm дан ортиқ сурилганда III даражали тишлов аномалияси деб белгиланади. Ўлчамлар аномалия тури ва даражаси аниқланганидан кейин миллиметрларда кўрсатилади.

55. Тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида, юз-жағ соҳаси ва оғиз бўшлиғи тизимига тааллуқли аъзоларнинг қуйидаги асосий фаолиятлари текшириб кўрилади:

нафас олиш;

хид сезиш;

таъм билиш;

нутқ сўзлаш;

ютиниш;

чайнаш;

сўлак ажратиш.

8-боб. Кўриш аъзоларини текшириш

56. Кўриш аъзоларини текшириш узунлиги камида 5,5 m бўлган, ёруғ хонада ўтказилади (бу белгиланган 5 метрлик масофадан туриб кўриш ўткирлигини текшириш имконини беради) ва офтальмоскопия, скиаскопия ва бошқа текширувлар қоронғилаштирилган хонада ўтказилади.

57. Анамнез тўпланаётганда текширилаётган ўқувчининг кўришидаги ўзига хос хусусиятлари аниқланади. Ўқувчининг ҳаёти давомида умумий ва кўриш аъзолари касалликлари, жароҳатланишларига эътибор берилади.

Ўқувчининг оила аъзолари орасида туғма, ирсий кўз аъзоси касаллиги (туғма нистагм, гемералопия ва бошқалар) бор-йўқлиги аниқланади. Сухбат давомида кўз олмасининг ҳолати ва ҳаракатларига, нигоҳнинг йўналишига, қовоқларнинг, киприк четларининг ҳолатига ва бошқаларга эътибор берилади.

58. Кўз фаолиятини текшириш кам чарчатадиган усуллардан бошланади.

Бунда рангни ажратиш барча текширилувчиларда ўтказилади. Бу текширув кундузги ёки сунъий люминесцентли ёруғлик нурида Рабкин полихроматик жадвали ёрдамида текширилади.

Тавсия этиладиган ёритиш ҳажми 300 — 500 люксдан иборат бўлиши керак. Текширилаётган ўқувчи бошини тик тутиб, ёруғлик манбаига орқасини ўгириб ўтириши керак. 0,5-1,0 метр масофада кўзларига тенг баландликда вертикал текислик устига жойлаштирилган жадвалларнинг бутун серияси намойиш этилади.

Ҳар бир жадвал экспозициясининг давомийлиги 5 секундгача давом этади.

59. Кўриш ўткирлиги барча ўқувчиларда текширилади. Ушбу текширув Головин-Сивцев жадвали ўрнатилган Рот аппарати ёрдамида ўтказилади. Жадвал 40 ваттли электр лампаси билан ёритилиб, ҳар бир белги учун экспозиция вақти 2-3 секунддан ортиқ бўлмаслиги керак.

Жадвал хонадаги дераза ойналарига қарама-қарши томондаги деворга, текширилаётган ўқувчидан 5 m узоқликдаги масофада, жадвалнинг энг пастдаги қаторлари ердан 120 см баландликда жойлаштирилиши керак.

Текширилаётган ўқувчининг кўриш ўткирлиги жадвал қаторидаги барча белгиларни тўлиқ ўқиган қатор бўйича аниқланади. 0,7, 0,8, 0,9 ва 1,0 қаторлари ўқиладиганда бир белгидан ортиқ бўлмаган хатога йўл қўйишга рухсат этилади. Кўриш ўткирлигини ошириш мақсадида кўзни зўриқтириб жадвалга қараш тақиқланади.

60. Тиббий кўрсатмаларга мувофиқ кўриш майдони периметрда (оддий ёки проекцион периметрда) текширилади.

61. Кампиметрия тиббий кўрсатмалар бўйича ўтказилади.

62. Кўриш аъзосининг анатомик ҳолатини текшириш барча текширилаётганларда муайян изчилликда ўтказилади. Дастлаб кўзнинг ҳимоя аппарати текширилади. Бунда қош соҳаси, кўз ковақларининг шакли ва бир хиллиги, қовоқларнинг жойлашуви ва ҳолати, киприкларнинг ҳолати, интермаргинал

бўшлиқ, ковоқлар конъюнктиваси ҳолати, ранги ҳамда чандиқлар мавжудлигига эътибор берилади.

Кўз ёши ажратиш аъзолари текшириляётганда кўз ёши нуқталарининг жойлашиши эътиборга олиниб, ёш қопчаси унинг атрофини босиб кўриш йўли билан текширилади.

Кўз ёши ажратиш фаолияти бузилганлигига гумон қилинганда ва кўз ёши доимий оқиб турганда, кўз ёши ажратиш фаолияти рангли кўз ёш канали синамаси ва кўз ёш, бурун синамаси (колларголнинг 3 фоизли эритмаси ёки флюоресцеиннинг 2 фоизли эритмаси) ёрдамида текширилиши керак.

Олинган синамалар салбий натижа берган ҳолларда кўз ёши йўллари суюқликни ўтказишини анатомик ҳолати текшириб кўрилиши лозим.

Кўзни олдинги кесими ва кўзнинг нур синдириш ҳолати тўғрисидаги хулоса кўзни ёнбошдан ёритиш орқали нур тушириш йўли билан ва тирқишли лампа нурида текшириб кўрилганидан кейин чиқарилади.

Кўз туби қисман циклопегия шароитида (мидриацил эритмаси томизиб) текширилади.

63. Кўзнинг ҳаракат аппарати текшириляётганда ҳар бир кўз ҳаракати алоҳида-алоҳида текширилади ва бинокуляр ҳаракатланишига қаралади. Бунда ғилайлик, нистагм каби касалликларни аниқлаш, конвергенция ҳолати ўрганилади.

Ғилайлик даражаси периметр ёйи ёрдамида аниқланади ҳамда градуслар билан белгиланади, шунингдек Меддокс шкаласи ёрдами билан аниқланади.

Диплопия (кўшалок кўриш) борлигига шикоят бўлса ва бу ҳолат кўз олмасининг ҳаракатини сезиларли даражада чекламаётган бўлса, у ҳолда кўшалок кўриш қизил ойна орқали текшириб кўрилади.

Нистагм аниқланганда унинг хусусияти ва келиб чиқиш сабаблари ўрганилиши керак. Нистагмга кўз патологияси сабаб бўлмаган ҳолларда невролог ва отоларинголог консультациясини ўтказиш зарур бўлади.

Қорачиқ реакциялари кўрикдан ўтказиляётган барча ўқувчиларда текширилади.

64. Бинокуляр кўриш даражасини аниқлаш катта диплоскопда, рангли тестда (поляроид кўзойнақлардан фойдаланган ҳолда) ўтказилади.

65. Кўзнинг ички босими пайпаслаш йўли билан аниқлаш барча кўрикдан ўтаётган ўқувчиларда ўтказилади. Тиббий кўрсатма мавжудлигида тонометр ёрдамида кўзнинг ички босими текширилади.

9-боб. Тери-таносил аъзолари текшируви

66. Тери-таносил касалликлари бўйича тиббий кўрикни ёруғлик етарли хонада ўтказиш зарур.

Оғиз бўшлигининг шиллиқ қаватини кўрикдан ўтказишда ёруғлик йўналтирилган электр чироғи ва ёғоч шпатель ишлатилади. Ёғоч шпатель оғиз бўшлигининг шиллиқ қаватини сўлақдан қуритишда қўлланилади.

Тиббий кўрикдан ўтказиляётган ўқувчи терисида тошмалар аниқланганда,

уларнинг таркибий элементлари, хусусияти, ранги, жойлашуви, тери ўсимталарининг ҳолати ва бошқаларга эътибор қаратилади.

67. Тошмаларнинг морфологик элементларига ҳолисона баҳо беришда қуйидаги махсус текширув усуллари қўлланилади:

диаскопия ёки витропрессия усули — тошмалар морфологик элементининг асл рангини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу ранг гиперемия билан ниқобланади. Шу мақсадда, шиша таёқча ёки предметли ойна текширилаётган элементнинг юза қисмига босилади ва унинг ҳақиқий ранги аниқланади. Ушбу усул томирли элементларни геморрагик ва пигментли элементлардан фарқлашга имкон беради;

кўчириб олиш ёки терини қириш усули — тери пўсти қуришини (псориаз, параспсориаз, қизил волчанка ва бошқаларни) аниқлашда қўлланилади;

равшанлаштириш усули — тошманинг морфологик элементлари ноаниқ ифодаланиш хусусиятларининг тиниқроқ акс этишида қўлланилади. Элементнинг юза қисмига вазелин ёки сув суртилади. Масалан, ушбу усул қўлланилганида Уикхем тўри кўзга ташланади, бу қизил темиратканинг патонимик белгисидир.

10-боб. Гинекологик текширувлар

68. Қизлар гинекологик текширувидан педиатр гинеколог шифокор мутахассис томонидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги академик лицейларига ўқишга
кираётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар ЖАДВАЛИ

Т/р	Касалликларнинг номланиши, фаолиятнинг бузилиш даражаси	Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар юзасидан чиқариладиган қарор
1-боб. Руҳий касалликлар		
1.	Туғма ақлий заифликнинг барча турлари ва даражаларида.	Яроқсиз
2.	Эпилепсия (тутқаноқ касаллиги) барча турларида.	Яроқсиз
3.	Маниакаль-депрессив психознинг барча турларида.	Яроқсиз
4.	Шизофрения.	Яроқсиз
5.	Бош миyaning органик касалликлари натижасида содир бўладиган руҳий бузилишларда.	Яроқсиз
6.	Ўткир ва сурункали заҳарланишларда ҳамда инфекциялар таъсиридаги руҳий бузилишларда.	Яроқсиз
7.	Шахс бузилишларида.	Яроқсиз
8.	Неврозлар, реактив ҳолатларда.	Яроқсиз
9.	Мия жароҳатланиши натижасидаги руҳий бузилишларда.	Яроқсиз

Т/р	Касалликларнинг номланиши, фаолиятнинг бузилиш даражаси	Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар юзасидан чиқариладиган қарор
2-боб. Асаб тизими касалликлари ва жароҳатдан кейинги асоратлари		
Бош мия ва орқа мия томирлари касалликлари:		
10.	а) бош мияда қон айланишининг оғир ва ўрта даражада бузилишида;	Яроқсиз
	б) енгил даражадаги ҳушдан кетиш ҳолатлари, марказий асаб тизими фаолияти сақланганлигида.	Яроқсиз
Марказий асаб тизимининг вирусли инфекциялар, бактериялар ва инфекция-аллергик касалликлардан кейинги асоратлари, бош мия ва орқа мия инфекциялари туфайли ўткир ва узоқ давом этган захарланишдан кейинги асоратлари:		
11.	а) фаолият бузилишида;	Яроқсиз
	б) фаолияти бузилмаган ҳолларда айрим тарқоқ органик аломатларнинг мавжудлигида;	Яроқсиз
	в) ўткир касалликдан кейинги резидуал органик аломатларсиз ҳолатларда.	Яроқсиз
Бош мия ва орқа мия жароҳатдан кейинги асорати:		
12.	а) фаолият бузилиши;	Яроқсиз
	б) фаолиятининг сезиларсиз даражада бузилишидаги қолдиқ асоратларда;	Яроқсиз
	в) ўткир ёпиқ жароҳатдан кейинги органик ўзгаришлар кузатилмаган ҳолатларда.	Яроқсиз
13.	Марказий асаб тизими туғма касалликликлари, аномалиялари, миопатия, миастения ва бошқалар.	Яроқсиз
Периферик асаб тизими жароҳатлари ва жароҳат асоратлари:		
14.	а) фаолият бузилишида;	Яроқсиз
	б) фаолиятининг сезиларсиз даражада бузилишидаги қолдиқ асоратларда.	Яроқсиз
Периферик асаб тизими касалликлари ва касаллик асоратлари:		
15.	а) фаолият бузилишида;	Яроқсиз
	б) фаолиятининг сезиларсиз даражада бузилишидаги қолдиқ асоратларда.	Яроқсиз
3-боб. Ички аъзолар касалликлари		
16.	Суяк-мушак тизимини ва терости ёғ тўқималарининг ривожланишида юзага келган умумий жисмоний етишмовчиликда.	Яроқсиз
17.	Ўткир юқумли, паразитар касалликлар ва интоксикациялардан кейинги ҳолатлар.	Яроқсиз
18.	Қийин даволанадиган сурункали юқумли касалликлар.	Яроқсиз
Эндокрин касалликлар, озикланиш ва модда алмашинуви бузилишлари:		
19.	а) фаолият бузилишида;	Яроқсиз
	б) ўткир касалликлар ва жарроҳлик амалиётларидан кейинги фаолият бузилишлари, семизликнинг иккинчи, учинчи даражаларида;	Яроқсиз
	в) вазн етишмовчилиги, семизликнинг биринчи даражасида.	Яроқлилик масаласи индивидуал тартибда аниқланади
Қон система касалликлари: анемиялар, агранулоцитоз, гемобластоз, гемотосаркома, лимфогранломатоз, геморрагик диатез ва бошқалар. ОИТС ва унинг ташувчилари:		
20.	а) жадал ривожланувчи шаклларида;	Яроқсиз
	б) шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган қон ишлаб чиқарувчи тизимнинг енгил даражада бузилишларида, иккиламчи анемиялар, лейкопениялар, тромбоцитопениялар.	Яроқсиз
Ўткир ва сурункали экзоген интоксикациялар асоратлари:		
21.	а) фаолиятининг бузилиши;	Яроқсиз

Т/р	Касалликларнинг номланиши, фаолиятнинг бузилиш даражаси	Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар юзасидан чиқариладиган қарор
	б) шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган ўткир экзоген интоксикация ва унинг таъсиридан кейинги асоратлар ва вақтинчалик функционал бузилишлар мавжудлигида;	Яроқсиз
	в) ўткир экзоген интоксикация ва унинг таъсиридан кейинги функционал бузилишларсиз асоратларида.	Яроқсиз
22.	Ўпканинг, плевранинг ва кўкрак қафаси лимфатик тугунларининг сили.	Яроқсиз
23.	Шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган экссудатив сил плевритидан кейинги қолдиқ асоратлар.	Яроқсиз
24.	Ўпканинг, плевранинг, нафас йўллариининг сил бўлмаган сурункали касалликлари ва нуқсонлари:	
	а) фаолиятининг бузилиши;	Яроқсиз
	б) шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган ўткир фаолият бузилмаган касалликлар ва асоратларида.	Яроқсиз
25.	Бронхиал астма.	Яроқсиз
26.	Юрак мушаклари, перикард, шоҳ артерияси, клапанлар аппарати касалликлари умумий ва коронар қон айланишининг бузилишлари:	
	а) учинчи, иккинчи, биринчи даражалари, декстракардия, ички органлар жойлашиши аномалияларида;	Яроқсиз
	б) митраль клапан бирламчи пролапси, юракнинг умумий ва коронар қон айланишининг бузилмаган ҳолатларида.	Яроқсиз
27.	Гипертония касаллиги.	Яроқсиз
28.	Нейроциркулятор дистониянинг барча шакллари.	Яроқсиз
29.	Юрак томирлари ўткир касалликларининг асоратлари, шунингдек қон айланиши ва шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган юрак ритмининг вақтинчалик бузилишлари.	Яроқсиз
30.	Қорин бўшлиғи аъзолари касалликлари:	
	а) фаолиятининг бузилиши билан;	Яроқсиз
	б) шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган вақтинчалик ўзгаришларда.	Яроқсиз
31.	Буйракнинг яллиғланиш ёки дистрофик касалликлари	Яроқсиз
32.	Бўғинлар, пайлар, мушакларнинг инфекция, инфекция-аллергик, дистрофик ва модда алмашинувлари натижасида ҳосил бўлган касалликлари:	
	а) фаолиятининг бузилиши;	Яроқсиз
	б) ўткир касалликдан кейин шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган вақтинчалик ўзгаришларда.	Яроқсиз
4-боб. Жарроҳлик касалликлари		
33.	Тери чандиқлари:	
	а) тез-тез яраланувчи ёки ҳаракатланишни чегараловчи, кийимларини, оёқ кийимини кийишга ёки қурол-яроғ олиб юришда тўсқинлик (халақит) қиладиган ҳолларда;	Яроқсиз
	б) жарроҳлик амалиёти ёки жароҳатдан кейинги қотмаган чандиқларда.	Яроқсиз
34.	Кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи, кичик чаноқ, қорин пардасидан ташқаридаги аъзоларида шикастланиш ва жарроҳлик касалликлар туфайли ўтказилган амалиётлар ҳамда жароҳатлангандан кейинги асоратларнинг мавжудлигида:	
	а) фаолиятининг бузилиши;	Яроқсиз
	б) ўткир касалликдан кейин шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган вақтинчалик ўзгаришларда.	Яроқсиз
35.	Марказий асаб тизимининг органик жароҳатланиши аломатларисиз бош суягининг туғма нуқсонлари ва жароҳатлари асоратлари.	Яроқсиз

Т/р	Касалликларнинг номланиши, фаолиятнинг бузилиш даражаси	Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар юзасидан чиқариладиган қарор
36.	Умуртқа поғонаси касалликлари, ривожланиш нуқсонлари, жароҳатлар ва касалликлар асоратлари.	Яроқсиз
37.	Жароҳатланиш ва касалликлар оқибатида ҳамда туғма нуқсон билан боғлиқ бўлган тос-чаноқ суягининг ўзгаришлари.	Яроқсиз
38.	Суяклар, пайлар, тоғайлар мушаклар ва бўғинларнинг сурункали касалликлари.	Яроқсиз
39.	Суяклар, пайлар, тоғайлар мушаклар ва бўғинларнинг жароҳатдан кейинги асоратлари:	
	а) фаолиятининг бузилиши;	Яроқсиз
	б) шикастлангандан ёки жарроҳлик амалиётидан кейинги таянч-ҳаракат тизими фаолиятининг вақтинчалик бузилганлиги ва суякнинг тўлиқ битмаган ҳолатларида.	Яроқсиз
40.	Оёқ-қўллар қийшиқлиги ёки калталигида фаолиятнинг бузилиши, оёқ кийими ва кийим кийишда қийинчилик туғдириши:	
	а) қўлнинг 2 см дан, оёқнинг 1 см дан ортиқ калталиги, қийшайиши, фаолият бузилишида;	Яроқсиз
	б) қўлнинг 2 см гача, оёқнинг 1 см гача калталиги, фаолияти бузилмаган ҳолатларда.	Яроқсиз
41.	Самарасиз даволашдан кейин йирик бўғинлардаги эски ёки одатий суяк чиқишлари.	Яроқсиз
42.	Бармоқлар ёки қўл панжалари нуқсонлари, қийшайиши, фаолият бузилишида.	Яроқсиз
43.	Оёқ бармоқларининг нуқсонлари:	
	а) иккала оёқ панжаларининг йўқлиги, полидактилия ёки синдактилияси, фаолият бузилишида;	Яроқсиз
	б) иккала ёки битта оёқ панжаларининг қисман йўқлиги, фаолиятининг сезиларсиз бузилишида.	Яроқсиз
44.	Ясситовонлик ёки оёқнинг бошқа деформациялари:	
	а) фаолиятининг бузилишида;	Яроқсиз
	б) фаолиятининг бузилишсиз.	Яроқсиз
45.	Оёқ ёки қўлнинг йўқлиги.	Яроқсиз
46.	Лимфа тугунлари ва қорин бўшлиғи аъзоларининг сил касаллиги:	Яроқсиз
47.	Буқоқ:	
	а) кийимларни кийишда халақит берадиган эндокрин бузилишларда;	Яроқсиз
	б) кийимларни кийишда халақит бермайдиган эндокрин бузилишларсиз.	Яроқсиз
48.	Хавфли ўсмалар.	Яроқсиз
49.	Хавфсиз ўсмалар:	
	а) аъзолар фаолиятининг бузилишига олиб келувчи ёки бош, тана ва оёқ-қўлларнинг ҳаракатланишини чегаралайдиган ҳолатларда;	Яроқсиз
	б) кийимларни кийиш, курул-аслаҳаларни олиб юришни сезиларсиз даражада чегаралайдиган ҳолатларда.	Яроқсиз
50.	Аорта магистрал, периферик, артрия, вена ва лимфа томирлари касалликлари ҳамда жароҳатдан кейинги асоратлар:	
	а) фаолиятининг оғир ва ўрта даражада бузилишида;	Яроқсиз
	б) фаолиятининг енгил даражада бузилишида.	Яроқсиз
51.	Чов, сон, киндик, операциядан кейинги ва бошқа чурралар:	
	а) рецидив ёки юрганда халақит бериб, ички аъзолар фаолиятининг бузилиши асоратларида;	Яроқсиз
	б) кичик ҳажмдаги, фаолиятининг бузилишсиз ҳолатларда.	Яроқсиз

Т/р	Касалликларнинг номланиши, фаолиятнинг бузилиш даражаси	Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар юзасидан чиқариладиган қарор
52.	Тўғри ичакнинг тушиши.	Яроқсиз
53.	Файри табиий орқа чиқариш тешиги, ахлат чиқариб турувчи оқма, орқа чиқариш тешигининг торайиши ёки анал сфинктернинг етишмовчилиги.	Яроқсиз
54.	Сурункали парапроктит.	Яроқсиз
55.	Бавосил: а) тез-тез қон кетувчи оғир формалари, иккиламчи камқонлик, геморраидал веналари тромбозларининг тез-тез қайталанishiда;	Яроқсиз
	б) муваффақиятли даволашдан кейин, асоратсиз ҳолатларда.	Яроқли
56.	Сийдик — таносил аъзоларини аномал ривожланиши поликистоз, нефроптоз, таносил аъзоларининг ўткир ва сурункали касалликлари. Сийдик — тош касаллиги (буйрак сийдик ўтувчи йўли, қовуқ ва простата безининг тоши) сийдик ва таносил системасида ўтказилган операция ва жароҳатлангандан кейинги асоратлар:	
	а) фаолият бузилишида;	Яроқсиз
	б) шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган вақтинчалик ўзгаришлар, фаолияти бузилишисиз ҳолатларда.	Яроқсиз
57.	Буйрак ва сийдик чиқарув йўллари сил касаллиги.	Яроқсиз
58.	Таносил (жинсий безлар) сил касаллиги.	Яроқсиз
59.	Тунда сийдик тута олмаслик.	Яроқсиз
60.	Уруғ йўллари венасининг варикоэ кенгайиши: а) қон айланишининг бузилиши, оғриқ синдроми;	Яроқсиз
	б) қон айланишининг сезиларсиз бузилиши, оғриқсиз.	Яроқсиз
61.	Мояклар ва уруғ тизимчаси истисқоси.	Яроқсиз
62.	Мояк(лар)ни қорин бўшлиғида ёки чов йўлларида ушланиб қолиши.	Яроқсиз
5-боб. Қулоқ ва юқори нафас йўллари касалликлари		
63.	Сурункали эпителимпанит.	Яроқсиз
64.	Сурункали йирингли мезотимпанит.	Яроқсиз
65.	Отит билан касалланишдан кейинги асоратлар, чандикли ўзгаришлар, ноғора бўшлиғига қўшилиб кетганлиги, икки ёки бир томонлама ноғора пардасининг тешилиши.	Яроқсиз
66.	Ташқи эшитув йўли, қулоқ супрасининг ёки қулоқ атрофи соҳаларининг сурункали экземаси.	Яроқсиз
67.	Вестибуляр аппарати фаолиятининг бузилиши.	Яроқсиз
68.	Иккала қулоғида карлик, соқовлик.	Яроқсиз
69.	Пичирлаб гапирганда икки ёки бир қулоқда 4 м гача эшитишнинг пасайиши.	Яроқсиз
70.	Қулоқ барофункциясининг бузилиши.	Яроқсиз
71.	Бурун атрофи бўшлиқларининг сурункали касалликлари: а) полипозли ёки йирингли касалликларда;	Яроқсиз
	б) йирингсиз касалликларда.	Яроқсиз
72.	Сассиқ ҳидли тумов (озена).	Яроқсиз
73.	Сурункали токсик-аллергик асоратли, тонзиллит II даражаси.	Яроқсиз
74.	Юқори нафас олиш йўллари ва қулоқ терисининг волчанкаси, сили ва склеромаси.	Яроқсиз
75.	Нутқ нуқсонлари, дудуқлик.	Яроқсиз
76.	Ўткир жароҳатлардан сўнгги ҳолат, касалликлар асорати ва қулоқ ҳамда юқори нафас олиш йўлларида ўтказилган операциядан кейинги аъзолар фаолиятининг тўлиқ тикланмаганлигида.	Яроқсиз

Т/р	Касалликларнинг номланиши, фаолиятнинг бузилиш даражаси	Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар юзасидан чиқариладиган қарор
6-боб. Оғиз бўшлиғи ва жағ соҳасининг туғма ва орттирилган касалликлари		
77.	Тишлов аномалияси:	
	а) нафас олиш, ҳид сезиш, чайнаш ва сўлак ажралиш фаолиятларининг бузилишида;	Яроқсиз
	б) тишлов аномалияси I даражаси, фаолият тўлиқ сақланган ҳолатларда.	Яроқли
78.	Бирламчи ва иккиламчи адентия битта жағида 6 та ва ундан ортиқ тишнинг йўқлиги ва уларнинг ўрнини ясама танглай тишлар билан алмаштирилганлиги, курак тиши, қозиқ тиши, кичик озиқ тишларининг кетма-кет йўқлиги ёки уларнинг ўрни ясама танглай тишлар билан алмаштирилганлигида.	Яроқсиз
79.	Тишлар, парадонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг касалликлари:	
	а) кўплаб, асоратли кариес, пародонтоз ўрта ва оғир даражасида;	Яроқсиз
	б) пародонтит, пародонтоз энгил даражасида.	Яроқсиз
80.	Ўткир жароҳатлар, касалликлар ва жағ-юз соҳасидаги жароҳлик амалиётларидан кейинги асоратлари туфайли аъзолар фаолиятининг тўлиқ тикланмаган ҳолларида.	Яроқсиз
7-боб. Кўриш аъзолари касалликлари		
81.	Иккала кўз қовоқлари яққол ифодаланган етишмовчиликлари (птоздан ташқари), иккала кўзда юқори қовоқларнинг оғир даражада птози, битта кўз юқори қовоғининг оғир даражада птози ёки жароҳлик йўли билан даволанишга кўрсатма бўлмаган иккала кўзда ўрта даражада ифодаланган шакллари, битта кўз қовоғи ўрта даражада етишмовчиликлари, битта кўз қовоғи етишмовчилигининг яққол ифодаланган шакли, лагофталъм.	Яроқсиз
82.	Даволаниши қийин кечадиган сурункали ярали блефаритлар, сурункали, кам хуружли самарали даволанадиган блефаритларнинг ўрта ёки энгил даражаси.	Яроқсиз
83.	Иккала ёки битта кўз ёши йўллари касалликлари натижасида тўхтовсиз кўз ёши оқиб туриши.	Яроқсиз
84.	Кўз олмасини ҳаракатлантирувчи нервларнинг турғун фалажлиги, ғилайликнинг барча турлари:	
	а) кўз мушаклари касалликлари, икки кўзнинг ҳамкорликда кўриш фаолиятининг бузилиши;	Яроқсиз
	б) диплопия мавжудлигида, ғилайлик 15°дан ортиқлиги, бинокуляр кўриш бўлмаганида;	Яроқсиз
	в) диплопия бўлмаганида, ғилайликни барча турлари 15°гача, нистагм ва кўзнинг бошқа ғайрихтиёрий ҳаракатларида.	Яроқсиз
85.	Кўриш фаолиятининг пасайишига олиб келадиган жароҳатланиш, яллиғланишлар ва дегенератив хусусиятдаги сурункали касалликлари:	
	а) кўз фаолиятининг пасайишига олиб келадиган иккала кўзда жадал ривожланиб бораётган ёки тез-тез қайталанадиган асоратларида;	Яроқсиз
	б) кўз фаолиятининг пасайишига олиб келадиган иккала ёки битта кўзда ўрта даражада ривожланиб бораётган турида.	Яроқсиз
86.	Аккомодация спазми ёки фалажлиги.	Яроқсиз
87.	Афакия, артифакия:	
	а) иккала кўзда;	Яроқсиз
	б) битта кўзда.	Яроқсиз

Т/р	Касалликларнинг номланиши, фаолиятнинг бузилиш даражаси	Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар юзасидан чиқариладиган қарор
88.	Кўзи ичида жойлашган, яллиғланиш ёки дистрофик ўзгаришлар келтириб чиқармайдиган ёт жисмлар мавжудлигида.	Яроқсиз
89.	Глаукома.	Яроқсиз
90.	Кўз тўр пардаси кўчиши.	Яроқсиз
91.	Кўрув нерви атрофияси.	Яроқсиз
92.	Кўриш ўткирлигининг пасайиши ёки кўз тубининг ўзгаришлари, рефракция аномалиялари ва бошқа сабаблар (жароҳат, органик касалликлар ва бошқалар) туфайли хиралашуви бир ёки иккала кўзда кўриш ўткирлигининг коррекция билан 0,6 дан паст бўлиши.	Яроқсиз
93.	Рефракция аномалиялари миопия ёки гиперметропия 4,0 D, астигматизм О 2,0 D дан юқори ҳолатларда.	Яроқсиз
94.	Дихромазия, аномал трихромазия А ёки В тури.	Яроқсиз
95.	Кўриш қобилиятининг вақтинчалик бузилиши.	Яроқсиз
8-боб. Тери ва тери ости қавати касалликлари		
96.	Терининг қийин даволанадиган сурункали касалликларида.	Яроқсиз
97.	Тери қатлами касалланиши билан кечувчи бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари, дерматомиозит тизимли қизил волчанка ва тарқалган склеродермия.	Яроқсиз
98.	Ўчоқли алопециянинг ва витилиго касаллиги, альбинизм.	Яроқсиз
99.	Кенг тарқалган, авж олган (гиперкератозлар), шунингдек хавфли, хавфли ўсма олди халати, рентген, адиодерматитлар, фотодерматитлар.	Яроқсиз
100.	Кенг тарқалган ўткир тери касалликлари, шу қаторда (пиодермиялар, қичима ва бошқалар), шунингдек ўткир тери яллиғланишлари, токсикодермия ва дерматитлар. Эшак еми.	Яроқсиз
101.	Мохов (Лепра).	Яроқсиз
102.	Тери сили.	Яроқсиз
103.	Терининг замбуруғли касалликлари (эпидермофития, фавус, микроспория, трихофития).	Яроқсиз
9-боб. Таносил касалликлари		
104.	Ўткир уретритларнинг барча турлари.	Яроқсиз
105.	Захм (сифилис).	Яроқсиз
10-боб. Аёлларнинг жинсий аъзолари сурункали яллиғланишлар билан кечадиган ва туғма касалликлари		
Аёлларнинг жинсий аъзолари сурункали ва ўткир касалликлари:		
106.	а) фаолиятнинг оғир ва ўртача даражада бузилишлари;	Яроқсиз
	б) фаолиятнинг энгил даражада бузилишлари.	Яроқсиз
107.	Эндометриоз.	Яроқсиз
108.	Генитал пролапс, сийдикни тута олмаслик, оқмалар, аёллар жинсий аъзоларининг бошқа яллиғланишсиз кечадиган касалликлари (шу жумладан, туғма бўлган).	Яроқсиз
Ҳайз кўриш фаолиятининг бузилишлари:		
109.	а) фаолиятнинг оғир ва ўртача даражада бузилишлари;	Яроқсиз
	б) фаолиятнинг энгил даражада бузилишлари.	Яроқсиз

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги академик лицейларига ўқишга
кираётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвали бандларини қўллаш бўйича ИЗОҲЛАР

1-боб. Руҳий бузилишлар

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг:

1-банди — оғир ва ўрта даражадаги ақлий заифлик диагнози ҳар томонлама исботланган бўлиши лозим. Ақлий заифлик яққол аломатларида яроқсизлик масаласи стационарда текширувларсиз ҳал қилиниши мумкин.

Ривожланаётган организмларда кузатиладиган руҳий инфантилизм аломатларида касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг 16-бандига мувофиқ қарор чиқарилади.

2-банди — симптоматик эпилепсия ва унинг бошқа турлари (нарколепсия, каталепсия) бўйича ушбу банд бўйича қарор чиқарилмайди. Эпилептик тутқаноқ мутахассис шифокор назорати ва гувоҳлар далолатномаси билан тасдиқланиши лозим. Заруратга қараб, яшаш ва ўқиш жойларидан керакли маълумотлар олинади. Ўқувчида аввал кузатилган эпилептик тутқаноқ ҳақидаги маълумотлар мавжудлиги ушбу бандни қўллашга асос бўлади.

3-банди — реактив психозларни, невротик, диссоциатив ва соматик шаклдаги бузилишларни, психоген депрессив ҳолатлар ва реакцияларни, ўқувчининг невротик ривожланишини, сурункали реакциядан кейинги шахс ўзгаришларини ҳамда жароҳатдан кейинги стресс бузилишларини назарда тутати.

4-банди — шизофрения диагнозини қўйишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим. Шизофрения касаллигига гумон бўлган ҳар бир ҳолатда, юқори малакали мутахассислар шифокорлар жалб қилиниб, стационар шароитда текшириш лозим, чунки айрим ҳолларда ўқувчининг индивидуал хусусиятларига хос бўлган феъл ва хулқ-атворнинг бирон-бир касаллик жараёнига алоқаси бўлмаган баъзи белгилари шизофрения белгилари деб қабул қилинади.

6-банди — интоксикацион (психоактив моддаларни истеъмол қилишдан кейинги ҳолатлардан ташқари) ва юқумли касалликлар ҳамда соматоген психозларни назарда тутати. Ушбу бандга радиомагнит, юқори частотали нурланиш манбалари ва бошқалар таъсиридан келиб чиққан руҳий бузилишлар ҳам киради.

7-банди — шахс бузилишлари, психопатиялар, ўқувчининг патологик ривожланиши, руҳий инфантилизмни (барча шаклларини, бундан касаллик-

лар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг 16-бандида кўрсатилган ҳолатлар мустасно) назарда тутати.

Шахс ўзгаришларининг диагностикаси учун синчковлик билан ва объектив йиғилган анамнез ҳамда руҳий касалликлар стационарида ўтказиладиган ҳар томонлама текширув натижалари зарур.

Мазкур бандга энг чуқур ва турғун касаллик кўринишларига эга бўлган узоқ муддатга меҳнат қобилиятини йўқотадиган ва хизмат мажбуриятларини бажаришга ҳалақит берадиган, яққол ифодаланган, компенсация қилиб бўлмайдиган, ядро шаклидаги психопатиялар деб аталадиган шакллар ва шахснинг патологик ривожланишлари (параноял, обсессив-фобик ва бошқалар), турғун, тўсатдан пайдо бўладиган ҳиссий-иродавий аффектив бузилишлари, реактив ҳолатларнинг ривожланиши, вегетатив асаб тизимининг турғунсизлиги билан намоён бўладиган ўртача даражада шахс бузилишларининг шакллари, компенсацияли психопатиялар ва шахснинг патологик ривожланиши ҳамда турғун ва ифодаланган патологик реакцияларга мойил бўлган руҳий инфантилизм, ҳиссий-иродавий ва бошқа кўринишлари, шу жумладан шахснинг акцентуациялашгани, транзитор шаклидаги, ташқи зарарлар (инфекция, интоксикация, жароҳатлар ва бошқалар) билан сабабий боғлиқ бўлган психопатияга ўхшаш ҳолатлар киради.

Ўқувчининг ўзига қасддан етказган тан жароҳати аломатлари аниқланганда, ўқишга қабул қилишга яроқсизлиги ҳақида хулоса чиқарилади. «Шахснинг акцентуацияси» диагнозини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ўқувчининг соғлиғи ҳолатидан келиб чиқмаган, мақсадли хулқ-атвор хатти-ҳаракатларининг ўзгариши ҳамда интизомсизлик кўринишларини касаллик аломатлари деб баҳолаб бўлмайди.

8-банди — ушбу бандга асосан эмоционал-вегетатив бузилишлар билан кечадиган энгил даражада невротик ҳолатлар киради. Шунингдек, мазкур бандга бирламчи, қисқа муддатда шаклланган, сезиларсиз даражада ифодаланган ўзгаришлар, невротик, ҳиссий-иродавий асосланган, мослашув реакциясининг бузилиши ҳолатлари киради.

9-банди — бош ёки орқа миyanинг жароҳат туфайли келиб чиққан марказий асаб тизимининг ўзгаришлари ва унинг фаолияти бузилиши мавжудлиги, марказий асаб тизимининг шикастланиши ҳамда портлаш тўлқини ва бошқа ташқи омиллар таъсири туфайли зарарланишининг асоратларини назарда тутати. Даволаниш муолажалари тугаганидан кейинги сезиларсиз асоратлар мавжудлигида касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг 12-банди бўйича қарор чиқарилади.

2-боб. Асаб тизими касалликлари ва касаллик асоратлари

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг:

10-банди — ушбу банд оддий ва талвасали ҳушидан кетишлар билан кечадиган, кризлари мавжуд бўлган вегетатив томир дистонияси ҳамда вегетатив асаб тизимидаги ўзгаришларда қўлланилади.

11-банди — ушбу банднинг «б» кичик бандига ўртача даражада касал-

лик вақтида мавжуд бўлган кўнгил заифлиги, бош оғриғи, бош айланиши, уйқу бузилиши, хушдан кетиш, иш қобилиятининг пасайиши, марказий асаб тизими томонидан бошланган айрим турғун органик касаллик белгилари мавжуд бўлган эмоциональ соҳадаги фаолият бузилиши аниқ кўриниб турган гипомимия, анизорефлексия, кўз қорачиғининг нурга нисбатан реакцияси, пирамидал касаллик симптомлари ва бошқалар тегишли ҳисобланади.

Ушбу банднинг «в» кичик бандига марказий асаб тизимининг вирусли инфекциялари, бактериялари ва инфекция-аллергик касалликларидан кейинги асоратлари, бош мия ва орқа мия инфекциялари туфайли даволангандан кейинги ҳолатлар киради.

12-банди — ушбу банднинг «б» кичик бандида бош мия ва орқа мия жароҳатларининг оқибатлари, марказий асаб тизимида содир бўлган жароҳатларнинг асоратлари, шунингдек ҳавода содир бўлган портлаш тўлқини таъсири натижасида юз берган жароҳат оқибатлари, бош мия ва орқа мия жароҳатланиши оқибатида неврологик касалликларнинг органик белгилари мавжудлиги (бурун-лабнинг бурмаларида сезиларсиз асимметрия аломатлари ҳамда анизорефлексия белгилари, сезувчанликнинг енгил тарзда бузилиши ва бошқалар), уларнинг вегетатив томир касалликлари ва турли невротик ҳолатлар билан бирга келиши назарда тутилади.

Ушбу банднинг «в» кичик бандига жароҳатланишдан кейин марказий асаб тизими фаолиятининг тўлиқ асоратсиз тикланган ҳолатлари киради. Бош мия ва орқа мия жароҳати ўтказган ўқувчиларнинг яроқлилиги стационар даволашдан кейин аниқланади.

14-банди — ушбу банднинг «б» кичик банди асаб толаларининг жароҳатланиши даволаш натижасида, уларнинг фаолияти тўлиқ тикланган, айрим сезувчанликнинг енгил даражада ҳамда жароҳатланган асаб толалари билан боғлиқ бўлган мушаклар кучининг бироз заифлашувчи, оёқ-қўллар фаолиятининг чекланмаган ҳолатларида қўлланилади.

15-банди — переферик асаб тизими касалликлари ва касаллик асоратларини даволаш натижасида уларнинг фаолияти тўлиқ тикланган, асаб толалари билан боғлиқ бўлган мушаклар кучининг бироз заифлашувчи, оёқ-қўллар фаолиятининг чекланмаган ҳолатларида ушбу банднинг «б» кичик банди қўлланилади.

3-боб. Ички аъзолар касалликлари

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг:

16-банди — тиббий кўриқдан ўтувчининг мушаклар тизими, бўйи ва вазни, кўкрак қафасининг айланаси, қомати ҳамда ёши ҳисобга олинган ҳолда қатъий равишда жисмоний ривожланишининг даражаси ҳақидаги хулоса индивидуал берилади.

Тиббий кўриқдан ўтувчининг жисмоний ривожланишини баҳолашда унинг ёшига эътибор берилади, чунки организм жадал ўсаётган вақтда унинг вазни бўйига нисбатан орқада қолиши мумкин.

Инсон вазни ва бўйининг номутаносиблиги тана ривожланишининг сал-

бий кўрсаткичи бўлиши мумкин эмас. Тиббий кўрикдан ўтувчининг жисмоний ривожланиш хулосаси мушак тизимининг ривожланиш даражасига баҳо бериш асосида қатъиян индивидуал ҳал этилади.

Мушак тизимининг ривожига баҳо беришда тери ости ёғ тўқимасининг тўпланиш даражаси ҳамда айрим тиббий кўрикдан ўтувчиларнинг мушакларининг ривожланиш хусусиятлари инobatга олинади. Бўй кўрсаткичи 150 см дан пастлигида, тана вазни 40 kg дан камлигида ушбу банд кўлланилади.

17-банди — ўткир юқумли, паразитар касалликлар, интоксикациялар натижасида вақтинчалик функционал бузилишлар мавжудлигида, бемор шифохонадан чиққанидан кейинги умумий астенизация, қувватсизлик, озикланиш бузилган ҳолатлар кўзда тутилади.

Ўткир вирусли гепатит «А» билан даволанган, жигар фаолияти тўлиқ тикланган, стационарда даволанганига 6 ой муддат ўтган ўқувчилар ўқишга яроқли деб эътироф қилинади.

19-банди — ушбу бандда кўрсатилган касалликлар аниқланган тиббий кўрикдан ўтувчилар тиббий кўрикдан фақат стационар текширув ва даво-ланишдан сўнг ўтказилади.

Эндокрин аъзоларда аниқланган касалликлар ва жарроҳлик амалиётлари орқали даволанган ўқувчиларга ушбу банднинг «б» кичик банди бўйича қарор чиқарилади.

20-банди — қоннинг тизимли касаллиги сабабчи бўлмаган, бироқ озиб кетиш ва меҳнат қобилиятининг пасайиши билан кечадиган, хар хил сабаблар келтириб чиқарадиган, ўртача намоён бўладиган анемия, лейкопения ва тромбоцитопения касалликларига чалинган тиббий кўрикдан ўтувчиларга ушбу банднинг «б» кичик банди бўйича қарор қабул қилинади.

24-банднинг «б» кичик бандига келиб чиқиши сил билан боғлиқ бўлмаган сурункали ўпка-бронх касалликлари, шунингдек бронхлар, ўпка, плевранинг ўткир шамоллашдан кейинги, ташқи нафас фаолиятининг енгил, ўрта, оғир даражада бузилган қолдиқ асоратлари киради.

28-банди — мазкур бандда назарда тутилган нейродискулятор дистония диагнози стационар шароитида, невропатолог, окулист ва заруратга қараб бошқа мутахассис шифокорлар кўриги натижасида жисмоний, ортостатик, синамалар, гипервентиляция ва бошқа тиббий кўрик усуллари орқали аниқланиши керак.

29-банди — ушбу бандга юрак томирлари ўткир касалликларининг асоратлари, шунингдек қон айланиши ва шифохонада даволанишни талаб қилмайдиган юрак ритмининг вақтинчалик бузилишлари киради. Бу банд юрак туғма нуқсони билан оғриган, фаол шакланмаган ревматизмдан, инфекция-токсик миокардитдан, юрак ишемик касалликларининг ўткир шакллари ҳолатини назарда тутди.

30-банди — ушбу банд қизилўнгач, ошқозон, ичак, қорин пардаси, жигар, ўт копи, ўт йўллари, ошқозон ости беzi, талоқ касалликларини назарда тутди.

Ушбу банднинг «б» кичик бандига қорин бўшлиғи аъзолари овқат ҳазм

қилиш, озиқланиш, ҳолсизлик каби фаолиятини бузмаган ўткир касалликлари, сурункали гастритлар ва дуоденитлар киради.

Хавфсиз билирубинемия аломатлари аниқланган тиббий кўрикдан ўтувчиларга нисбатан яроқсиз ҳисобланади.

4-боб. Жарроҳлик касалликлари

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг:

33-банди — ушбу бандга жароҳатлар, жарроҳлик амалиётлари, катта ҳажмдаги татиуровка, келлоидли, гипертрофик, атрофик чандиқлар, бош, гавда ёки оёқ-қўллар ҳаракатини ўртача чеклаб турадиган ёхуд кийим кийишга, пойабзалда юришга ёки қуrol, аслаҳа анжомлари кўтаришга қийинчилик туғдирадиган турли чандиқлар киради. Шунингдек, бош, юз, бўйин соҳалари ҳусн бузувчи чандиқлар, турли маънодаги ҳамда катта ҳажмдаги кўп сонли татуировкалар мавжудлиги ушбу бандни қўллашга асос бўлади.

34-банди — ушбу банд кўкрак қафасидаги, қорин бўшлиғидаги, кичик тос ва қорин бўшлиғи ортидаги аъзоларнинг ярадорлик, жароҳат ёки жарроҳлик муолажалари оқибатида вужудга келган асоратларни назарда тутди.

Ушбу банднинг «б» кичик бандига кўкрак қафасидаги, қорин бўшлиғидаги, кичик тос ва қорин бўшлиғи ортидаги аъзоларнинг ярадорлик, жароҳат ёки жарроҳлик муолажалари оқибатида вужудга келган вақтинчалик ўзгаришлари киради.

36-банди — умуртқа поғонасининг қўндаланг ёки ўткир қирраларнинг асоратсиз синиши, бешинчи бел умуртқасининг биринчи думғаза умуртқасига қўшилиб кетиши, сокрализацияси, шунингдек умуртқа поғонаси ва орқа миянинг фаолияти бузилиши ҳоллари кузатилмаган умуртқа поғонасининг беш градусгача қийшайиши аниқланган тиббий кўрикдан ўтувчилар яроқли ҳисобланади.

39-банди — суяқлар синиши ҳолатларида яроқлилик ҳақидаги ҳарбий тиббий комиссия қарори даволаниш натижаларига кўра аниқланади.

40-банди — соннинг ички ўсиқлари орасидаги масофа 9 см дан юқори бўлган оёқларнинг О симон эгрилигида ёки болдирнинг ички тўпиқлари орасидаги масофа 9 см дан юқори бўлган оёқларнинг Х симон эгрилиги аниқланган тиббий кўрикдан ўтувчилар яроқсиз деб топилади.

42-банди — ушбу бандда қўл бармоқлари ёки панжалари йўқлиги, нуқсонлари, эгрилиги, касаллиги натижасида фаолияти бузилиши ҳолатлари кўрилади.

Бармоқлар пайлари, асаб толалари жароҳатланиши натижасидаги тўлиқ қийшайиши ёки ҳаракатсизланиши бармоқнинг йўқлиги деб қабул қилинади.

43-банди — ушбу бандда оёқ бармоқлари йўқлиги, нуқсонлари, эгрилиги, касаллиги натижасида фаолияти бузилиши ҳолатлари кўрилади.

Оёқ бармоқлари пайлари, асаб толалари жароҳатланиши натижасидаги тўлиқ қийшайиши ёки ҳаракатсизланиши бармоқнинг йўқлиги деб қабул қилинади.

Оёқ панжаси фаолиятини бузмайдиган, биринчи бармоқдан ташқари,

бошқа битта бармоқнинг тирноқ фалангаси йўқлиги аниқланган тиббий кўрикдан ўтувчилар яроқли деб топилади.

44-банди — ушбу банд оёқ панжаси ва товонларидаги туғма, шунингдек орттирилган деформация ҳолатларини ҳамда ясси товонлик ёки болалик ёхуд ўсмирлик давридаги ясси товонлик натижасида унинг мушакларидаги асоратли ўзгаришларни назарда тутди.

Ушбу банднинг «б» кичик бандига, ясси товонликнинг II даражаси, остеоартрознинг бошланғич аломатлари аниқланган ҳолатлари тааллуқли бўлади.

Оёқ панжа суяқларининг остеоартроз асорати кузатилмаган I ва II даражали ясси товонлик аниқланган тиббий кўрикдан ўтувчилар яроқли ҳисобланади.

47-банди — ушбу бандга тугунли ёки кистоз буқоқ касаллиги киради. Эндокрин касалликлари мавжуд бўлганда касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг 19-банди қўлланади.

Аъзо фаолиятининг бузилиш аломатлари бўлмаган қалқонсимон безнинг I даражали диффуз тарздаги катталашувида ушбу банд қўлланилмайди.

49-банди — хавфсиз ўсмалар: липоматоз, гемангиомалар, невуслар, дермоидли киста пуфаклар, хондромалар ва бошқа шу сингари стандарт пойабзал, кийим кийишга, анжомлар олиб юришга халақит бермайдиган касалликлар, ошқозон-ичак трактидаги якка ҳолда ўсган полиплар, қовуқдаги хавфсиз, ички аъзолар фаолиятини бузмайдиган папиломалар аниқланган тиббий кўрикдан ўтувчилар яроқли ҳисобланади.

50-банди — аорта, магистрал, периферик, артерия, вена ва лимфа томирлари касалликлари ҳамда жароҳатдан кейинги асоратларида ушбу банд асосида қарор чиқарилади.

Оёқ териси ости веналарининг алоҳида соҳаларида, асоратсиз кенгайишида ушбу банд қўлланилмайди.

51-банди — киндикдаги кичик чурралар, шунингдек чов ҳалқасининг чуррасиз кенгайиши ҳолатлари аниқланган ўқувчиларга ушбу банд қўлланилмайди.

55-банди — ушбу банднинг «б» кичик бандига муваффақиятли даволаш натижаларидан кейинги асоратсиз ташқи бавосил тааллуқли.

56-банди — ушбу банднинг «б» кичик бандига сийдик чиқариш йўлидаги, ультратовуш текшируви билан тасдиқланган, якка ҳолдаги кичик (0,5 см гача) тошларни инструментал йўл билан (лоханка-буйрак жоми, сийдик йўли, қовуқ-сийдик пуфагидан) олиб ташланганидан ёки зарб тўлқинли литотрипсидан кейин буйраклар фаолияти бузилмаган ҳолатлар, такрорий равишда тош ҳосил бўлмасдан якка тошнинг тушиб кетиши, оғриқ синдромисиз кечадиган I даражали нефроптоз, қисқа муддатли гематурия билан кечадиган буйрак лат еганидан кейинги ҳолатлар ҳамда гипоспадия ва эписпадия киради.

59-банди — кечалари сийдик тутолмаслик диагнози стационарда текширилиб, тасдиқланиши шарт.

60-банди — уруғ найчаси веналарининг яққол кўзга ташланадиган тарз-

даги кенгайиши (вена тугунлари мойкнинг пастки қисмига осилиб тушган ҳолатлар, мойк ҳажми кичрайиши, кремастер рефлексининг мавжуд бўлмаслиги, варикоз кенгайган веналарда қўшимча яллиғланиш билан боғлиқ ўзгаришлар ҳамда оғриқ синдроми мавжуд бўлган ҳолатлар) мазкур банднинг «а» кичик бандига тааллуқли бўлади.

Варикоз тарздаги уруғ найчаси атрофидаги веналарнинг варикоз тарзидаги II даражали кенгайиши (найча мойк полюсининг ўрта қисмидан пастроққа тушиб кетиши, мойкнинг атрофияси ва оғриқ синдромининг йўқлиги) ҳолатлари мазкур банднинг «б» кичик бандига тааллуқли бўлади.

Чап томондаги уруғ найчаси веналарининг сезиларсиз, I даражали кенгайиши ҳолатлари аниқланган тиббий кўрикдан ўтувчилар яроқли ҳисобланади.

61-бандида кўрсатилган касалликларни муваффақиятли даволаш натижаларидан кейинги ҳолатларда тиббий кўрикдан ўтувчилар яроқли деб топилади.

62-бандида кўрсатилган касалликларни муваффақиятли даволаш натижаларидан кейинги ҳолатларда тиббий кўрикдан ўтувчилар яроқли деб топилади.

5-боб. Қулоқ, бурун ва юқори нафас йўллари касалликлари

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг:

65-банди — олдинги перфорация ўрнидаги чандиқлар ҳамда оҳакланиши-қаттиқлашиши натижасида ҳосил бўлган ўзгаришлар — чандиқлар қулоқ ногора пардасига зарар етказмаган, эшитиш даражаси ўзгармаган ҳамда қулоқнинг барофункцияси бузилмаган ҳолларда яроқли ҳисобланади.

71-банди — бурун бўшлиқларида йирингли яралар билан кечадиган сурункали касалликлар мавжудлиги риноскопия ва бурун бўшлиғини рентгенография қилиш орқали, гаймор бўшлиғи учун эса даволаш муассасаси томонидан ўтказилган диагностик пункция орқали олинган натижалар билан тасдиқланиши керак.

73-банди — ушбу бандга йилига камида икки мартадан такрорланиб турадиган сурункали тонзиллит зўриқиши билан кечадиган, тонзиллоген интоксикочия, бодомсимон безлар олди тўқималарида яллиғланиш, регионал лимфа тугунчалари яллиғланиши (паратонзиллар абцесс, регионал лимфаденит) сингари ҳолатларининг сурункали декомпенсацияланувчи тонзиллити киради. Сурункали тонзиллитнинг бошқа оддий шакллари ҳамда бодомсимон безлар гипертрофиясининг бошқа шакллари мавжуд бўлган ҳолларда, тиббий кўрикдан ўтувчилар даволанганларидан сўнг яроқли деб топилади.

76-банди — ўқувчилар касаллик, жарохат, операциядан кейинги вақтда уларга касаллиги бўйича даволаниш тўғрисидаги қарор чиқарилиб, махсус даволаниш тамом бўлган, лекин шу қобилятининг тўла тикланиши учун муддат талаб қилинадиган ҳолларда, ушбу банд қўлланилади.

Ўрта қулок, трахея бурунда радикал, реконструктив жарроҳлик амалиётлари ўтказган тиббий кўрикдан ўтувчиларга яроқсиз хулоса чиқарилади.

6-боб. Оғиз бўшлиғи ва жағ касалликлари

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг:

77-банди — ушбу бандга юз-жағ соҳасининг туғма ва орттирилган нуқсонлари ва шакл ўзгаришлари, даволаш муолажалари, шу жумладан жарроҳлик амалиётларидан кейин самарасиз кечадиган жағнинг, сўлак безларининг, чакка пастки жағ бўғимларининг сурункали касалликлари киради.

Тиш қатори бир йўналишда оралиқ 5 мм гача сурилган холларда I даражали, 5 мм дан 10 мм га қадар сурилганда II даражали, 10 мм дан ортиқ сурилганда III даражали тишлов аномалияси деб баҳоланади.

Мазкур банднинг «а» кичик бандига пастки жағнинг хавфсиз ўсmalar туфайли тўлиқ ёки қисман кесиб олинган ва бошқа тўқима кўчириб ўтқазилган нуқсонлари киради.

Ушбу бандга II-III даражали тишлов аномалиялари (тиш қаторларининг силжиши 10 мм дан кўп) ёки чайнаш самарадорлигини Агапов усули бўйича 60 фоиздан камроқ, чакка пастки жағ битишувлари, туташиб кетишлари ва жағнинг сохта бўғимлари, юз нервининг асосий шохи ёки йирик шохларидан бирининг шикастланишидан юзага келган мимик мушакларнинг фалажланиши, сурункали, тез-тез қайталанувчи сўлак безлари яллиғланишлари, юз-жағ соҳасининг актиномикозлари, чириган суюк бўшлиқлари ва парчалари мавжуд бўлган жағ остеомиелити киради.

Ўқувчиларда тиш қаторларини 5 мм гача (I даража) силжиганида, чайнаш жараёнининг бузилиши ёки чайнаш самарадорлигини Агапов усули бўйича 60 фоиздан камроқ бўлиши билан бирга кечадиган тишлов аномалиялари, юқори лабнинг ёриғи ва бошқа туғма нуқсонлари мавжуд бўлганда яроқсиз ҳисобланади.

78-банди — тишларида кўплаб кариес, кариоз, пломбаланган ва суғуриб ташланган тишлар сони 6 тага етган ҳамда бунда тишларнинг камида 4 таси тиш пульпаси билан ёки периодонт билан жароҳатланган, шу жумладан илдиз каналлари пломбаланган тишлари бўлган ўқувчилар мазкур банднинг «б» кичик банди бўйича яроқсиз деб топилади.

Протезлашнинг иложи бўлмаган тиш илдизлари мавжудлигида тишларнинг йўқлиги ҳақида қарор чиқарилади, бундан ечилмайдиган протезли тишлар мустасно.

79-банди — пародонтит ва пародонтоз диагнозлари тасдиқланганда ушбу банд қўлланилади.

Пародонтит ва пародонтоз диагнозлар тиш-жағ тизими тўлиқ текширилиб, рентгенография текшируви ёрдамида тасдиқланиши ва бошқа ҳамроҳ касалликлар (кўп шаклдаги экссудатив эритема, қизил ясси темиртки, пўрсилдоқ, стоматитлар, хейлитлар, гингивитлар, лейкоплакия ва преканцерозлар: Манготти абразив хейлити, Боуэна касаллиги ва бошқалар) аниқланиши лозим.

7-боб. Кўриш аъзолари ва кўз ёрдамчи аъзолари касалликлари

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг:

81-банди — ушбу бандда иккала кўз қовоқлари яққол ифодаланган етишмовчиликлари (птоздан ташқари), иккала кўзда қовоқларнинг оғир даражада птози, битта кўз юқори қовоғининг оғир даражада птози ёки жарроҳлик йўли билан даволанишга кўрсатма бўлмаган битта кўз қовоғи ўрта даражада етишмовчиликлари, битта кўзда қовоқ етишмовчилигининг яққол ифодаланган шакллари, иккала кўзда ўрта даражада ифодаланган шакллари, лагофталъм, шунингдек кўриш ва кўз ҳаракати фаолияти инобатга олинади.

Туғма птоз — яъни қовоқларнинг пастга тушиши ёки касаллик натижасида юқори қовоқ пастга томон осилиб, кўз қорачиғининг ярмидан кўпроқ қисмини бекитиб қўйган (пешона мушаклари зўриқмаган) ҳолатларда ушбу банд қўлланилади.

82-банди — ушбу бандга сурункали блефаритлар ва конъюктивитларнинг турли шакллари киради.

Оддий блефаритнинг асоратсиз турлари, пўстлоқ — тангачалар қопланган оддий блефарит ва кўз қовоқлари чеккасида бироз гиперемия бўлган ҳолатлар, якка-якка фолликулалар мавжуд бўлган, фолликуляр конъюктивитлар, кўз қовоқларининг бурчакларида конъюктиванинг силлиқлашуви ҳамда конъюктивал гумбазлар соҳасидаги силлиқлашишлар, айрим майда сиртки чандиқлар трахоматоз бўлмаган конъюктива чандиқчалари ҳамда конъюктива кўзнинг шох пардасида бошқа ўзгаришларсиз силлиқ чандиқлари билан кечадиган кўз касалликлари яроқсиз деб топилади.

Баҳорги катар, кўз пардасида сохта ва ҳақиқий қанотсимон шаклдаги пардалари аниқланганда яроқсиз ҳисобланади.

84-банди — нистагм марказий асаб тизими ёки вестибуляр аппарат касаллигининг белгиларидан бири бўлган ҳолларда, ҳарбий тиббий комиссиянинг қарори асосий касаллик бўйича чиқарилади.

85-банди — оптика-реконструктив, олдинги кератотомия ва ласик (лазерли кератомилез) жарроҳлик амалиёти билан даволанганлар кўриш фаолиятдан қатъи назар яроқсиз деб топилади.

Кўз ва унинг ҳосилаларида ўсмалар мавжудлигида, уларнинг хусусиятига қараб, касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг 48 ва 49-бандлари қўлланилади.

86-банди — аккомодациянинг турғун спазмида невропатолог, терапевт ва бошқа мутахассис шифокорларнинг иштирокида тиббий кўрик ўтказилиши лозим. Агар спазмлар (мушакларнинг тоник таранглиши) нерв тизими, ички аъзолар ва бошқа касалликлар сабабли вужудга келган ҳолларда асосий касаллик бўйича қарор чиқарилади.

Кўз аккомодацияси (мослашиш) бир томонлама турғун фалажликка учраган ҳолларда кўзнинг бошқа фаолиятларига (кўриш қувватига, кўриш майдонига) қараб қарор чиқарилади.

Аккомодация спазми ва фалажлиги, у қай даражада ифодаланганлигидан қатъи назар, яроқсиз ҳисобланади.

87-банди — кўз гавҳарининг чиқиши ва унинг жойидан қўзғалиши афакция тарзида баҳоланади. Агар яллиғланиш ва кўз босими ошиши мавжудлиги аниқланса, касалликлар жадвалининг 85 ёки 89-бандлари қўлланилади.

89-банди — глаукома диагнози стационар шароитида тасдиқланиши лозим.

92-банди — кўриш ўткирлиги коррекция билан ҳар бир кўзда 0,6 дан паст бўлмаслиги керак. Ушбу ҳолларда миопия ёки гиперметропия 4,0 D гача ёки астигматизмнинг икки асосий меридиандаги рефракция фарқи 2,0 D дан кўп бўлмаган ҳолларда яроқли деб топилади.

93-банди — рефракция аномалиялари тури ва даражаси скиаскопия ёки рефрактометрия текширув усуллари ёрдамида аниқланади.

Рефракция аномалиясининг хусусият ва даражаси барча тиббий кўриқдан ўтувчиларда қуйидаги усуллар ёрдамида аниқланади:

субъектив усул — бунда кўриш ўткирлиги коррекция йўли билан текширилади;

объектив усул — бунда кўзнинг нур синдириш қобилияти скиаскопия йўли билан (қисман циклоплегия шароитида мидриацил эритмасидан томизиб туриб) аниқланади ёки рефрактометрия усули қўлланади.

Субъектив ва объектив текшириш йўли билан олинган маълумотлар бир-биридан фарқ қилган ҳолларда объектив текшириш натижалари инobatга олиниб, кўриш ўткирлиги такрорий равишда коррекция ўтказиб текшириб кўрилиши керак. Шубҳа туғилган ҳолларда рефракцияни объектив аниқлаш тўла циклоплегия шароитида ўтказилади (бу муолажани ўтказишда кўзга томизиладиган дорилар: гомотропиннинг бир фоизли эритмаси ёки бир фоизли атропин эритмаси томизилади).

Биомикроскопик текширув ёрдамида аниқланадиган, кўриш ўткирлигини пасайтирмайдиган ранглар жилоси ва гавҳарнинг олди капсуласидаги пигмент (туғма қорачиқ қолдиқ мембранаси) мавжудлиги яроқли деб топишга асос бўлади.

94-банди — ранг ажратиш қобилияти Рабкин жадвали ёрдамида аниқланади.

Аномал трихромазия «С» тури аниқланган ҳолларда тиббий кўриқдан ўтувчи яроқли деб топилади. Ушбу ҳолларда Рабкин жадвалининг 12 та жадвалдаги ранглар аниқланиши, бунинг ичида Рабкин жадвалининг XVIII жадвали бўлиши зарур.

95-банди — мазкур бандга кўзнинг шохпардаси, рангли пардаси ва бошқа пардаларининг ўткир касалликлари, шунингдек жароҳатлар ва жарроҳлик муолажалари сабаб бўлган кўриш қобилиятининг вақтинчалик бузилиш ҳолатлари киради.

8-боб. Тери ва тери ости қавати касалликлари

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг:

96-банди — қийин даволанадиган, сурункали кенг тарқалган шаклида-

ги касалликлар: ихтиоз, экзема, псориаз (артропатик эритродермия), тери қаватларининг кенг тарқалган лихнефикация билан кечадиган атопик дерматит, нейродермит, буллалли дерматитлар (пўрсилдоқ яранинг барча турлари, буллалли пемфингоид, герпес шаклли Дюринг касаллиги, қизил югирикнинг тарқалган тери шакли, сурункали тез-тез қайталанадиган крапивница, дерматомиозит, тарқалган склеродермия) касалликларида ушбу банд орқали қарор чиқарилади.

Ўқувчида себорея аломатлари мавжуд бўлганда, у яроқли деб топилади.

99-банди — якка пигментли ёхуд сўгалсимон невуслар мавжуд ўқувчилар яроқли деб топилади.

9-боб. Таносил касалликлари

Касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг:

104-банди — таносил касаллиги мавжудлиги аниқланган тиббий кўриқдан ўтувчилар яроқсиз деб топилади. Бу ҳақида тегишли соғлиқни сақлаш муассасасига хабар қилинади.

10-боб. Гинекологик текширувлар

106-банди — гинекологик текширув ўтказилаётганда ташқи кўриқ натижалари, вагинал ажралмалари ва суртмаларининг цитологик ҳамда бактериологик ва ультратовуш текширувлари хулосалари инобатга олинади.

Изоҳ: касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг мазкур изоҳда кўрсатилмаган бандларида назарда тутилган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар юзасидан хулоса мутахассис шифокорлар томонидан тўғридан-тўғри чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги академик лицейларига ўқишга
кираётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Академик лицейларига кираётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишда мажбурий бўлган тиббий таҳлиллар ва текширувлар РЎЙХАТИ

1. Умумий қон таҳлили — кенгайтирилган.
2. Умумий пешоб таҳлили.
3. Гижжа тухумлари ва содда организмларни аниқловчи ахлат таҳлили.
4. Гепатитнинг «В» ва «С» (HBsAg, HCV) маркерларини аниқловчи қон таҳлили.

5. Қоннинг RW (Вассерман реакцияси) таҳлили.
6. Қоннинг ОИТС/ОИВ таҳлили (ОИТСга қарши кураш марказларида).
7. Қоннинг АЛТ, АСТ, умумий оксил ва билирубин (фракциялари билан) таҳлили.
8. Электрокардиография текшируви (ЭКГ).
9. Эндоскопик эзофагогастроэдуоденоскопия текшируви (ЭФГДС) хулосалари.
10. Ультратовуш текшируви (УТТ).
11. Кўкрак қафаси аъзоларининг флюорографияси (текширилувчининг Ф.И.О. ҳамда текширув тартиб рақами ва ўтказилган сана кўрсатилади).

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги академик лицейларига ўқишга
кираётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА



(М.Ў.)

Академик лицейга ўқишга кираётган ўқувчининг тиббий кўрикдан ўтказиш КАРТАСИ

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Туғилган йили _____
3. Доимий яшаш жойи (манзили) _____

Текширув турлари	Мутахассис шифокор текширувининг маълумотлари ва диагнози	
	бирламчи тиббий кўрик	яқуний тиббий кўрик
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
1. Шикоятлар ва анамнези		
2. Ўтказилган касалликлар ва жароҳатлар		
3. Антропометрик кўрсаткичлар:		
Бўйи		
Тана вазни		
Динамометрия:		
Ўнг қўл		
Чап қўл		
Гавдани тик туриш пайтида		

Текширув турлари	Мутахассис шифокор текширувининг маълумотлари ва диагнози	
	бирламчи тиббий кўрик	якуний тиббий кўрик
<i>I</i>	2	3
4. Жарроҳлик текшируви натижалари: Умумий жисмоний ривожланиши Тери ва кўринадиган шиллик қаватлар Лимфа тугунлари Суяк-мушак тизими Периферик томирлар Сийдик чиқариш ва жинсий тизим Анус		
Диагноз: Хулоса Сана, жарроҳнинг имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми		
5. Ички аъзолар текшируви натижалари: Озиқланиш Эндокрин тизими Юрак: чегаралари Тонлар Фаолият синамалари Пульс Артериал босим Нафас аъзолари Овқат ҳазм қилиш аъзолари Жигар Талоқ Буйрақлар		
Диагноз: Хулоса Сана, терапевтнинг имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми		
6. Асаб тизими текшируви натижалари: Бош-мия нервлари Ҳаракат фаолияти Рефлекслар Сезиш Вегетатив асаб тизими		
Диагноз: Хулоса Сана, невропатологнинг имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми		
7. Руҳий ҳолатни текширув натижалари: Онг Диққат-эътибор Хотира Тафаккур Интеллект Ҳиссий-иродавий фаолият		
Диагноз: Хулоса Сана, психиатрнинг имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми		

Текширув турлари	Мутахассис шифокор текширувнинг маълумотлари ва диагнози	
	бирламчи тиббий кўрик	якуний тиббий кўрик
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>
8. Кўриш аъзосининг текширув натижалари Ранг ажратиш (Рабкин бўйича)		
Кўриш ўткирлиги коррекциясиз	Ўнг кўз Чап кўз	
Кўриш ўткирлиги коррекция билан	Ўнг кўз Чап кўз	
Рефракция скиаскопик	Ўнг кўз Чап кўз	
Биноккуляр кўриш		
Яққол кўришнинг энг яқин нуқтаси	Ўнг кўз Чап кўз	
Кўз ёши йўллари		
Қовоқ ва конъюнктива		
Кўз олмаларининг жойлашуви, ҳаракатчанлиги		
Қорачиқ ва уларнинг таъсирга жавоби		
Оптик муҳитлар	Ўнг кўз Чап кўз	
Диагноз: Хулоса Сана, офтальмологнинг имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми		
9. ЛОР-аъзоларнинг текширув натижалари: Нутқ		
Бурун орқали нафас	Ўнг чап	
Ҳид билиш	Ўнг чап	
Пичирлаб гапиришга эшитиш ўткирлиги	Ўнг чап	
Қулоқнинг барофаолияти	Ўнг чап	
Вестибуляр аппаратининг фаолияти (айланиш билан икки ҳисса тажриба)		
Диагноз: Хулоса Сана, отоларингологнинг имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми		
10. Тишлар ва оғиз бошлигининг текширув натижалари: Тишлаш ҳолати		
Оғизнинг шиллиқ қавати		
Тишлар		
Милклар		
Диагноз: Хулоса: Сана, стоматологнинг имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми		
11. Тери таносил текширув натижалари		
Диагноз: Хулоса Сана, дерматовенерологнинг имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми		

12. Рентген, таҳлилий ва бошқа текширувлар ҳамда бошқа мутахассис шифокорларнинг хулосалари ёзувлари:

13. Ҳарбий тиббий комиссиянинг бирламчи тиббий кўрик бўйича якуний диагнози:

14. Ҳарбий тиббий комиссиянинг бирламчи хулоса ва қарорлари:

20__ йил «__» _____ хузуридаги

(ички ишлар органи)

ҳарбий-тиббий комиссияси томонидан бирламчи тиббий кўрик натижаларига кўра касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг _____ банди _____ кичик банди(лари) асосида _____ га киришга

(академик лицейнинг номи)

_____ .
(яроқли ёки яроқсизлиги кўрсатилади)

Комиссия раиси _____

(унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Комиссия котиби _____

(унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

15. Ҳарбий тиббий комиссиянинг якуний тиббий кўрик бўйича диагнози:

16. Ҳарбий тиббий комиссиянинг якуний хулоса ва қарорлари:

20__ йил «__» _____ хузуридаги

(ички ишлар органи)

ҳарбий-тиббий комиссияси томонидан якуний тиббий кўрик натижаларига

кўра касалликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг _____ банди
 _____ кичик банди(лари) асосида _____ га киришга
 (академик лицейнинг номи)

_____ .
 (яроқли ёки яроқсизлиги кўрсатилади)

Комиссия раиси _____
 (унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Комиссия котиби _____
 (унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
 вазирлиги академик лицейларига ўқишга
 кираётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан
 ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
 6-ИЛОВА

Ўқувчининг соғлиги ҳолатини текшириш ДАЛОЛАТНОМАСИ

_____ .
 (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили)

_____ ички ишлар органи ХТК томонидан 20__ йил
 «___» _____ даги _____-сон йўлланмаси асосида стационар (амбула-
 тор) равишда _____
 (даволаш-профилактика муассасасининг номи)

20__ йил «___» _____ дан 20__ йил «___» _____ гача
 текширувдан ўтказилган.

Шикоятлари: _____

Анамнези _____

Объектив текширув маълумотлари _____

Махсус текширувлар натижалари (тахлилий, рентгенологик, ускунавий ва бошқалар) _____

Диагноз _____

Даволаш-профилактика муассасасининг бош шифокори _____

(имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми)

Текширув ўтказган шифокор _____

(имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми)

Сана _____

М.Ў.

Даволаш-профилактика муассасасининг манзили: _____

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги академик лицейларига ўқишга
кираётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

(Ҳарбий-тиббий комиссиянинг номи
(тўлиқ кўрсатилади))

МАЪЛУМОТНОМА

20__ йил «__» _____ -сон

(ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили)

Диагноз: _____

Бўйи _____ см, Вазни _____ kg, Кўкрак айланаси (тинч ҳолатда)
_____ см.

_____ хузуридаги

(ички ишлар органи)

ҳарбий-тиббий комиссияси томонидан тиббий кўрик ўтказилиб, касал-
ликлар ва жисмоний нуқсонлар жадвалининг _____ банди _____ кичик
банди(лари) асосида ҳарбий-тиббий комиссия томонидан _____
_____ деб топилди.

(ўқишга қабул қилишга яроқли ёки яроқсизлиги кўрсатилади)

Комиссия раиси _____

(имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми)

Комиссия котиби _____

(имзоси, фамилияси, исми ва отасининг исми)

М.Ў.

Ҳарбий-тиббий комиссиянинг манзили _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

62 **Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2983*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон «Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 январь,
4-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2018 йил 25 январдаги
4-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон «Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан (бундан буён матнда аттестация деб юритилади) ўтказиш натижалари юзасидан санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини аттестациядан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижасида ташкилотнинг аттестация комиссияси томонидан ташкилотдаги санитария-техник ҳолатнинг паспорти (бундан буён матнда паспорт деб юритилади) тузилади.

3. Паспорт ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади ва ташкилотда сақланади.

2-боб. Паспортни расмийлаштириш

4. Паспорт мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

5. Паспорт қуйидаги маълумотлардан иборат бўлади:
ташкilotнинг номи, идоравий мансублиги (агар идоравий мансуб бўлса)
ҳамда манзили кўрсатилган титул варақ;
ташкilot ходимлари тўғрисида умумий маълумотлар (1-жадвал);
ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари учун мослаштирилган санитария-маиший ва ёрдамчи хоналар ва жихозлар ҳамда яратилган қулайликлар тўғрисида маълумотлар (2-жадвал);
ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган бўлинма (цех) тўғрисида маълумотлар (3-жадвал);
ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган бўлинмадаги (цехдаги) ходимлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган жойлар сони тўғрисида маълумотлар (4-жадвал);
ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган бўлинмадаги (цехдаги) иш жойларининг меҳнат шароитлари ҳолати тўғрисида маълумотлар.

Паспортга Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда тўлдирилган иш жойининг меҳнат шароитлари харитаси илова қилинади.

6. Паспортнинг 1-жадвалида (Ташкilot ходимлари тўғрисида умумий маълумотлар) ташкilotда ишлаётган ходимлар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Бунда:

ходимларнинг умумий сони ташкilotнинг маълумотига кўра аниқланади;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳақида (ногиронлик гуруҳи) аниқ маълумотларни киритиш учун тиббий-меҳнат эксперт комиссияси маълумотларидан фойдаланилади;

малакасини оширган ёки янги касбни эгаллаган ногиронлиги бўлган шахслар малакасини оширганлигини ёхуд янги касбни эгаллаганлигини тасдиқловчи ҳужжатга асосан аниқланади.

7. Паспортнинг 2-жадвалида (Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари учун мослаштирилган санитария-маиший ва ёрдамчи хоналар ва жихозлар ҳамда яратилган қулайликлар ҳақида маълумотлар) ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари учун мослаштирилган (мўлжалланган) санитария-маиший ва ёрдамчи хоналар, жихозлар ҳамда яратилган бошқа қулайликлар ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

Бунда 2-жадвалнинг 3-устунида ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилиши лозим бўлган хоналарнинг (жихозларнинг, яратилган бошқа қулайликларнинг) сони санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларидан келиб чиқиб кўрсатилади.

8. Паспортнинг 3-жадвали (Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган бўлинма (цех) тўғрисида маълумотлар) ногиронлиги

бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган ҳар бир бўлинма (цех) бўйича тузилади.

9. Паспортнинг 4-жадвали (Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган бўлинмадаги (цехдаги) ходимлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган жойлар сони тўғрисида маълумотлар) ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган ҳар бир бўлинма (цех) бўйича тузилади.

Бунда ногиронлиги бўлган шахслар ҳақида (ногиронлик гуруҳи) аниқ маълумотларни киритиш учун тиббий-меҳнат эксперт комиссияси маълумотларидан фойдаланилади.

10. Паспортдаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиладиган бўлинмадаги (цехдаги) иш жойларининг меҳнат шароитлари тўғрисида маълумотлар Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ меҳнат шароитлари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тифизлиги, асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижасида тузилади.

3-боб. Яқуний қоида

11. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 23 январь

*Ўзбекистон Қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

К. РАФИКОВ

2018 йил 24 январь

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

ТАСДИҚЛАЙМАН

_____ (ташкилот раҳбарининг Ф.И.О)

_____ (имзо)

20__ йил «___» _____

_____ (ташкилотнинг идоравий мансублиги, агар идоравий мансуб бўлса)

_____ (ташкилотнинг номи)

**Санитария-техник ҳолатнинг
ПАСПОРТИ**

Ташкилотнинг манзили:

**Ташкилот ходимлари тўғрисида умумий
МАЪЛУМОТЛАР**

1-жадвал

Т/р	Маълумотлар	Кўрсаткичлар
	1	2
1.	Ходимларнинг умумий сони, жами:	
	Шулардан ногиронлиги бўлган шахслар:	
	шу жумладан: эркаклар	
	аёллар	
2.	I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, жами:	
	шу жумладан: эркаклар	
	аёллар	
	II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, жами:	
	шу жумладан: эркаклар	
	аёллар	
	III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, жами:	
	шу жумладан: эркаклар	
	аёллар	
	3.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланадиган ихтисослаштирилган бўлинма (цех) сони (агар мавжуд бўлса)
4.	Ногиронлиги бўлган шахслар учун иш жойларининг умумий сони	
5.	Ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган иш жойларининг сони (агар мавжуд бўлса)	
6.	Малакасини оширган ногиронлиги бўлган шахслар сони	
	Янги касбни эгаллаган ногиронлиги бўлган шахслар сони	
7.	Ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш шакли: поликлиника / тиббий санитария қисми	

**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари учун
мослаштирилган санитария-маиший ва ёрдамчи хоналар ва
жиҳозлар ҳамда яратилган қулайликлар тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

2-жадвал

Т/р	Маиший хоналар, жиҳозлар ҳамда яратилган қулайликлар	Умумий сони	Шулардан ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган сони	
			санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ	амалда
	1	2	3	4
1.	Гардеробхоналар			
2.	Жавонлар сони			
3.	Душхоналар			
4.	Ювиниш хоналари			
5.	Санузеллар:			
	унитазлар			
	полусту чашалар			
	писуарлар			
	ташқарида жойлашган ҳожатхона			
6.	Аёлларнинг шахсий гигиенаси учун хоналар			
7.	Дам олиш учун хоналар			
8.	Кийимларни қуриштириш ва тозалаш учун хоналар			
9.	Ичимлик сув билан таъминганлик:			
	ичимлик сув фавворачалари			
	сатуратор қурилмалари			
	электр сув қайнатгичлари			
10.	Ошхонада ўтириш жойлари сони			
	Шундан: қўлтиқ таёқда ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун			
	Ногиронлик аравачасида ҳаракатланадиган ногиронлиги бўлган шахслар учун			

**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан
фойдаланиладиган бўлинма (цех) тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

(бўлинма (цех) номи)

3-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	1-устунда кўрсатилганлардан бири ёки бир нечтаси кўрсатилади
	1	2
1.	Бўлинма (цех) жойлашган жой:	
	умумий хонада	
	мослаштирилган хонада	
	махсус конструкцияланган хонада	
	очиқ майдонда	
2.	Вентиляция тизими:	
	табiiй (аэрация)	
	сунъий умумалмашувчи	
	кондициялаш билан умумий оқимли	
	кондициялашсиз умумий оқимли	
	умумий ҳаво тортиш	
	маҳаллий ҳаво тортиш	
3.	Ёритиш турлари:	
	табiiй	
	сунъий	
	аралаш	
4.	Ёритиш тизими:	
	умумий	
	комбинацияланган	
5.	Иситиш тизими:	
	марказлаштирилган	
	маҳаллий	
6.	Биоларнинг жиҳозланганлиги:	
	махсус ўтиш жойлари	
	махсус зинапоялар	
	кўтаргичлар	
	пандуслар	
7.	Таниб олиш ва топиш учун рангли ва овозли белгилар мавжудлиги:	
	эшикларда	
	зинапояларда	
	пандусларда	
	ўтиш жойларда	
	кўтаргичларда	
8.	Зинапоялар, тушиш жойларида суянчиқлар мавжудлиги	
9.	Хавфли жойларнинг белгиланиши:	
	ёритиш воситалар билан	
	кескин фарқ қилувчи ранглар ва материаллар билан	

**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан
фойдаланиладиган бўлинмадаги (цехдаги) ходимлар
ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун
ихтисослаштирилган жойлар сони тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

(бўлинма (цех) номи)

4-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	Сони
	1	2
1.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сони, жами	
	улардан:	
	I гуруҳ ногиронлиги бўлганлар	
	шу жумладан: эркаклар	
	аёллар	
	II гуруҳ ногиронлиги бўлганлар	
	шу жумладан: эркаклар	
	аёллар	
	III гуруҳ ногиронлиги бўлганлар	
	шу жумладан: эркаклар	
аёллар		
2.	Ногиронлиги бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган жойлар сони, жами	
	улардан:	
	I гуруҳ ногиронлиги бўлганлар учун	
	шу жумладан: эркаклар	
	аёллар	
	II гуруҳ ногиронлиги бўлганлар учун	
	шу жумладан: эркаклар	
	аёллар	
	III гуруҳ ногиронлиги бўлганлар учун	
	шу жумладан: эркаклар	
аёллар		

**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан
фойдаланиладиган бўлинмадаги (цехдаги) иш
жойларининг меҳнат шароитлари тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Ишларнинг бажарилиши: _____
(ўтириб, туриб, ўтириб-туриб)
2. Ўтириб ишлаганда эргономик талабларга мослиги: _____
(ха, йўқ)
3. Туриб ишлаганда эргономик талабларга мослиги: _____
(ха, йўқ)
4. Иш позаси: _____
(мажбурий, эркин)
5. Иш мебеллари эргономик талабларга мослиги: _____
(ха, йўқ, қисман)
6. Танани столда ушлаб туриш учун ёрдамчи воситалар мавжудлиги:
ўтирганда _____
(мавжуд, мавжуд эмас)
турганда _____
(мавжуд, мавжуд эмас)
стол баландлигини созлаш имконияти _____
(мавжуд, мавжуд эмас, қисман мавжуд)
стол суянчиғини созлаш имконияти _____
(мавжуд, мавжуд эмас, қисман мавжуд)
7. Ногиронлар аравачасидан фойдаланадиган шахслар учун иш ўрнининг мослаштириш имконияти мавжудлиги: _____
(мавжуд, мавжуд эмас, қисман мавжуд)
8. Қўшимча ёритиш мавжудлиги: _____
(мавжуд, мавжуд эмас)
9. Авария ва огоҳлантирувчи сигналларни узатиш учун товушли сигналларнинг мавжудлиги _____
(мавжуд, мавжуд эмас)
10. Авария ва огоҳлантирувчи сигналларни узатиш учун бошқа сигналларнинг мавжудлиги _____
(мавжуд, мавжуд эмас)
11. Қўлланиладиган технологияларнинг таърифи:

12. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланганлиги муносабати билан қўлланиладиган технологиялар таърифидаги ўзгартиришлар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

219 Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахбороти-
нинг давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит
ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгар-
тиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-
зий банки тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун-
ларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги
ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини
тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига муво-
фиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қила-
ди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил
14 январдаги 1/4-сон қарори (рўйхат рақами 2332, 2012 йил 2 март) (Ўзбе-
кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 92-мод-
да) билан тасдиқланган Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахбороти-
нинг давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 февраль,
7/3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 мартда
эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
24 февралдаги 7/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг
давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини
тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Кредит ахбороти миллий институти (бундан буён матнда КАМИ деб юритилади)» деган сўзлар «Кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банддаги «КАМИга» қисқартмаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш департаментига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 16-банддаги «кредит ахборотини КАМИ ва кредит бюролари томонидан ўзгартириш» деган сўзлар «кредит ахборотининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш департаменти ва кредит бюролари томонидан ўзгартирилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**220 Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тарти-
би тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 мартда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/8-сон қарори (рўйхат рақами 2933, 2017 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 39-сон, 1052-модда) билан тасдиқланган Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 февраль,
7/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
24 февралдаги 7/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 94-банддаги «фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда» деган сўзлар «молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 150-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«150. Молиявий йилнинг якунида барча даромад ва харажатлар ҳисобварақлари қолдиқлари 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали ёпилиши лозим:»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дебет Даромад ҳисобварақлари (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан)»;

еттинчи хатбошидаги «(фойда ва зарарлар ҳисоботидан)» деган сўзлар «(молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1-иловада:

22510 коднинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов»;

22512 коднинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғармалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар»;

56122 коднинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғармаларга ажратмалар»;

56722 коддан кейин қуйидаги мазмундаги код билан тўлдирилсин:

«56795 Бошқа операцион харажатлар»;

56834 коддан кейин қуйидаги мазмундаги код билан тўлдирилсин:

«56840 Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»;

96345 ва 96351 кодлар чиқариб ташлансин.

4. 2-иловада:

22502 коднинг иккинчи хатбошисидан «, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

22510 код қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«22510 Ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов

Ҳисобварақнинг таърифи: қонун ҳужжатларига мувофиқ ломбард томонидан ягона ижтимоий тўлов бўйича ўтказиладиган маблағлар ҳисоби юри-тилади.

Ҳисобварақнинг кредитида ломбард томонидан ягона ижтимоий тўловга ўтказиладиган маблағлар суммаси акс этирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида ягона ижтимоий тўловга ўтказилган маблағлар суммаси акс этирилади.

Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

22512 код қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«22512 Жамғармалар билан бўладиган ҳисоб-китоблар

Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жамғармаларга ўтказиладиган тўловлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида жамғармаларга ўтказиладиган тўловлар суммаси акс этирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида жамғармаларга ўтказилган тўловлар суммаси акс этирилади.

Таҳлилий ҳисоб ҳар бир жамғарма ва тўловлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.»;

56114 кодининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**Ҳисобварақнинг таърифи:** қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаларига тўланадиган ихтиёрий бадаллари, ягона ижтимоий тўловлар учун ломбард харажатлари ҳисоби олиб борилади.»;

56122 коднинг биринчи-учинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«56122 Жамғармаларга бадаллар

Ҳисобварақнинг таърифи: қонун ҳужжатларига мувофиқ жамғармаларга ажратмалар, шунингдек ходимларнинг соғлиқларини мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш ва бошқа бадаллар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетида жамғармаларга ажратмалар суммаси акс этирилади.»;

56722 коддан кейин қуйидаги мазмундаги код билан тўлдирилсин:

«56795 Бошқа операцион харажатлар

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган туркумларга мос тушмайдиган харажатлар ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг дебетиди юқорида таърифланган туркумларга мос тушмайдиган тўланган харажатлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитиди нотўғри тўланган харажатларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек молиявий ҳисобот йилининг охирида ломбарднинг молиявий натижаси сифатида 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараққа ўтказиладиган сумма акс эттирилади.»;

56834 коддан кейин қуйидаги мазмундаги код билан тўлдирилсин:

«56840 Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»;

56902 коднинг иккинчи хатбошисидан «, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

222 Тижорат банкларда юбилей саналарга бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 527-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1997 йил 22 августда 360-сон билан тасдиқланган Тижорат банкларда юбилей саналарга бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби (рўйхат рақами 527, 1998 йил 11 ноябрь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 мартда эълон қилинган.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 март,
8/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 10 мартдан 16 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 27 январдаги 3/5-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2678-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 27 январдаги 3/4, 01-02/19-11-сон «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»-ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1326-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 7 февралдаги 335-В-1, 01-02/12-17-сон «Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 12 февралдаги 35, 2018/09-02, 225-В-2, 2018-06, 01-02/8-6-сон «Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1183-2.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил

20 февралдаги 1-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 37, 2018-18-сон «Қонунчиликда белгиланган муддатларда устав маблағларини (жамғармаларини) шакллантирмаган хорижий сармояли корхоналардан солиқлар ундириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1144-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 7-сон «Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг сотиш нархларида истиқболни белгилаш ва ҳисобини юритиш бўйича кўрсатмаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 789-1.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 мартдаги 145-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1442-3.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 9 февралдаги 162-мх, 7, 23-сон «Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2541-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 20 февралдаги 2018-02-сон «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-6.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 7 мартдаги 53, 2018-25-сон «Давлат рўйхатидан ўтмасдан

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2463-1.

12. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2018 йил 5 февралдаги 68-сон «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларга қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1626-9.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 14 февралдаги 5, 24-сон «Саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракцион пахта мойини биржа савдолари орқали фақат «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2979.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 8/1, 54, 2018-12-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-7.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 12 февралдаги 20, 348-В-1-сон «Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлинмалари орқали ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2980.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 2, 19-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1655-1.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87, 20-сон «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқ-номани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981.

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 12 февралдаги 12, 3, 2/ққ-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга кираётган ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2982.

19. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 27 февралдаги 01/10-10/15-сон «Корхоналарнинг санацияси жараёнини мониторинг қилиш тартиби, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 485-4.

20. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 25 январдаги 4-Б-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2983.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/3-сон «Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-2.

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/6-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-1.

23. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 15 мартдаги 4-Б-1-сон «Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларни аттестациядан ўтказиш тартиби, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 839-2.

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 9 мартдаги 8/2-сон «Тижорат банкларда юбилей саналарга бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 527-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг «Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1183, 2002 йил 25 октябрь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1183-1, 2005 йил 18 март).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 мартдаги 140-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Қонунчиликда белгиланган муддатларда устав маблағларини (жамғармаларини) шакллантирмаган хорижий сармояли корхоналардан солиқлар ундириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1144, 2002 йил 27 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 мартдаги 142-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг сотиш нархларида истикболини белгилаш ва ҳисобини юритиш бўйича кўрсатмалар (рўйхат рақами 789, 1999 йил 30 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 мартдаги 143-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг «Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисида низомни тасдиқлаш

ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1442, 2005 йил 14 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1442-1, 2016 йил 20 июнь), (рўйхат рақами 1442-2, 2017 йил 4 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 мартдаги 145-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг «Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1655, 2007 йил 15 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 15 мартдаги 153-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Корхоналарнинг санацияси жараёнини мониторинг қилиш тартиби (рўйхат рақами 485, 1998 йил 28 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 485-1, 2012 йил 25 январь), (рўйхат рақами 485-2, 2014 йил 17 сентябрь), (рўйхат рақами 485-3, 2017 йил 10 октябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 15 мартдаги 156-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларни аттестациядан ўтказиш тартиби (рўйхат рақами 839, 1999 йил 18 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 839-1, 2010 йил 29 октябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 мартдаги 160-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Тижорат банкларда юбилей саналарга бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби (рўйхат рақами 527, 1998 йил 11 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 мартдаги 161-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

